АҚИДАНИНГ МУҲИМ БОБЛАРИГА ОИД ТЎХТАМЛАР

Ўзбек тилига
Абу Муҳаммад Косоний таржимаси
1438 ҳ.й

بسم الله الرحمن الرحيم

АҚИДА АСОСЛАРИ

ҲАҚ ВА БОТИЛ ЎРТАСИДАГИ КУРАШ ТАРИХИ

Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда айтди:

وَإِذۡ قَالَ رَبُّكَ لِلۡمَلَٰٓئِكَةِ إِنِّي جَاعِلٞ فِي ٱلۡأَرۡضِ خَلِيفَةٗۖ قَالُوٓاْ أَتَجۡعَلُ فِيهَا مَن يُفۡسِدُ فِيهَا وَيَسۡفِكُ ٱلدِّمَآءَ وَنَحۡنُ نُسَبِّحُ بِحَمۡدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَۖ قَالَ إِنِّيٓ أَعۡلَمُ مَا لَا تَعۡلَمُونَ ٣٠

«Эсланг, (эй Пайғамбар), Роббингиз фаришталарга: «Мен Ерда халифа қилмоқчиман», деганида, улар айтдилар: «Унда бузғунчилик қиладиган, қон тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз Сени ҳамду саноингга лойиқ поклаймиз ва Сени барча камолот ва улуғлик сифатлари билан улуғлаймиз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан». (Бақара: 30)

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандаларини жаннатга эришишлари ва дўзахдан омонда бўлишлари учун ер юзида одамларга буйруқларини ва қайтариқларини етказадиган халифа қилишни ирода қилди.

Халифа уларни ҳақ йўлга бошлайди ва Роббиларига яқинлаштиради.

Ушбу мақсад учун Одам алайҳиссаломни Ўз қўли билан яратди ва унга Ўз руҳидан пуфлади.

Мана шу вазифага Одам алайҳиссаломни тайёрлаш ҳамда унинг шаънини ва фаришталардан афзал эканини билдириш учун Аллоҳ таоло фаришталарга Одамга сажда қилишни буюрди.

فَسَجَدَ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ كُلُّهُمۡ أَجۡمَعُونَ ٣٠ إِلَّآ إِبۡلِيسَ أَبَىٰٓ أَن يَكُونَ مَعَ ٱلسَّٰجِدِينَ ٣١

«Фаришталарнинг барчаси Одамга сажда қилдилар. Магар Иблис сажда қилувчилар билан бирга бўлишдан бош тортди». (Ҳижр: 30-31)

Иблис фаришталар билан бирга эди. Лекин у кибри, қайсарлиги ва ўзини Одам алайҳиссаломдан афзал деб билгани учун сажда қилишдан бош тортди. Унинг мана шу қайсарлиги ва кибри барча махлуқотларни икки тоифа, икки жамоа; мўъминлар ва кофирлар жамосига бўлинишининг

биринчи учқуни бўлди. Мўъминлар жамоаси бошида Одам (алайҳиссалом) ва кофирлар жамоасининг бошида Иблис (алайҳиллаъна) бўлди.

Иблис Аллоҳнинг раҳматидан қувилиб, зиёнда қолганини ва ютқазганини билди. Бу ҳақида Аллоҳ азза ва жалла Ўзининг китобида айтди:

قَالَ فَٱخۡرُجۡ مِنۡهَا فَإِنَّكَ رَجِيمٞ ﴿٣٤﴾ وَإِنَّ عَلَيۡكَ ٱللَّعۡنَةَ إِلَىٰ يَوۡمِ ٱلدِّينِ ﴿٣٥﴾

«Бас, у (жаннат)дан чиқ! Энди сен, шак-шубҳасиз, ҳар қандай яхшиликдан қувилган — малъунсан. Ва албатта то ҳисоб ва жазо учун одамлар қайта тириладиган Кунгача сенга лаънат бўлади». (Ҳижр: 34-35)

Иблис Роббисидан ўзига муҳлат беришини сўради ва илтижо қилиб деди:

قَالَ رَبِّ فَأَنظِرۡنِيٓ إِلَىٰ يَوۡمِ يُبۡعَثُونَ ﴿٣٦﴾

«Роббим, у ҳолда менга улар қайта тириладиган Кунгача (ўлмасдан яшаш учун) муҳлат бергин». (Ҳижр: 36)

Аллоҳ таоло айтди:

قَالَ فَإِنَّكَ مِنَ ٱلۡمُنظَرِينَ ﴿٣٧﴾ إِلَىٰ يَوۡمِ ٱلۡوَقۡتِ ٱلۡمَعۡلُومِ ﴿٣٨﴾ قَالَ رَبِّ بِمَآ أَغۡوَيۡتَنِي لَأُزَيِّنَنَّ
لَهُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَأُغۡوِيَنَّهُمۡ أَجۡمَعِينَ ﴿٣٩﴾ إِلَّا عِبَادَكَ مِنۡهُمُ ٱلۡمُخۡلَصِينَ ﴿٤٠﴾

«Бас, сен маълум вақтда (етиб келадиган) Кунгача (Қиёматгача) муҳлат берилганлардансан. (Иблис) айтди: «Роббим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта уларга (Одам болаларига) Ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўяман ва албатта уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздираман. Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларинггина (ҳақ йўлдан озмай қоладилар)». (Ҳижр: 37-40)

Шундан сўнг Иблис Одам отамизга, то гуноҳга қўл урмагунларича васваса қила бошлади. Сўнг Аллоҳ азза ва жалла Одам отамизнинг тавбаларини қабул қилди ва ҳидоятга бошлади.

Сўнгра Аллоҳ биринчи амри – ер юзида халифа қилишни амалга оширди.

قُلْنَا ٱهْبِطُوا۟ مِنْهَا جَمِيعًا ۖ فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُم مِّنِّى هُدًى فَمَن تَبِعَ هُدَاىَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٣٨﴾ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَكَذَّبُوا۟ بِـَٔايَـٰتِنَآ أُو۟لَـٰٓئِكَ أَصْحَـٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَـٰلِدُونَ ﴿٣٩﴾

«У (жаннат)дан ҳаммангиз тушинг», дедик. «Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида, шу ҳақ йўлга эргашган кишиларга хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар. Оятларимизни инкор қилиб, ёлғон деган кимсалар эса дўзах эгалари бўлиб, унда абадий қоладилар». (Бақара: 38-39)

Отамиз Одам, онамиз Ҳавво ва улар билан бирга Иблис ерга тушдилар.

Ҳар бирлари ўзлари бажарадиган ва адо қиладиган амал ҳамда ҳимоя қиладиган ва даъват қиладиган эътиқод билан тушдилар.

Одам отамиз ер юзида, то Аллоҳ таоло уларнинг жонларини олгунига қадар, фарзандлари билан бирга яшадилар.

Улардан кейин халқлар кўпая бошлади. Одам отамиз вафотидан сўнг ўн авлод ўтди. Бу даврнинг ҳаммаси тавҳид ва якка Аллоҳ таолога ибодат билан ўтди.

Бу вақтда Иблис Одам болаларини йўлдан оздириш учун қулай фурсатни пойлар эди. У ўзига берган ваъдаси ва Одамга қилган таҳдидини унутмаган эди...

Нуҳ алайҳиссалом замонлари келди.

У зотнинг қавмидан бўлган Вадд, Сувоъ, Яғус, Яъуқ ва Наср исмли солиҳ кишилар Аллоҳга ибодат қилиш, ўзларини Роббиларига бағишлаш ва Унга яқинликка эришиш билан машғул эдилар.

Уларга эргашадиган инсонлар бор эди. Солиҳ кишилар вафот этганларидан кейин шайтон уларга эргашувчиларнинг қалбига: «Уларни эслаганингизда кўпроқ шавқ билан ибодат қилишингиз учун тошдан уларнинг ҳайкалларини ўйинглар», деб васваса қилди.

У авлод ўлиб, янги авлод келди. Иблис уларнинг ичига судралиб кириб борди ва уларга: «Ота-боболарингиз уларга ибодат қилар эдилар», деди ва улар (ўша солиҳ кишиларнинг ҳайкалларига) ибодат қилдилар.

Мана шу – Одам боласининг тавҳиддан бурилиб кетиши ва Аллоҳга ширк келтиришининг бошланиши бўлган эди.

Аллоҳ уларни тавҳидга чақириши учун Нуҳ алайҳиссаломни юборди.

Нуҳ алайҳиссалом қавмлари ичида тўққиз юз эллик йил яшади ва уларни ягона Аллоҳга ибодат қилишга чақирди. Лекин ота-боболарига кўр-кўрона эргашиш ва ўз раъйига мутаассиблик уларни ҳаққа бўлган даъватни қабул қилишдан тўсди.

بَلۡ قَالُوٓاْ إِنَّا وَجَدۡنَآ ءَابَآءَنَا عَلَىٰٓ أُمَّةٖ وَإِنَّا عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِم مُّهۡتَدُونَ ٢٢

«Балки улар (шундай) дедилар: «Албатта бизлар ота-боболаримизни бир дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан бориб ҳидоят топувчидирмиз». (Зухруф: 22)

Одамларнинг кўпчилиги Нуҳ алайҳиссаломни ёлғончига чиқарди:

وَمَآ ءَامَنَ مَعَهُۥٓ إِلَّا قَلِيلٞ ٤٠

«Унга иймон келтирган кишилар эса жуда оз эдилар». (Ҳуд - 40)

Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломни ва унга иймон келтирганларни қутқариб, қолганларни Аллоҳга ширк келтирганлари ва кофир бўлганлари туфайли сувга ғарқ қилди.

Сўнгра бирин-кетин пайғамбарлар кела бошладилар. Уларнинг ҳар бири тавҳид байроғини кўтариб, йўқолаёзган динни одамлар орасида янгилаб турар эдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонлари келиб, у зот пайғамбар биродарлари йўлини камолига етказдилар.

Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтди:

وَلَقَدۡ بَعَثۡنَا فِي كُلِّ أُمَّةٖ رَّسُولًا أَنِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ وَٱجۡتَنِبُواْ ٱلطَّٰغُوتَ ... ٣٦

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва тоғутдан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз». (Наҳл: 36)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн йил давомида, бошқа бирон нарсага даъват қилишдан олдин, тавҳидни мустаҳкамлаш, асосларини ўрнатиш, унинг рукнларини кўтаришдан бошладилар.

Чунки тавҳид – диннинг асоси ва аслидир.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар орасида бир неча йил, то вафотларига қадар Аллоҳга даъват қилувчи, мураббий, муаллим, Аллоҳнинг шариати билан ҳукм қилувчи ҳоким бўлдилар ва Аллоҳнинг калимаси энг олий, кофирларнинг калимаси энг паст бўлиши йўлида жиҳод қилдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг рошид халифалар келди ва ширк аҳлига нисбатан у зотнинг йўлини тутди. Улар ўзларининг яқийн, комил иймонлари билан шак-шубҳа аҳлини бостириб, йўқ қилдилар.

Аллоҳ улар орқали Ислом маёғини олий қилди. Уларга диёрлар ва юртларни очиб берди. Ислом дини ҳамма жойга етди.

Сўнгра йиллар ўтди... салиб қуллари ва кофирлар ислом диёрларига юриш қилишга журъат қилдилар, жоҳилият даврини орқага қайтардилар, ҳақиқат устунларини топтадилар.

Курашда кунлар айланиб туради. Уруш – гоҳида ғалаба, гоҳида ютқазишдир. Бир-бирини суриш қонуни – қанча узоқ давом этса ҳам – ўткинчидир.

سُنَّةَ ٱللَّهِ ٱلَّتِي قَدۡ خَلَتۡ مِن قَبۡلُۖ وَلَن تَجِدَ لِسُنَّةِ ٱللَّهِ تَبۡدِيلٗا ﴿٢٣﴾

«(Бу, яъни мўъминлар зафар топиб, кофирлар мағлуб бўлиши) Аллоҳнинг суннати — қонуни бўлиб, илгари ҳам ўтгандир. (Эй пайғамбар) Аллоҳнинг йўлини ҳаргиз ўзгартира олмассиз». (Фатҳ: 23)

Ва ниҳоят, уммат ғариб воқеълик ва ажиб замонга келиб уйқудан уйғонди. Бу замонда тоғутлар йиллар ва замонлар мобайнида одамларнинг бўйнига миниб олган эди. Зулм ва душманлик билан одамлар орасида Аллоҳнинг шариатини барпо қилишдан тўсиб, мусулмонларни энг ёмон азоблар билан азоблаётган эдилар. Уларнинг орасига, ҳар бир эшикдан куфрни киргазиб улгурган эдилар.

Тоғутлар ярим асрдан ортиқ вақт ичида умматнинг қалбини эзиб келдилар. Уммат хорлик ва хўрликка тўлди. Тоғутлар ширкларини уммат ичида ёйдилар. Тавҳидни таг-туги билан суғуриб ташлаш учун ширкни чиройли қилиб кўрсатдилар.

Эй Аллоҳ!!!! Нақадар қаттиқ фитна, нақадар катта мусибат!!!

Байт:

Ҳар не вақт йигит синса, дини уни тузатгай
Динда синиш қийиндир, яраси ҳеч битмагай

Зулм ва зўравонлик кўпайгани ва кучайганидан одамлар ғазабга тўлиб қўзғолдилар.

Қўзғолган халқ ичида ҳар хил сиёсий қараш ва оқим эгалари бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг мақсадини олдинга сурар ва ўз шиорини баланд қўярди.

Аллоҳ уларнинг орасидан ислоҳ қилувчи, аниқ мақсадли, тўғри эътиқодли кишиларни танлади. Уларнинг мақсадлари ва шиорлари: «Ер юзида фитна қолмасин ва диннинг барчаси Аллоҳники бўлсин».

Улар Ислом давлатини барпо қилишга чақирдилар, токи бу давлат байроғи остида муваҳҳидларнинг калималари жамлансин ва байроқлари бирлашсин, токи мусулмонлар Аллоҳнинг шариати билан ҳукм қиладиган ва Аллоҳ учун бандаликни ҳар томонлама адо эта оладиган Ислом хилофатини қуриш орқали уммат устидаги Аллоҳнинг фарзини амалга оширсинлар.

Бу нарса мушриклар тўдасига, илмонийлар, миллатпарастликка даъват қилувчилар тоифасига ёқмади. Тишларини қайирдилар. Иблисга дўстликларини, ҳақ аҳлига адоватларини ва уларга қарши уруш қилишларини очиқ баён қилдилар. Аллоҳнинг нурини ўчириш учун Ислом Давлатига қарши урушдилар. Бу нарса эса унинг ҳақ йўлидаги салобати ва саботини оширди.

Бундай синов ва мусибатлардан сўнг сафларни бир-биридан ажратиб олиш – лозим ва лобуд бўлган ҳам шаръий ҳам қадарий ҳам кавний иш экани тавҳид аҳлига равшан бўлди.

Одамларни Аллоҳ бандалари учун хоҳлаган бўлинишлик: мўъминлар жамоаси ва кофирлар жамоасига қайтариш лозим бўлди.

Аллоҳ таоло айтганидек:

مَّا كَانَ ٱللَّهُ لِيَذَرَ ٱلْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَآ أَنتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ ٱلْخَبِيثَ مِنَ ٱلطَّيِّبِ ۗ ... ﴿١٧٩﴾

«Аллоҳ мўъминларни сизлар бўлган мана шу ҳолатда (яъни ким мўъмин-у, ким мунофиқлиги маълум бўлмаган ҳолатда) ташлаб қўювчи эмас. Ҳали у нопокни покдан ажратади». (Ол Имрон 179)

Аллоҳ таоло айтди:

هُوَ ٱلَّذِى خَلَقَكُمْ فَمِنكُمْ كَافِرٌ وَمِنكُم مُّؤْمِنٌ ۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٢﴾

«У сизларни яратган зотдир. Бас, сизлардан (айримларингиз) кофир, сизлардан (айримларингиз) мўъминдир». (Тағобун 2)

Шу ерда, кофирлар билан тинчлик ва омонликда яшаб динининг саломатлигини ва тавҳидининг холислигини сақлаб қоламан, деб ўйлайдиган кимсалар ғафлатда қолган бир масалани билиб олишимиз мумкин. Аллоҳ уларнинг бу ўйларини Ўз китобида ёлғонга чиқариб айтди:

وَلَن تَرْضَىٰ عَنكَ ٱلْيَهُودُ وَلَا ٱلنَّصَٰرَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ ... ﴿١٢٠﴾

«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар». (Бақара 120)

Тавҳид билан ширк бир қалбда бирлашмагани каби, холис тавҳид аҳли билан ширк аҳли ҳеч ҳам бирга яшай олмайдилар.

* * * *

ДИН МАРТАБАЛАРИ

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтди: «Биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўтирган эдик, тўсатдан кийимлари оппоқ, сочлари тим қора бир киши кириб келди. У кишида сафар аломатлари кўринмас ва бизга нотаниш эди. Келиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига ўтирди. Икки тиззасини У зотнинг тиззаларига теккизди ва икки кафтини сонининг устига қўйиб: «Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар беринг» - деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислом – Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси деб гувоҳлик беришинг, намозни барпо қилишинг, закотни беришинг, Рамазон рўзасини тутишинг, йўлга қодир бўлсанг Байтуллоҳни ҳаж қилишинг» - дедилар.

У киши: «Тўғри айтдингиз» - деди. Унинг аввал савол бериб, кейин яна ўзи тасдиқлаётгани бизни ажаблантирди.

У киши: «Менга иймон ҳақида хабар беринг» - деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, элчиларига, охират кунига ва тақдирнинг яхшиси-ю ёмонига иймон келтиришинг» - дедилар.

У киши: «Тўғри айтдингиз» - деб, «Менга эҳсон ҳақида хабар беринг» - деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга Уни кўриб турганингдек ибодат қилишинг. Агар буни қила олмасанг, Аллоҳга У сени кўриб турганидек (ибодат қилишинг)» - дедилар.

У киши: «Менга қиёмат қачон бўлиши ҳақида хабар беринг» - деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат қачон бўлиши ҳақида сўралаётган киши сўровчидан кўра билувчироқ эмас (яъни: мен ҳам, сен ҳам қиёмат қачон бўлишини билмаймиз)»- дедилар.

У киши: «Қиёматнинг аломатлари ҳақида хабар беринг» - деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Чўри ўз хожасини туғмоғи ва ялангоёқ, яланғоч, фақир чўпонлар (фахрланиб, бир-бирларидан ошириб) уй қуришга берилиб кетганларини кўрганингда» - дедилар.

Умар розияллоҳу анҳу деди: «У киши кетди, бироз вақтдан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Умар, сўровчи ким эканини биласизми?» - дедилар. Мен: «Аллоҳ ва Росули билувчидир» - дедим.

Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу Жаброил – сизларга динингизни ўргатиш учун келди» - дедилар. (Муслим ривоят қилган)

Ушбу ҳадис диннинг мартабаларини жамлаган бўлиб, улар – **Ислом, иймон ва эҳсон.**

* * * *

Бўлим

ИСЛОМ

Ислом дини барча пайғамбарларнинг (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) динидир.

Аллоҳ таоло бандадан Ислом динидан бошқасини қабул қилмайди.

Аллоҳ таоло айтди:

إِنَّ ٱلدِّينَ عِندَ ٱللَّهِ ٱلۡإِسۡلَٰمُۗ ﴿١٩﴾

«Албатта Аллоҳ (башарият учун рози бўлган ва Унинг ҳузурида мақбул) дин фақат Ислом динидир». (Ол Имрон: 19)

Яна айтди:

وَمَن يَبۡتَغِ غَيۡرَ ٱلۡإِسۡلَٰمِ دِينٗا فَلَن يُقۡبَلَ مِنۡهُ وَهُوَ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ﴿٨٥﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир». (Ол Имрон: 85)

Ислом – Аллоҳга тавҳид ила таслим бўлиш, (буюрган ва қайтарган ишларида) Унга итоат қилиб бўйсуниш ҳамда ширкка ва мушрикларга ғазаб қилиб, улардан узоқ бўлишдир.

Таслим бўлиш: Аллоҳга тавҳид билан хорланиш ва бўйсуниш. Тавҳид – танҳо Аллоҳга ибодат қилишдир.

Арабларнинг сўзида “фалончи таслим бўлди” дегани – ўзини топширди, хорланди, бўйсунди ва итоат қилди деган маъноларни англатади.

Демак, мусулмон киши танҳо Аллоҳга хорланади, бўйин эгади ҳамда буйруқлари ва қайтариқларига итоат билан бўйсунади, Аллоҳга ибодатида Аллоҳга бошқани шерик қилмай ўз ихтиёри билан таслим бўлади.

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтади: «Исломда якка Аллоҳга таслим бўлиш ва Ундан ўзгасига таслим бўлишни тарк қилиш шартдир. Ана шу «لا إله إلا الله» калимасининг ҳақиқатидир. Кимки Аллоҳга ва (У билан бирга) Ундан

бошқасига таслим бўлса, у – мушрикдир. Аллоҳ таоло унга шерик келтирилишини кечирмайди. Кимки Аллоҳга таслим бўлмаса, ундай кимса Аллоҳнинг ибодатига мутакаббирлик қилибди. Аллоҳ таоло айтди:

وَقَالَ رَبُّكُمُ ٱدۡعُونِيٓ أَسۡتَجِبۡ لَكُمۡۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَسۡتَكۡبِرُونَ عَنۡ عِبَادَتِي سَيَدۡخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ ٦٠

«Роббингиз: «Менга дуо қилинглар, Мен сизларга ижобат қилурман», деди. Албатта Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларида жаҳаннамга кирурлар» (Ғофир: 60)». (Иқтизо сирот ал-мустақим 2/377)

Аллоҳга итоат билан бўйсуниш: бу degani – таслим бўлиш ва бўйин эгишнинг ўзигина етарли эмас. Булар билан бирга Аллоҳга итоат қилган, розилигини истаган, мукофотидан умид қилган ва азобидан қўрққан ҳолда Аллоҳ ва росулининг буйруқларига эргашиш ва қайтарганларини тарк қилиш лозимдир.

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтади: «Ислом лафзи таслим бўлиш, бўйсуниш ва ихлосни ўз ичига олади». (Иқтизо сирот ал-мустақим 2/377)

Ширк ва ширк аҳлидан воз кечиш: ширк ва унинг аҳлидан безор бўлиш, уларга адоватини изҳор қилиш, улардан нафратланиш, уларни кофир деб билиш, улар билан бирга яшамаслик, бирга еб-ичмаслик ҳамда гап-сўз ва амалда уларга ўхшамасликдир.

* * * *

ИСЛОМНИНГ БИРИНЧИ РУКНИ

Исломнинг биринчи рукни икки қисмдан иборатдир:

- Биринчи: (لا إله إلا الله) – «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ», деб гувоҳлик бермоқлик.
- Иккинчи: (محمد رسول الله) – «Муҳаммад Аллоҳнинг росули», деб гувоҳлик бермоқлик.

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтади: «Ислом иккита асос устига барпо бўлгандир – Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ шаҳодатини амалга ошириш ва Муҳаммад Аллоҳнинг росули шаҳодатини амалга ошириш». (ал-қоида ал-жалила фи ал-тавассул 1/264).

Яна роҳимаҳуллоҳ айтади: «Дарҳақиқат, Ислом икки асос устида барпо бўлгандир:

Биринчиси: Шериксиз ягона Аллоҳга ибодат қилмоғимиз.

Иккинчиси: Аллоҳга ҳавои нафсимиз ва ўйлаб топилган бидъатлар билан эмас, Росули саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тилларида келган Аллоҳнинг шариати билан ибодат қилмоғимиздир». (Мажмуъ ал-фатово 1/80)

Шаҳодат калимаси қуйидаги шартларни талаб қилади:

- **Илм.** Чунки эътиқод унинг устига қурилади. Икки шаҳодатнинг маъносини билмаган киши ушбу калима далолат қилган нарсага эътиқод қилиши мумкин эмас. Шаҳодат калимасини келтиришда лозим бўлган илм – ушбу калима далолат этган нарсаларнинг умумий маъносини билишдир.
- **Тил билан изҳор қилиш**. Икки шаҳодатни тил билан айтиш шарт. Чунки тил билан изҳор қилиш иймон тўғри бўлишининг шартидир.
- **Амал қилиш**. Амал қилиш – икки шаҳодат талабларига амал қилиш билан бўлади. Бу – ягона Аллоҳга ибодат қилиш ва Ундан бошқасига ибодат қилишни тарк қилишдир.

Икки шаҳодатнинг маъноси:

«لا إله إلا الله» нинг маъноси: Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ.

Ибодат турларининг барчасига яккаю ягона Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан ўзга ҳақли илоҳ йўқдир. Аллоҳ азза ва жалладан ўзга ҳар қандай маъбуднинг илоҳлиги – ботилнинг ботили ва залолатнинг залолатидир.

«لا إله إلا الله» (Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ) калимасининг икки рукни бор: инкор қилиш ва исбот қилиш.

- **«لا إله» (ҳақ илоҳ йўқ)** – Аллоҳдан ўзга ибодат қилинадиган барча нарсаларни инкор қилади;
- **«إلا الله» (Аллоҳдан ўзга)** – Ибодатнинг барча турларини шериксиз ягона Аллоҳга исбот қилади.

Аллоҳ таоло айтди:

وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَّسُولًا أَنِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ وَٱجْتَنِبُوا۟ ٱلطَّٰغُوتَ ۖ ﴿٣٦﴾

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва тоғутдан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз». (Наҳл: 36)

Аллоҳ азза ва жалла яна айтди:

فَمَن يَكْفُرْ بِٱلطَّٰغُوتِ وَيُؤْمِنۢ بِٱللَّهِ فَقَدِ ٱسْتَمْسَكَ بِٱلْعُرْوَةِ ٱلْوُثْقَىٰ لَا ٱنفِصَامَ لَهَا ۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٥٦﴾

«Бас, ким тоғутдан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитувчи, билувчидир». (Бақара 256)

Росулуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким «لا إله إلا الله»ни айтса, Аллоҳдан ўзга ибодат қилинадиган нарсаларга кофир бўлса, моли ва қони (биз учун) ҳаром бўлади ва унинг ҳисоби Аллоҳ ҳузуридадир».

Ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ айтади: «Қуръоннинг услуби – инкор билан исбот доим ёнма-ён келади. Аллоҳдан ўзга нарсаларга ибодат қилишни инкор қилади, якка Аллоҳга ибодат қилишни исботлайди. Мана шу – тавҳиднинг ҳақиқатидир. Инкорнинг ўзигина тавҳид дегани эмас, инкорсиз

исбот ҳам шундай. Демак, тавҳид инкор билан исботни ўз ичига олсагина тавҳид бўлади. «لا إله إلا الله»нинг ҳақиқати шудир». (Бадоиъ ал-фавоид 1/134)

«محمد رسول الله» (Муҳаммад Аллоҳнинг росулидир) шаҳодатининг маъноси – Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатига иймон келтириш, тасдиқлаш, у зотга итоат қилиш, суннатларига эргашишдир.

* * * *

ТАВҲИД ВА УНИНГ ҚИСМЛАРИ

Тавҳид – араб тилида (وَحَّدَ – يُوحِّدُ - توحيدا) сўзидан олинган бўлиб, кўп нарсани битта қилиш маъносини англатади.

Шариатда: Аллоҳ таолони зотида, рубубиятида, улуҳиятида, исм ва сифатларида ягона деб билишдир.

Аллоҳнинг зотида тавҳид

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида тавҳид – Аллоҳни зотида яккаю ягона деб эътиқод қилиш, Унга ота-она, фарзанд, жуфт нисбат бериш ёки Уни бирон нарсага ўхшатишдан поклаш ва Уни улуғлашдир.

Аллоҳ таоло айтди:

لَوۡ كَانَ فِيهِمَآ ءَالِهَةٌ إِلَّا ٱللَّهُ لَفَسَدَتَاۚ فَسُبۡحَٰنَ ٱللَّهِ رَبِّ ٱلۡعَرۡشِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿٢٢﴾

«Агар Аллоҳдан ўзга худолар булганида, ҳар иккиси (осмону ер) бузилиб кетар эди, Бас, арш эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган нарсадан покдир.» (Анбиё: 22)

Яна айтди:

قُلۡ هُوَ ٱللَّهُ أَحَدٌ ﴿١﴾ ٱللَّهُ ٱلصَّمَدُ ﴿٢﴾ لَمۡ يَلِدۡ وَلَمۡ يُولَدۡ ﴿٣﴾ وَلَمۡ يَكُن لَّهُۥ كُفُوًا أَحَدُۢ ﴿٤﴾

«Айтинг: «Аллоҳнинг ўзигина ягонадир. Аллоҳ беҳожатдир. У туғмаган ва туғилмагандир. Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир». (Ихлос: 1-4)

Яна айтди:

وَأَنَّهُۥ تَعَٰلَىٰ جَدُّ رَبِّنَا مَا ٱتَّخَذَ صَٰحِبَةً وَلَا وَلَدًا ﴿٣﴾

«Албатта буюклиги юксак бўлган Роббимиз бирон жуфт ва ё фарзанд тутган эмасдир». (Жин: 3)

Рубубият тавҳиди

Аллоҳни рубубиятда ягона деб билиш: яъни Аллоҳ таолони феълларида ягона деб билиш. Бу – Аллоҳ таолони яратувчи, мутлақ мулк эгаси, ишларни тадбир қилувчи ягона, шериксиз илоҳ деб эътиқод қилишдир.

Унинг Ўзигагина хос бўлган феълларида Унга ҳеч ким шерик бўла олмайдиган олий Зот, Унинг якка ўзигина махлуқотларини илми ва ҳикматига биноан тасарруф қилади ҳамда шериклар, Унга тенглаштирилганлар, ёрдамчи-аъёнлардан беҳожат деб эътиқод қилишдир.

Аллоҳ таоло айтди:

وَقُلِ ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ ٱلَّذِي لَمۡ يَتَّخِذۡ وَلَدٗا وَلَمۡ يَكُن لَّهُۥ شَرِيكٞ فِي ٱلۡمُلۡكِ وَلَمۡ يَكُن لَّهُۥ وَلِيّٞ مِّنَ ٱلذُّلِّۖ وَكَبِّرۡهُ تَكۡبِيرَۢا ﴿١١١﴾

«Ҳамду сано бола-чақа қилмаган, подшоҳлик-илоҳликда шериги йўқ, хор-зорликдан дўсти-ёрдамчиси бўлмаган зот – Аллоҳ учундир», деб айтинг ва У зотни мудом улуғланг!». (Исро: 111)

Яна айтди:

قُلِ ٱدۡعُواْ ٱلَّذِينَ زَعَمۡتُم مِّن دُونِ ٱللَّهِۖ لَا يَمۡلِكُونَ مِثۡقَالَ ذَرَّةٖ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَلَا فِي ٱلۡأَرۡضِ وَمَا لَهُمۡ فِيهِمَا مِن شِرۡكٖ وَمَا لَهُۥ مِنۡهُم مِّن ظَهِيرٖ ﴿٢٢﴾

«(Эй Пайғамбар, мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳдан ўзга (илоҳлар) деб гумон қилган бутларингизга дуо-илтижо қилаверинглар-чи! Улар на осмонларда ва на ерда бир зарра вазнича (нарса)га эга эмасдирлар ва улар учун (осмонлар ва ерда Аллоҳга) шериклик ҳам йўқдир ҳамда (Аллоҳ) учун улардан бирон ёрдамчи ҳам йўқдир». (Саба: 22)

Улуҳият Тавҳиди

Аллоҳни улуҳиятда ягона деб билиш: яъни Аллоҳ таолони ибодат қилинадиган ягона Зот деб билиш. Бу – Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони муҳаббат билан, унга хор бўлиб, уни улуғлаган ҳолда Уни ибодатга лойиқ, ягона ҳақ илоҳ деб эътиқод қилиш ҳамда Ундан бошқа ҳар қандай маъбудни ботил деб билишдир.

Аллоҳ таоло айтди:

وَمَآ أَرۡسَلۡنَا مِن قَبۡلِكَ مِن رَّسُولٍ إِلَّا نُوحِيٓ إِلَيۡهِ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّآ أَنَا۠ فَٱعۡبُدُونِ ﴿٢٥﴾

«(Эй Пайғамбар), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай ҳақ илоҳ йўқ, магар Менгина бордирман, бас Менгагина ибодат қилинглар», деб ваҳий юборгандирмиз». (Анбиё: 25)

Яна айтди:

وَمَا خَلَقْتُ ٱلْجِنَّ وَٱلْإِنسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥٦﴾

«Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим». (Зориёт: 56)

وَمَآ أُمِرُوٓاْ إِلَّا لِيَعْبُدُوٓاْ إِلَٰهًا وَٰحِدًا ۖ لَّآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۚ سُبْحَٰنَهُۥ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٣١﴾

«Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик килишга буюрилган эдилар. Ҳеч қандай ҳақ илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У зот уларнинг ширкларидан покдир». (Тавба 31)

Ибодат луғатда: хорлик, бўйсуниш деганидир.

Ибодатга шариатда иккита томондан таъриф берилади:

- **Биринчиси: Ибодат қилувчи томонидан**: комил муҳаббат ва комил мутеълик талаб қилинади. Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтади: «Ибодат комил муҳаббат ва комил хорликни ўз ичига жамлайди». (ал-қоида фи ал-маҳабба 1/98)
- **Иккинчиси: Қайси амалларни ибодат деймиз?** Ибодат – Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган барча зоҳирий ва ботиний сўз ва амалларни жамловчи сўздир.

Исм ва сифатларда тавҳид

Аллоҳни исм ва сифатларида ягона деб билиш. Бу икки асосга қурилади:

- **Биринчиси:** Аллоҳ азза ва жаллани Унга лойиқ бўлмаган нарсалардан поклаш. Яъни Аллоҳ таоло ўзидан инкор қилган ёки Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам У зотдан инкор қилганларни инкор қилиш.
- **Иккинчиси:** Аллоҳ таоло бизга ўз китобида хабар берган ва Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларида хабар берган

Аллоҳ субҳанаҳунинг исм ва сифатларининг кайфиятига киришмай, сифатларидан бирон сифатни инкор қилмай ёки уларни мисол билан кўрсатмай ёки таъвил қилмай исбот қилиш.

وَلِلَّهِ ٱلۡأَسۡمَآءُ ٱلۡحُسۡنَىٰ فَٱدۡعُوهُ بِهَاۖ وَذَرُواْ ٱلَّذِينَ يُلۡحِدُونَ فِيٓ أَسۡمَٰٓئِهِۦۚ سَيُجۡزَوۡنَ مَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ١٨٠

«Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар). Унинг исмларида (унга зиёда ёки нуқсон киргизиш ёки буриш билан) ўзгартириш киргизувчи кимсаларни тарк қилинглар. Улар яқинда қилиб ўтган амалларига яраша жазоланурлар». (Аъроф: 180)

هُوَ ٱللَّهُ ٱلۡخَٰلِقُ ٱلۡبَارِئُ ٱلۡمُصَوِّرُۖ لَهُ ٱلۡأَسۡمَآءُ ٱلۡحُسۡنَىٰۚ يُسَبِّحُ لَهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۖ وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ٢٤

«У — Аллоҳ яратувчидир, (йўқдан) бор қилувчидир, (барча нарсага хоҳлаган шаклда) сурат берувчидир. Унинг гўзал исмлари бордир. Осмонлар ва Ердаги бор нарса Унга тасбеҳ айтур. У жуда иззатли ва ўта ҳикматлидир». (Ҳашр: 24)

لَيۡسَ كَمِثۡلِهِۦ شَيۡءٞۖ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡبَصِيرُ ١١

«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитувчи ва кўриб турувчидир». (Шуро: 11)

* * * *

ТАВҲИДНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

1. Тавҳид – адолат асоси ва аслини ўрнатишдир. Бу эса энг буюк ҳақ – Аллоҳнинг ҳақини тўғри жойига қўйиш билан бўлади. Ширк эса бунинг акси бўлиб, у – энг катта зулмдир.

إِنَّ ٱلشِّرۡكَ لَظُلۡمٌ عَظِيمٞ ﴿١٣﴾

«Батаҳқиқ, (Аллоҳга) ширк келтириш катта зулмдир» (Луқмон: 13)

2. Тавҳид унга амал қилган инсонни комил ҳидоят, дунё ва охиратда тўлиқ омонликка эриштиради.

ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَلَمۡ يَلۡبِسُوٓاْ إِيمَٰنَهُم بِظُلۡمٍ أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمُ ٱلۡأَمۡنُ وَهُم مُّهۡتَدُونَ ﴿٨٢﴾

«Иймон келтирган, ўз иймонларини зулм (ширк) билан аралаштирмаган зотлар — ана ўшалар хотиржам бўлувчидирлар ва ўшалар ҳидоят топувчидирлар». (Анъом 82)

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлган ҳадисда келганидек: зулм бу – ширкдир. Тўла хотиржамлик ва комил ҳидоят – тавҳидни амалга оширишнинг самараси ва унинг энг буюк фазилатидир.

3. Тавҳиднинг энг буюк фазилатларидан бири шуки, банда тавҳидни амалга оширса, унга амал қилса, тавҳид уни одамларга қул ва қарам бўлишдан, улардан қўрқиш ва улардан умид қилишдан ва улар учун амал қилишдан озод қилади. Мана шу – ҳақиқий азизлик ва олий шарафдир. Банда тавҳид билан Аллоҳнинг ўзигагина қул бўлади ва ибодатларини фақат ёлғиз Унинг Ўзигагина қилади. Бу билан банда омонлик ва нажотга эришади.
4. Тавҳид – жаннатга кириш учун ягона йўлдир. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмай учраса жаннатга киради».
   Жаннатга кириш ва Аллоҳ таологa яқинликка эришишдан кўра буюкроқ фазилат ва каромат борми?!
5. Тавҳиднинг буюк фазилатларидан яна бири – барча зоҳирий ва ботиний амаллар ва сўзларнинг қабул бўлиши, комиллиги ва савоб берилиши тавҳидга боғлиқдир.

فَمَن كَانَ يَرۡجُواْ لِقَآءَ رَبِّهِۦ فَلۡيَعۡمَلۡ عَمَلٗا صَٰلِحٗا وَلَا يُشۡرِكۡ بِعِبَادَةِ رَبِّهِۦٓ أَحَدَۢا ١١٠

«Бас, ким Роббисига рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Роббисига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин!». (Каҳф: 110)

* * * *

Бўлим

ТАВҲИД – ЭНГ БУЮК МАНФААТ, ШИРК – ЭНГ КАТТА ЗИЁНДИР

Билгинки, Аллоҳ сени раҳматига олсин, қўлга киритиш керак бўлган энг буюк манфаат бу – Аллоҳ таолога бўлган иймон ва Уни (ибодатга ҳақли) ягона илоҳ деб билишдир. Бартараф этиш керак бўлган энг катта зиён ва офат бу – Аллоҳга кофир бўлиш ва Унга ширк келтиришдир.

Тавҳиддаги манфаат бу – очиқ-ойдин, комил, холис, зиён-офати бўлмаган манфаатдир. Аллоҳ азза ва жалланинг ҳақини дунёвий манфаатлардан устун қўйиш манфаати – энг буюк манфаатдир. Бу йўлда жонни хатарга қўйиш, уни Аллоҳ йўлида қурбон қилиш ва тавҳидни ўрнатиш учун фидо қилиш – шариат белгилаб берган манфаатдир. Инсон мана шу шаръий манфаатни амалга ошириш орқали энг олий мартабаларга эришади.

Жиҳодда ўлдирилиш, жон бериш, фарзандлар ва мол-дунёни ташлаб кетиш каби ҳолатлар бўлсада, Аллоҳ бу шаръий манфаат билан энг катта зиён ва офатларни дафъ қилади.

Дин – асраш ва ҳимоя қилиш керак бўлган энг биринчи заруриятдир. Агар дин манфаати билан бошқа манфаатлар кесишиб қолса, албатта диндан зиённи кетказиш бошқа зиёнларни кетказишдан олдинга қўйилади. Аллоҳ таоло росулига шундай қилишни, бу йўлда сабр қилишни, ҳаттоки ўлдирилса ҳам бу йўлдан чекинмасликни буюрди.

Энг буюк ва энг қабиҳ офат – Аллоҳга ширк келтиришдир. У энг катта зулмдир. Чунки ширк – Аллоҳнинг ҳақиқий ҳақини бошқасига беришдир. Ҳар томонлама ноқис махлуқларни ҳар томонлама комил бўлган Холиқ Зот даражасига кўтаришдир.

* * * *

«لا إله إلا الله» КАЛИМАСИНИНГ ШАРТЛАРИ

Шубҳасизки, «لا إله إلا الله» (Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ) калимаси – Исломнинг калитидир. У билан инсон Аллоҳнинг динига киради ва унинг жони ва моли омонда бўлади.

Шаҳодат калимаси – тил билан айтиб қўйиладиган қуруқ сўз эмас. Бу улуғ калиманинг маъноси бўлиб, албатта уни ўрганиш, унга иймон келтириш, у кўрсатган кўрсатмалари бўйича амал қилиш ва уни бузадиган нарсалардан узоқ бўлиш лозимдир.

Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб роҳимаҳуллоҳ айтади: «Шаҳодат калимасини у тақозо ва талаб қилгани бўйича амал қилмасдан, тил билан айтишнинг ўзигина фойда бермайди. Амал қилиш – ширкни тарк қилишдир». (ал-расаил ал-шахсия 1/137)

Шайх Сулаймон ибн Абдуллоҳ роҳимаҳуллоҳ айтди: «Ким «لا إله إلا الله» деб гувоҳлик берса – яъни: ушбу калиманинг маъносини билган ҳамда унга зоҳирда ва ботинда амал қилган ҳолда уни айтса... уни маъносини билмасдан, унга амал қилмасдан, тил билан айтиш бефойда эканига уламолар ижмоъ қилганлар». (Тайсир ал-азиз ал-ҳамид 1/51)

Илм аҳллари бу улуғ калиманинг шартларини айтиб ўтганлар. Ушбу шартларни амалга оширган инсон Ислом номига, унинг ҳукмига ва мукофотига ҳақли бўлади.

Биринчи шарт: Илм ва у жоҳилликнинг зиддидир.

Илм – бир нарсани қандай бўлса, худди шундайлигича, қатъий идрок қилишдир.

Далили: Аллоҳ таолонинг сўзи:

فَٱعۡلَمۡ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا ٱللَّهُ ﴿١٩﴾

«(Эй Пайғамбар) Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ эканини билинг». (Муҳаммад: 19)

Яна Аллоҳ таолонинг сўзи:

إِلَّا مَن شَهِدَ بِٱلۡحَقِّ وَهُمۡ يَعۡلَمُونَ ﴿٨٦﴾

«Фақатгина ўзлари билган ҳолларида (Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ эканига тиллари ва диллари билан) ҳақ гувоҳлик берган кишиларнигина (Аллоҳнинг изни-иродаси билан шафоат қилишга қодир бўладилар)». (Зухруф: 86)

Ҳақ гувоҳлик бу – «لا إله إلا الله» калимасидир: Улар тиллари билан айтган калиманинг маъноси ва ҳақиқатини қалблари билан биладилар.

Суннатдан: Усмон розияллоҳу анҳудан, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлигини билиб ўлса жаннатга киради». (Муслим ривояти).

Иккинчи шарт: Яқийн (комил ишонч) ва у шубҳанинг зиддидир.

Яқийн – «لا إله إلا الله»нинг маъносини тўлиқ билиш бўлиб, шак ва шубҳанинг зиддидир.

«لا إله إلا الله» калимасини айтган киши у далолат қилаётган нарсага иккиланмай, шубҳасиз, комил ишонч билан иймон келтирган бўлиши лозим. Чунки иймонда гумон эмас, шубҳасиз ишонч фойда беради.

Яқийнга далил Аллоҳ таолонинг ушбу каломидир:

إِنَّمَا ٱلۡمُؤۡمِنُونَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ثُمَّ لَمۡ يَرۡتَابُواْ وَجَٰهَدُواْ بِأَمۡوَٰلِهِمۡ وَأَنفُسِهِمۡ
فِي سَبِيلِ ٱللَّهِۚ أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلصَّٰدِقُونَ ١٥

«Ҳақиқий мўъминлар фақат Аллоҳ ва Унинг росулига иймон келтириб, сўнгра (ҳеч қандай) шак-шубҳа қилмаган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган зотлардир. Ана ўшаларгина (ўз иймонларида) содиқ бўлган зотлардир». (Ҳужурот: 15)

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу оятда мўъминларнинг Аллоҳ ва росулига бўлган иймонларининг ростлигига шак-шубҳа қилмасликларини шарт қилди. Шаккок ва шубҳаланувчи кимса эса мунофиқдир.

Суннатдан: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан: Росулуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Гувоҳлик бераманки Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва мен Аллоҳнинг росулидирман. Кимки ҳеч қандай шак -шубҳа

қилмаган ҳолда ушбу икки шаҳодат билан Аллоҳга учраса, албатта жаннатга киради». (Муслим ривояти)

Учинчи шарт: Ихлос ва унинг зидди ширкдир.

Ихлос луғатда: тозалаш, поклаш, нарсани нуқсонлардан ажратиб олиш, доғлардан четлатиш деганидир.

Ихлоснинг ҳақиқати: Аллоҳга яқин бўлиш мақсадини ширкнинг жамики доғларидан тозалаб ташлашдир.

Ихлоснинг далили:

أَلَا لِلَّهِ ٱلدِّينُ ٱلۡخَالِصُۚ ﴿٣﴾

«(Эй инсонлар), огоҳ бўлингизким, холис дин Аллоҳникидир (яъни, ширкдан пок, холис дин – тоат ва ибодатларнинг барчасига Аллоҳ таоло ҳақлидир)». (Зумар: 3)

وَمَآ أُمِرُوٓاْ إِلَّا لِيَعۡبُدُواْ ٱللَّهَ مُخۡلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ حُنَفَآءَ ﴿٥﴾

«Улар фақатгина динни Аллоҳ учун холис қилиб, Исломга тўлиқ юзланган ҳолатда ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга буюрилган эдилар». (Байййина: 5)

Суннатдан: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамларнинг ичида менинг шафоатимга эришган энг бахтли инсон «لا إله إلا الله» (Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ калимаси)ни қалбидан, холис айтганидир».

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Исломнинг асли: « أشهد أن لا إله إلا الله وأشهد أن محمدا رسول الله» (Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, деб гувоҳлик бераман ва Муҳаммад Аллоҳнинг росули, деб гувоҳлик бераман) калималаридир. Ким ўз ибодати билан риё, обрўни истаса “Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ” гувоҳлигини амалга оширмабди». (Мажмуъ ал-фатово 11/617)

Тўртинчи шарт: Сидқ (ростлик, содиқлик) ва у ёлғоннинг зиддидир.

Сидқ бу – сўзнинг воқеъликка мувофиқ келишидир.

Шаҳодатни айтган одам содиқ бўлиши, қалби билан тили бир хил бўлиши лозим. Агар зоҳирида тили билан айтса-ю, ботинида ёлғончи бўлса, ундай

одам мунофиқдир. Нифоқ – киши ўзини тасдиқлаган қилиб кўрсатиб, ишонмаслигини беркитиши ёки иймонни изҳор қилиб, куфрни яширишидир.

Сидқнинг далили:

أَحَسِبَ ٱلنَّاسُ أَن يُتۡرَكُوٓاْ أَن يَقُولُوٓاْ ءَامَنَّا وَهُمۡ لَا يُفۡتَنُونَ ٢ وَلَقَدۡ فَتَنَّا ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡۖ
فَلَيَعۡلَمَنَّ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ صَدَقُواْ وَلَيَعۡلَمَنَّ ٱلۡكَٰذِبِينَ ٣

«Одамлар: “Иймон келтирдик”, дейишлари билангина, имтиҳон қилинмасдан, қўйиб қўйиладилар, деб ўйладиларми?! Ҳолбуки Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик. (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ («Иймон келтирдик» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур». (Анкабут: 2-3)

Суннатдан: Икки саҳиҳ тўпламда келган Муоз ибн Жабалдан ривоят қилинган ҳадисда: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қайси бир инсон Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси деб сидқи дилдан гувоҳлик берса, албатта, Аллоҳ дўзах ўтини унга ҳаром қилади».

Бешинчи шарт: Муҳаббат ва у нафратнинг зиддидир.

Тавҳид калимасига ва у далолат қилган нарсага муҳаббат.

Муҳаббат бу – қалбнинг бир нарсага мойил бўлиши, у билан хурсанд бўлиши ва қувонишидир. Унинг зидди эса нафрат бўлиб, у қалбнинг узоқлашиши ва ёмон кўриши ва безовта бўлишидир.

Муҳаббатнинг далили:

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَندَادٗا يُحِبُّونَهُمۡ كَحُبِّ ٱللَّهِۖ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَشَدُّ حُبّٗا
لِّلَّهِۗ وَلَوۡ يَرَى ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓاْ إِذۡ يَرَوۡنَ ٱلۡعَذَابَ أَنَّ ٱلۡقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعٗا وَأَنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلۡعَذَابِ
١٦٥

«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар Аллоҳга ўзгаларни тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир. Бундай золимлар азобга рўбарў бўлганларида (Қиёмат Кунида) бутун куч-қудрат Аллоҳники бўлишини ва Аллоҳнинг азоби қаттиқ азоб эканини билсалар эди». (Бақара: 165)

Суннатдан: Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимда уч хислат бўлса, иймон ҳаловатини топади: Аллоҳ ва Унинг росули унга бошқалардан кўра севимлироқ бўлса, бирон кишини яхши кўрганда фақат Аллоҳ учун яхши кўрса, Аллоҳ уни куфрдан қутқарганидан сўнг, яна унга (куфрга) қайтишни худди оловга отилишни ёмон кўргани каби ёмон кўрса».

Олтинчи шарт: Бўйсуниш ва у тарк қилишнинг зиддидир.

Бўйсуниш (الانقياد) луғатда итоаткорлик, синиқлик маъносини билдиради.

Бундан мурод: “لا إله إلا الله”га ва у талаб қилган шартларга зоҳирда ва ботинда, тарк қилмай бўйсунишдир.

Аллоҳга тавҳид билан таслим бўлиб, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган (шариат)га тоат билан бўйсунишдир. Бу эса Аллоҳ фарз қилганларига амал қилиш, ҳаром қилганларини тарк қилиш ва бу нарсани ўзига мажбурият деб билиш орқали бўлади. “لا إله إلا الله”ни айтган киши мана шундай бўйсунсагина бу калимадан фойда топади.

﴿وَمَن يُسۡلِمۡ وَجۡهَهُۥٓ إِلَى ٱللَّهِ وَهُوَ مُحۡسِنٞ فَقَدِ ٱسۡتَمۡسَكَ بِٱلۡعُرۡوَةِ ٱلۡوُثۡقَىٰۗ وَإِلَى ٱللَّهِ عَٰقِبَةُ ٱلۡأُمُورِ ٢٢﴾

«Ким муҳсин (яъни, амалларида Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилган) ҳолида вужудини Аллоҳга топширса, бас у мустаҳкам ҳалқани (яъни «لا إله إلا الله» калимасини) ушлабди. Барча ишлар охир-оқибатда ёлғиз Аллоҳга борур». (Луқмон: 22)

Саъид ибн Жубайр айтганларидек, «мустаҳкам ҳалқа» бу – “لا إله إلا الله”дир.

Еттинчи шарт: Қабул ва унинг зидди радд қилиш, қайтаришдир.

Қабул луғатда – бир нарсага рози бўлишни билдиради.

Бу ерда қабулдан мурод: “لا إله إلا الله” калимасини, у талаб қилган ва далолат қилган маъноларни қалб, тил ва тана аъзолари билан рад қилмай қабул қилишдир. Яъни ушбу калимани ёки унинг талабларидан бирон нарсани қайтармайди.

Киши шаҳодат калимасини унинг маъносини билиб айтиши мумкин, лекин, у талаб қилган баъзи нарсаларни ё кибр қилиб ё ҳасад билан ёки бошқа сабабга кўра қабул қилмаслиги мумкин. Бундай кимса қабул шартини амалга оширмабди.

Далил:

إِنَّهُمْ كَانُوٓاْ إِذَا قِيلَ لَهُمْ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا ٱللَّهُ يَسْتَكْبِرُونَ ﴿٣٥﴾ وَيَقُولُونَ أَئِنَّا لَتَارِكُوٓاْ ءَالِهَتِنَا لِشَاعِرٍ مَّجْنُونٍ ﴿٣٦﴾

«Уларга: «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ», дейилганда кибр-ҳаво қилган эдилар. Ва улар «Ҳали бизлар бир мажнун шоирни деб илоҳларимизни тарк қилар эканмизми?» дер эдилар». (Соффат: 35-36)

Саккизинчи шарт: Тоғутга кофир бўлиш.

Тоғут луғатда: «туғён» – ҳаддидан ошиш, деган маънони билдиради.

Тоғутнинг шаръий таърифи: Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтади: «Тоғут бу – Аллоҳ ва Унинг росулининг тоатидан чиққан ҳар қандай улуғланувчи ва ўзини улуғ деб билувчи инсон ёки шайтон ёки бут-санамдир». (Қоида фи ал-маҳабба 1/187)

Ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Тоғут – банданинг қулчилик қилиш чегарасидан чиқишига сабаб бўлган ҳар қандай ибодат қилинадиган, эргашиладиган ва итоат қилинадиган кимсаю нарсалардир.

Ҳар бир қавмнинг тоғути Аллоҳ ва росулини қўйиб, ҳукм сўраб бориладиган ёки Аллоҳни қўйиб ибодат қилинадиган ёки Аллоҳ томонидан ҳужжати бўлмай туриб эргашиладиган ёки Аллоҳга тоат эканини билмайдиган нарсаларида итоат қилинадиган кимсалардир. Мана шундай тоғутларни ва одамларнинг уларга бўлган ҳолатини тафаккур

қилсанг, уларнинг кўпчилиги Аллоҳнинг ибодатидан юз ўгириб, тоғутларнинг ибодатига бурилиб кетганини, Аллоҳ ва Унинг росулига ҳукм сўраб боришни қўйиб, тоғутга ҳукм сўраб бораётганини, Аллоҳга итоат қилишгни ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишни тарк қилиб, тоғутларнинг итоатига киришиб кетганларини кўрасан». (Эълом ал-муваққеъийн 1/50)

* * * *

ТОҒУТЛАРНИНГ БОШЛАРИ

Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб роҳимаҳуллоҳ айтдилар: Тоғутлар кўпдир, уларнинг боши бешта:

Биринчиси: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилишга чақирувчи шайтон.

Ҳар қандай ширк ва куфр аслида шайтонга ибодатдир, чунки уни қилган кимса шайтонга итоат қилгани учун ширк ва куфр келтиради.

أَلَمۡ أَعۡهَدۡ إِلَيۡكُمۡ يَٰبَنِيٓ ءَادَمَ أَن لَّا تَعۡبُدُواْ ٱلشَّيۡطَٰنَۖ إِنَّهُۥ لَكُمۡ عَدُوّٞ مُّبِينٞ ﴿٦٠﴾ وَأَنِ ٱعۡبُدُونِيۚ هَٰذَا صِرَٰطٞ مُّسۡتَقِيمٞ ﴿٦١﴾

«Мен сизларга «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилмангиз, чунки у сизларга очиқ душмандир. Менгагина ибодат қилинглар! Мана шу Тўғри йўлдир», деб буюрмаганмидим?!» (Ёсин: 60-61)

Ҳар қандай тоғутга ибодат – Аллоҳдан ўзгага ибодат бўлгани учун ширк саналади. Шунинг учун ҳар бир мушрик Аллоҳдан бошқа бирдан ортиқ маъбудга ибодат қилувчидир. Ушбу гапнинг тасдиғи – Аллоҳ таолонинг мана бу сўзи:

هَٰٓؤُلَآءِ قَوۡمُنَا ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِهِۦٓ ءَالِهَةٗۖ لَّوۡلَا يَأۡتُونَ عَلَيۡهِم بِسُلۡطَٰنِۭ بَيِّنٖۖ فَمَنۡ أَظۡلَمُ مِمَّنِ ٱفۡتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبٗا ﴿١٥﴾

«Ана у қавмимиз эса Ундан ўзгаларни «илоҳ» қилиб олдилар. Улар ўзлари учун (ўша бутларнинг илоҳ эқани ҳақида) бирон ҳужжат келтирсалар эди. Бас, Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?!» (Каҳф: 15)

ءَأَتَّخِذُ مِن دُونِهِۦٓ ءَالِهَةً إِن يُرِدۡنِ ٱلرَّحۡمَٰنُ بِضُرّٖ لَّا تُغۡنِ عَنِّي شَفَٰعَتُهُمۡ شَيۡـٔٗا وَلَا يُنقِذُونِ ﴿٢٣﴾

«Мен У зотни қўйиб (бошқа худоларни) илоҳ қилиб олайми?! (Ҳаргиз ундай қилмасман, чунки) агар Раҳмон менга бирон зиён етказишни истаса, уларнинг шафоатлари мени бирон нарсадан беҳожат қила олмас ва улар мени (Аллоҳнинг азобидан) қутқара олмаслар». (Ёсин: 23)

Аллоҳ талонинг мана бу сўзи ҳақида фикр қил:

ضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلٗا رَّجُلٗا فِيهِ شُرَكَآءُ مُتَشَٰكِسُونَ وَرَجُلٗا سَلَمٗا لِّرَجُلٍ هَلۡ يَسۡتَوِيَانِ مَثَلًاۚ ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِۚ بَلۡ أَكۡثَرُهُمۡ لَا يَعۡلَمُونَ ﴿٢٩﴾

«Аллоҳ (шундай) бир мисол келтирди: бир киши – қул борки, унинг устида талашувчи шериклар (яъни хожалар) бор. Яна бир киши – қул борки, у бус-бутун ҳолида бир киши – хожаникидир. Иккисининг мисоли баробар бўлурми?! (Йўқ, баробар бўлмас. Худди шунингдек, бир неча «худо»ларга сиғинадиган мушрик билан ёлғиз Аллоҳгагина бандалик қиладиган мўъмин ҳам баробар бўлмас). Ҳамду-сано (ёлғиз) Аллоҳ учундир. Йўқ, уларнинг кўплари билмаслар, (бас, ана шу сабабдан турли «худо»ларга сиғинурлар)». (Зумар 29)

Иккинчиси: Аллоҳни қўйиб ўзига ибодат қилишга чақирган кимса.

Учинчиси: Аллоҳни қўйиб, ўзига ибодат қилинишига рози бўлган кимса.

Бу иккисига қуйидагилар киради:

- Аллоҳ ҳаром қилганни ҳалол қиладиган ва ҳалол қилганни ҳаром қиладиган тоғутлар.
- Суфий ва шийъалар сажда қиладиган ва (муқаддас билиб) суртинадиган шайхлар.

Тўртинчиси: Ғайб илмини билишни даъво қилувчи кимса.

Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

قُل لَّا يَعۡلَمُ مَن فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ ٱلۡغَيۡبَ إِلَّا ٱللَّهُۚ وَمَا يَشۡعُرُونَ أَيَّانَ يُبۡعَثُونَ ﴿٦٥﴾

«Айтинг: «Осмонлар ва ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Аллоҳгина (билур)». Улар қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмаслар». (Намл 65)

Бунга қуйидагилар киради:

- Сеҳргар;

- Коҳин;
- Фолбин;
- Кафт, қаҳвага қараб фол кўрувчи;
- Мунажжим.

Бешинчиси: Аллоҳ нозил қилган (шариат)дан бошқаси билан ҳукм қилувчи.

Бунга қуйидагилар киради:

- Одамлар томонидан ўрнатилган қонунлар билан ҳукм қилувчи ҳокимлар;
- Урф - одатлар билан ҳукм қилувчи қабила бошлиқлари;
- Парламент аъзолари;
- Қонун чиқарувчи палата аъзолари;
- Одамлар томонидан ўрнатилган қонунлар билан ишлайдиган маҳкамалардаги судялар.

* * * *

Кейинги пайтларда янги чиққан тоғутлар

Уларни билиш ва куфр келтириш лозим

ДЕМОКРАТИЯ

Демократия бу – халқ бошқаруви, ҳокимиятнинг тинч йўл билан алмашиши, ҳокимиятнинг бир неча қисмларга бўлиниши, суд ҳокимияти мустақиллиги, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва қонуннинг барча нарсадан устуворлиги демакдир.

Юқорида демократияга берилган таъриф ҳар бири ўз ҳолига куфр саналади. Қуйида баёни келтирилади:

Халқ ҳокимияти – бунинг маъноси қонун чиқариш Аллоҳ таолога эмас, халққа қайтади. Халқ ўзини ўзи танлаган йўл билан бошқаради, ўзи хоҳлаган қонунларни ишлаб чиқаради, хоҳлаганини ҳалол қилади, хоҳлаганини ҳаром қилади. Бу ишни куфрий қонунчилик палатасидаги халқ сайлаган депутатлар амалга оширади.

Қонунчилик палатаси куфрий кенгаш бўлиб, Аллоҳ таолога ва унинг ҳукмига қарши чиқади, Унинг шариатини масхара қилади, қонун чиқаришда, бирон нарсани ҳалол ёки ҳаром қилишда, одамлар ўртасида ажрим қилишда ўзини Аллоҳга шерик қилади. Аллоҳ таолонинг рубубиятида, улуҳиятида, исм ва сифатларида У билан тортишади.

أَلَا لَهُ ٱلۡخَلۡقُ وَٱلۡأَمۡرُۗ تَبَارَكَ ٱللَّهُ رَبُّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ٥٤

«Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир. Барча оламлар Роббиси — Аллоҳ буюкдир».(Аъроф 54)

وَرَبُّكَ يَخۡلُقُ مَا يَشَآءُ وَيَخۡتَارُۗ مَا كَانَ لَهُمُ ٱلۡخِيَرَةُۚ سُبۡحَٰنَ ٱللَّهِ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشۡرِكُونَ



«Роббингиз Ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва (Ўзи хохлаган ишни) ихтиёр қилур. Улар учун ихтиёр йўқдир. Аллоҳ уларнинг ширкларидан пок ва юксакдир».(Қасос 68)

أَمۡ لَهُمۡ شُرَكَٰٓؤُاْ شَرَعُواْ لَهُم مِّنَ ٱلدِّينِ مَا لَمۡ يَأۡذَنۢ بِهِ ٱللَّهُۚ وَلَوۡلَا كَلِمَةُ ٱلۡفَصۡلِ لَقُضِيَ بَيۡنَهُمۡۗ وَإِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ لَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ ٢١

«Балки улар учун Аллоҳ буюрмаган нарсаларни — «дин»ни уларга шариат қилиб берган шериклари — бутлари бордир?! Агар уларга бу дунёда азоб бермаслик қадарда ёзиб қўйилган сўз бўлмаганида, албатта уларнинг ўрталарида ҳукм қилинган бўлур эди. Золим кимсалар учун шак-шубҳасиз аламли азоб бордир». (Шуро 21)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ ҳакамдир ва ҳукм қилиш фақат Унинг ҳаққидир». (Абу Довуд ривоят қилган, саҳиҳ ҳадис)

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барча нарсанинг яратувчисидир, У буюради ва қонунларни фақат У қўяди. Аллоҳ бандалари ўртасида ҳукм қилувчи ва ажратувчи Ҳакамдир. Ҳеч ким Аллоҳ таоло билан бирга қонун чиқариши ёки Аллоҳнинг ҳукмига мухолиф бўлган нарсани танлаши мумкин эмас. Кимки шундай қилса, Аллоҳнинг ҳукмини рад қилган, қайтарган ва Аллоҳ таологa ўзини шерик қилган, Аллоҳни қўйиб, ўзини ибодат қилинадиган тоғутга айлантирган бўлади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятнинг охирида айтдики: «Аллоҳ таоло улар ширк келтираётган нарсалардан покдир». (Қасос 68)

Имом Исҳоқ бин Роҳавайҳ роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Мусулмонлар ижмоъ қилганларки, кимда ким Аллоҳ азза ва жалла нозил қилган нарсадан бирон нарсани қайтарса, у кимса бу иши билан кофир бўлади, гарчи у Аллоҳ таоло нозил қилган барча нарсани тасдиқласа ҳам». (ал-сорим ал-маслул 1/9)

Шинқитий роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Қонун чиқариш ва ҳукмларнинг барчаси, хоҳ у шаръий бўлсин, хоҳ кавний – қадарий бўлсин, Аллоҳнинг рубубиятига хос бўлар экан... Аллоҳ буюрган қонунлардан бошқа қонунларга эргашган одам, ўша қонун ишлаб чиқарувчини робб қилиб олибди ва уни Аллоҳга шерик қилибди». (азвоъ ал-баён 7/169)

Яна роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Аллоҳга Унинг ҳукмида шерик келтириш ва Унга ибодатда шерик келтириш – иккаласи ҳам бир хил маънодир. Иккаласининг ўртасида мутлақо фарқ йўқ. Аллоҳнинг низомидан бошқа

низомга эргашган ва Аллоҳнинг қонунидан бошқа қонунчиликка бўйсунган одам – худди санамга ибодат қилиб, бутга сиғинган кабидир. Бу иккаласининг ўртасида, қайси тарафдан бўлмасин, мутлақо фарқ йўқдир. Иккаласи бир хил, иккаласи ҳам Аллоҳга ширик келтиргандир» (азвоъ ал-баён 7/169).

Ҳокимиятнинг тинч йўл билан алмашиши: Бу – кофир ҳокимга қарши жиҳод қилиш ҳукмини бекор қилинишини англатади. Ҳокимиятдаги ўзгариш фақат тинч сайлов йўли билан амалга оширилади. Сайланган ҳоким энг кофир одам бўлса ҳам одамлар унга бўйсунишлари ва эргашишлари керак бўлади. Бошқариш ҳуқуқи кўпчилик халққа қайтади. Дин ва шариатнинг эса ҳеч қандай ўрни бўлмайди.

Уламолар ҳокимият кофирга берилмаслигига ижмоъ қилганлар. Агар мусулмон ҳоким куфр келтирса, унга қарши чиқиш ва уни ҳокимиятдан четлатиш вожиб бўлади.

وَلَن يَجۡعَلَ ٱللَّهُ لِلۡكَـٰفِرِينَ عَلَى ٱلۡمُؤۡمِنِينَ سَبِيلًا ﴿١٤١﴾

«Ва Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўъминлар устига йўл бермагай». (Нисо 141)

Кофирни мусулмонларнинг устидан бошлиқ қилиб тайинлаш, у учун мўъминларга қарши йўл очиб беради.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар «Ислом олий бўлади, ундан олийси бўлмайди». (Имом Доруқутний, Байҳақий ривоят қилганлар, Имом Бухорий аниқ сийға билан, иснодсиз келтирганлар)

Кофирга ҳокимиятнинг берилиши – куфр калимасининг Ислом калимасидан баланд қўйилишидир.

Бу эса икки томонлама куфрдир:

1. Бошқарув ҳуқуқини, номзод кофир бўлишига қарамай, кўпчилик овози билан унга берилиши томонидан – бу очиқ куфрдир. Чунки бу – ҳокимиятнинг кофирга берилмаслиги ҳақидаги уммат ижмоъсига мухолифдир.
2. Ҳоким, агар диндан чиқиб, кофир бўлса ҳам, унга қарши чиқиб бўлмаслиги томонидан куфрдир. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам айтдилар: «Фақат Аллоҳ томонидан ҳужжат бўлган очиқ куфрни кўрсангиз...»

Бошқарув органларини бирини биридан ажратиш. Бундан асл мақсад – диннинг давлат, сиёсат ва ички низомдан ажратишдир. Бу – куфр диёрларида ўрнатилган илмонийлик тузумининг асосидир. Бу билан дин таълими ва унинг қадриятларидан қутулиш кўзда тутилган. Тоғутлар мусулмонларнинг диёрларига ҳам бу низомларини олиб кирдилар. Бундан мақсад – мусулмонларни Ислом дини таълимотлари, қадриятлари ва асосларидан узоқлаштириш ва уларни ширк, бутпарастлик ва ахлоқсизлик панжаларига улоқтиришдир.

Суд органининг мустақиллиги. Бу куфр давлатлари ва муртад низомлардаги судлар бўлиб, у одамлар ва ёки қонунчилик палаталари томонидан ишлаб чиқарилган қонунлар асосида ишлайди. Бу орган куфрда энг ашаддий органлардан бири бўлиб, у Аллоҳ ва Унинг росули соллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши урушади.

Шайх Муҳаммад ибн Иброҳим роҳимаҳуллоҳ “Аллоҳ нозил қилгандан бошқаси билан ҳукм қилиш боби”да шундай дейди: «Бешинчи: Бу қисми шариатга қаршиликда, унинг ҳукмлари билан тортишишда, Аллоҳ ва Унинг Росулига қаршилик кўрсатишда ҳамда шаръий маҳкамалар билан тенглашишда энг каттаси, умумийси ва кўзга кўринганидир. Унда тайёрлаб бериш, ёрдам кўрсатиш, кузатиш, асослаб бериш, бўлимларга бўлиб бериш, ташкил қилиш, турларга ажратиш ва мажбурлаш каби ишлар билан шаръий маҳкамаларга тенглашиш иддао қилинади... Бундай маҳкамалар кўпгина мусулмонлар диёрларида (ғарбий кофир низомлар томонидан) комил суратда тайёрлаб берилган бўлиб, эшиклари барчага очиқдир. Одамлар унга тўда – тўда бўлиб борадилар. Ҳукм чиқарувчилари Китоб ва суннатга хилоф бўлган қонунлар билан ҳукм қиладилар. Одамларни ўша ҳукмларга бўйсунишга, иқрор бўлишларига мажбур қиладилар. Бундан ҳам катта куфр борми?! «Муҳаммад Аллоҳнинг Росулидир» шаҳодатини бузувчи яна қандай амал бор?!» (ал-дурар ал-сания 16/216)

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш. Шубҳасизки, Аллоҳ таоло бизга энг одил ва энг гўзал қонунларни шариат қилиб берди. Ҳар бир инсонга ўзи лойиқ бўлган нарсасини берди. Бу ажабланарли иш эмас албатта. ахир У Яратувчи ва яратганларининг барча ишларини Билувчи Зотдир.

Аллоҳ таоло айтди:

أَلَا يَعۡلَمُ مَنۡ خَلَقَ وَهُوَ ٱللَّطِيفُ ٱلۡخَبِيرُ ١٤

«(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмайдими?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир». (Мулк: 14)

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг дўстлари ва душманлари орасини ажратди. Шунингдек эркак ва аёл ўртасидаги ҳақ-ҳуқуқларни ҳам ажратди ва ҳар бирига ўзига муносибини берди. Бу нарса кофирларнинг ҳалқумларига тиқилди. Ислом динининг одамлар билан дин ва ақида асосида муомаласи уларни безовта қилди.

Ҳад-ҳудуд ва жиноятлар бобида шариат келтирган ҳукмларни ёқтирмадилар. Эркак ва аёл ҳуқуқлари борасида Аллоҳ таоло ўлчаб берган ўлчамларни инкор қилдилар.

«Инсон ҳуқуқлари» деган фикрга асос солдилар. Бу йўл билан дин аҳкомларини бузиб кўрсатмоқчи, одамларни ал-вало вал-баро (Аллоҳ йўлида дўстлашиш ва душман бўлиш) ақидасидан қайтармоқчи ва мусулмонларни шариат аҳкомларидан бездирмоқчи бўлдилар.

«Инсон ҳуқуқлари»дан мақсад:

- Одамлар билан, диний ва ақидавий асослардан узоқ ҳолда, инсонийлик асосида ва инсон ресурслари сифатида муомала қилиш.
- Қасос, қўл кесиш, тошбўрон қилиш, дарралаш каби шариат белгилаб берган жазоларни, инсон ҳуқуқлари тушунчасига мухолиф дея, инкор қилиш.
- Шариат белгилаб берган талоқ, мерос, дия – эваз каби масалалардаги эркак ва аёл орасидаги фарқларни, «инсонийлик»да тенг бўлганлари туфайли, инкор қилиш.

Юқорида зикр қилинганларнинг ҳар бири куфрдир. Чунки улар Қуръонни ёлғонга чиқаради, унинг ҳукмини инкор қилади. Уламолар, ким Қуръондан бирон бир нарсани ёлғонга чиқарса ёки инкор қилса, у одам кофир эканига ижмоъ қилганлар.

Имом Исҳоқ ибн Роҳавайҳ роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Мусулмонлардан кимки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни сўкса ёки Аллоҳ азза ва

жалла нозил қилган нарсалардан биронтасини рад қилса ёки Аллоҳнинг пайғамбарларидан бирон пайғамбарни ўлдирса, ҳаттоки Аллоҳ нозил қилганларнинг ҳаммасини тасдиқласа ҳам, у кимсанинг кофир эканига ижмоъ қилганлар». (ал-сорим ал-маслул 1/9)

Қонун устуворлиги. Қонун устуворлиги бу – давлат тутган йўлнинг асосий манбаи – қонундир, деганидир. Ҳеч кимнинг қонун белгилаган доирадан чиқишга ҳақи йўқ, чунки кофир низом унинг устига ўрнатилган бўлиб, унга мурожаат қилинади, у ҳукм қилади.

Шундай қилиб, қонун – қонун чиқарувчи, итоат қилинадиган ва эргашиладиган, ҳукмига буйсуниш вожиб бўлган ҳамда ҳар қандай масалада унга қайтиш керак бўлган маъбудга айланади. Бу эса тавҳидни ва «Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг Росулидир» шаҳодатини бузадиган амалларнинг энг буюгидир.

Шунинг учун демократия ўзининг том маъносида – Аллоҳни қўйиб, ибодат қилинадиган тоғут ҳисобланади. Унга куфр келтириш, ундан безор бўлиш, унинг аҳлини кофир санаш ҳамда улардан воз кечиш, уларни душман билиш вожибдир.

* * * *

МИЛЛАТПАРАСТЛИК

Миллатпарастлик – атеистик жоҳилия тарғиботи бўлиб, унинг мақсади Исломга қарши курашиш, унинг аҳком ва таълимотларидан қутулиш, уни миллийлик тушунчасига ўзгартириш, миллийлик сояси остида ҳуқуқлар бирлашишига, миллийлик асосида ал-вало вал-баро ўрнатилишига қаратилгандир.

Миллийлик тарафдорлари Ислом динига даъватни миллатчиларнинг орзу-умидлари амалга ошишига халақит берадиган нуқсон деб биладилар. Уларнинг назарида, Дин бу – эскилик сарқити бўлиб, давлатдан ажратилиши керак.

Миллатпарастлар, «миллийлик» нубувват (пайғамбарлик)ни ўрнини боса олувчи бадал бўлишига ва мана шу «миллийлик» деб аталмиш нубувват

йўлида одамлар ўзларидаги бор-йўқларини фидо қилишлари лозим бўлган нарсага айланишига ҳаракат қиладилар. Улар миллийликка бўлган иймон ҳар қандай алоқалардан кучли бўлишини хоҳлайдилар. Улар миллийликни Аллоҳ таолога бўлган иймон билан тарозининг иккинчи палласига қўйганлар. Улар учун миллийлик ҳар бир араб ёки бошқа миллат вакилининг диёнати бўлиши керак.

Миллатпарастлик ақидаси вакилларининг фикрлари шоирларининг қуйидаги байтида ўз аксини топади (маъноси):

Менга бир байрам берингларки, Арабларни бир уммат қилсин

Ва жуссам билан бароҳимлар дини устидан юринглар

Баъзи араб миллийлиги мутафаккирлари айтадилар: «Агар ҳар бир асрнинг муқаддас нубуввати бўладиган бўлса, Араб миллийлиги мана шу асрнинг нубувватидир!»

Улардан яна бири айтади: «Эй мусулмонлар, эй носоролар!!! Сизнинг динингиз арабийлик динидир, ундан бошқаси эмас...»

Мана шулар сенга аниқ бўлган бўлса, демак сен миллатпарастлик – диндан устун қўйилган тоғутлардан бири эканлигини, унга куфр келтиришинг, ундан безор бўлишинг, унинг аҳлини кофир деб билиб, улардан юз ўгириб, уларни душман деб билишинг кераклигини билдинг.

* * * *

ВАТАНПАРАСТЛИК

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инсонни ўзи туғилиб ўсган юртига муҳаббатли қилиб яратган. Ватанга муҳаббат одамзод фитратида, динга алоқаси бўлмаган, оддий, табиий бир туйғу бўлиши мумкин.

Ислом давлати парчаланиб кетганидан сўнг, дин душманлари Ислом диёрларини кичкина давлатчаларга бўлиб ташладилар ва унинг ҳар бир бўлагига сунъий ҳудудлар чизиб бериб, байроқларини ҳам ўрнатиб бердилар. Сўнгра кофирлар ва уларнинг вакиллари бўлмиш тоғут итлари мусулмонларнинг қалбида ўша байроқни ва ватанни улуғлаш туйғусини

ўрнашишини жуда хоҳладилар ва бунга эришдилар. Мусулмонларнинг қалбларидан исломий биродарлик бирлигини олиб ташлаш, уларни динларидан, ундаги ал-вало вал-баро ақидасидан юз ўгириб, ватан муқаддаслиги, унинг йўлида дўстлашиб, унинг йўлида душманлашиш ақидасига эътиқод қилишлари учун ҳаракат қилдилар.

Ватан йўлида зафар қозониш, одамларни дин бирлиги нуқтаи назаридан эмас, балки ватан бирлиги жиҳатидан ажратиш (ватандошинг дин душмани бўлса ҳам, у сен учун дининг ва ақиданг бир бўлган Исломдаги биродарингдан устун туриши), Ислом асослари, исломий ахлоқ, шариат бошқарувидан қутулиш, куфр ва муртадликка, сўз эркинлигига, дин танлаш (виждон) эркинлигига йўл очиб бериш ва айни вақтда Ватан бирлигини сақлаб туриш ва уни ягона шахс ёки низомнинг қўлида қолиб кетмаслиги – мана шулар ватанийликнинг асослари ва тамойилларидир.

Ватанпарварлик шиорлари остида ҳокимнинг, низомнинг, миллий байроқнинг ҳақи Аллоҳ ва Унинг росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақидан устун туради. Агар кимки кофир бўлса (диндан қайтса) ёки динни ёки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни сўкса – у одам уларда жиноятчи ҳисобланмайди. Унинг бу қилмиши «виждон эркинлиги» доирасига киради. Ватанпарварларнинг бир машҳур мақолида айтилганидек «Дин – Аллоҳ учун, Ватан – ҳамма учун». Аммо ким ҳокимни сўкса ёки тузумга қарши чиқса, байроқни хорласа, албатта, у одам жиноятчи саналиб, жазога лойиқ бўлади.

Ватанпарварлик юқоридаги нуқтаи назардан қаралса, улуғланадиган, муқаддаслаштирилган тоғутга айлантирилганлиги, ал-вало вал-баро ақидаси ҳам унинг устига қурилгани маълум бўлади. Шунинг учун, куфрий эътиқодга айланган ватанпарастликка куфр келтириш, ундан ва унинг аҳлидан безор бўлиш, уларни кофир деб билиш вожибдир.

* * * *

ТОҒУТГА КУФР КЕЛТИРИШНИНГ СИФАТИ

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло тоғутга куфр келтириш иймоннинг шарти эканини баён қилган. Аллоҳ марҳамат қилиб айтди:

فَمَن يَكۡفُرۡ بِٱلطَّٰغُوتِ وَيُؤۡمِنۢ بِٱللَّهِ فَقَدِ ٱسۡتَمۡسَكَ بِٱلۡعُرۡوَةِ ٱلۡوُثۡقَىٰ لَا ٱنفِصَامَ لَهَاۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ٢٥٦

«Бас, ким тоғутдан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир»

Тоғутга куфр келтириш қуйидагича бўлади:

- Унга куфр келтириш: Бу эса Аллоҳдан ўзгага қилинадиган ибодатни ва куфрий дин ва мазҳабларни ботил деб эътиқод қилиш билан бўлади.
- Уни тарк қилиш: Ундан ва унинг аҳлидан безор бўлиш.
- Улардан нафратланиш.
- Тоғут аҳлини кофир деб билиш: яъни тоғутларга ибодат қилган ёки иймон келтирганни кофир деб эътиқод қилиш ҳамда уларни кофир деб билишингни ва душманлигингни имкон қадар уларга билдириш.
- Уларга душманлик қилиш.

Шайх Муҳаммад бин Абдулваҳҳоб роҳимаҳуллоҳ айтди: «Тоғутга куфр келтиришнинг маъноси: Аллоҳдан ўзга эътиқод қилинадиган барча нарсалардан безор бўлишинг, хоҳ у жин ё инс ё дарахт ё тош ё бошқа нарса бўлсин, уни кофир ва адашган деб гувоҳлик беришинг, гарчи у отанг ё аканг ё уканг бўлса ҳам ундан нафратланишингдир. Ким агар: «Мен Аллоҳдан бошқасига ибодат қилмайман, лекин хожаларга, қабрларнинг устидаги қуббалар ва шу кабиларга менда монеълик йўқ», деса – у одам «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ» шаҳодатида ёлғончидир. Чунки у тоғутга куфр келтирмади». (ал-дурар ал-сания 2/122)

Шайх роҳимаҳуллоҳ яна айтдилар: «Эй сен Аллоҳ Ислом билан неъматлантирган инсон, Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлигини билган одам, «Мен ҳақни билдим, ундан бошқасини тарк қилдим, лекин мушрикларга қаршилигим йўқ, улар ҳақида ҳеч нарса демайман» деб ўйлашинг сени

Исломга олиб киради деб ўйламагин. Улардан нафратланиш, уларни яхши кўрганлардан нафратланиш, уларни ҳақоратлаш ва уларга душманлик қилиш лозимдир». (ал-дурар ал-сания 2/109)

* * * *

АЛ-ВАЛО ВАЛ-БАРО

(Аллоҳ учун дўстлашиш ва Аллоҳ учун душманлашиш)

Дарҳақиқат, «ал-вало вал-баро» (дўстлашиш ва душманлашиш) Ислом асосларининг энг буюк икки асосидир. У иймоннинг шарти бўлиб, усиз иймон тўғри бўлмайди.

وَلَوْ كَانُوا۟ يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلنَّبِىِّ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيْهِ مَا ٱتَّخَذُوهُمْ أَوْلِيَآءَ وَلَٰكِنَّ كَثِيرًا مِّنْهُمْ فَٰسِقُونَ ﴿٨١﴾

«Агар Аллоҳга, пайғамбарга ва унга нозил қилинган китобга иймон келтирганларида эди, уларни — кофирларни дўст тутмаган бўлур эдилар. Лекин улардан кўплари итоатсиз кимсалардир». (Моида: 81)

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ Аллоҳ азза ва жалланинг ушбу ояти ҳақида шундай дейди: “Аллоҳ таоло (*мазкур оятда*) **«агар»** шарт юкламаси орқали шарт жумлани[1] зикр қилди. Шарт жумла – шарти топилса, шарт қилинган нарса ҳам топилишини ва аксинча, шартни рад қилиш билан шарт қилинган нарса ҳам рад қилинишини англатади. **«Агар Аллоҳга, пайғамбарга ва унга нозил қилинган китобга иймон келтирганларида эди, уларни —кофирларни дўст тутмаган бўлур эдилар»**. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларни – кофирларни дўст тутиш иймонга зид эканига ва уни йўққа чиқаришига далолат қилди. Иймон билан кофирларни дўст тутиш бир қалбда бирлашмайди. Кимки уларни дўст тутса, Аллоҳга, пайғамбарга ва унга нозил қилинган нарсага иймон келтиришдан иборат бўлган вожиб иймонни бажармабди. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтди:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَتَّخِذُوا۟ ٱلْيَهُودَ وَٱلنَّصَٰرَىٰٓ أَوْلِيَآءَ ۘ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَآءُ بَعْضٍ ۚ وَمَن يَتَوَلَّهُم

---

[1] Ўзбек тилида бу каби жумла “шарт эргаш гапли қўшма гап” дейилади. Бундай жумла ўзбек тилида “агар” боғловчиси ва ёки феълнинг охирига “–са” суффиксини қўйиш воситасида ясалади. Масалан: “Агар дарсга келмаса, имтиҳонга киритилмайди”. Табиийки, ўзбек тили билан араб тили грамматикаси ўртасида таъриф ва ёндашув жиҳатидан бирмунча фарқлар мавжуд. Бундан ташқари наҳв қоидалари оят ва ҳадисларни тушунишда, шаръий матнларни таҳлил ва тақрир қилишда энг муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам илм аҳллари бирон оят ва ҳадисни шарҳлаганларида унинг наҳвий томонларини зикр қиладилар. Шайхул Ислом роҳимаҳуллоҳ айни ўринда, оят шарт жумла бўлиб келгани боис, шарт жумланинг қоидасини зикр қилдилар.

مِّنكُمۡ فَإِنَّهُۥ مِنۡهُمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ۝٥١

«Эй мўъминлар, яҳудий ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир». Аллоҳ таоло бу оятлар орқали кофирларни дўст тутганлар мўъмин эмаслиги хабарини берди». (Мажмуъ ал-фатово 7/17)

Яна роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Аллоҳ таоло Ўзига, пайғамбарига ва унга нозил қилган нарсасига иймон келтириш уларни (кофирларни) дўст тутмасликни шарт қилишини баён қилди. Уларни дўст тутиш иймоннинг йўқлигини вожиб қилади, чунки лозим ишни қилмаслик лозим қилинган ишнинг йўқлигини билдиради». (ал-иқтизо 1/550)

«Кофирларни дўст тутиш ҳар хил кўриниш ва суратда бўлар экан, унинг ҳукми ҳам бир хил бўлмайди. Бу кўриниш ва суратларнинг ичида диндан чиқарадиган ва иймонни буткул бузадиганлари, шунингдек уларнинг ичида куфр эмас, маъсият ҳисобланадиганлари ҳам бор». (ал-дурар ал-сания 7/155, 159, 220)

* * * *

Бўлим

Ал-Вало – муҳаббат, ёрдам бериш, келишиш деганидир. Муволот (дўстлашиш) – душманлашишнинг зиддидир[1].

Ал-Баро (воз кечиш, безор бўлиш) – узоқлашиш, нафратланиш, душман бўлиш деганидир[2].

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ Аллоҳ таолонинг: ﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاء بَعْضٍ﴾ (Мўъмин ва мўъминалар бир-бирларига дўстдирлар) қовли ҳақида шундай дейди: «бир-бирларига ёрдам берадилар, кўмаклашадилар», деганидир».

Шайх Абдулатиф бин Абдурроҳман бин Ҳасан Ол Шайх айтади: «Дўст тутишнинг асли муҳаббатдир ва душманлашишнинг асли нафратдир. Бу иккаловидан дўст тутиш ва душманлашишнинг ҳақиқатига кирувчи қалб ва аъзоларнинг амаллари пайдо бўлади. Буларга – ёрдам бериш, дил яқинлиги, ўзаро кўмаклашиш, жиҳод ва ҳижрат каби амаллар киради». (ал-дурар ал-сания 2/157)

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтади: «Дарҳақиқат, тавҳид шаҳодатини амалга ошириш фақат Аллоҳ учун яхши кўриш ва фақат Аллоҳ учун ёмон кўришни, фақат Аллоҳ учун дўстлашиш ва фақат Аллоҳ учун душманлашишни, фақат Аллоҳ яхши кўрган нарсани яхши кўриш ва Аллоҳ ёмон кўрган нарсани ёмон кўришни, фақат Аллоҳдан умид қилишни, Аллоҳдан бошқадан қўрқмасликни, Аллоҳдан бошқадан сўрамасликни тақозо қилади. Мана шу – Иброҳим миллатидир. Мана шу – Аллоҳ таоло барча росуллари орқали юборган Исломдир». (Мажмуъ ал-фатово 8/337)

Шайх Сулаймон бин Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Абдулваҳҳоб айтади: «Аллоҳнинг динида муҳаббатсиз ва Аллоҳнинг дини учун нафратсиз ва Аллоҳ йўлида душманлашиш, Аллоҳ йўлида дўстлашишсиз дин комил бўладими?! Жиҳод байроғи ёки амру маъруф ва наҳий мункар қоим бўладими?! Агар одамлар адоват ва нафратсиз, бир маслакка иттифоқ

---

[1] Ал-вало (الولاء) сўзи араб тилида (وَلِيَ) феълидан олинган бўлиб, (ولي) дегани – яқин бўлмоқ, ёрдамчи бўлмоқ маъноларини англатади. Муволот (موالاة) сўзи ҳам шу ўзакдан олинган бўлиб, дўстона муносабат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш маъноларини англатади.

[2] Ал-баро (البراء) – (برئ) феълидан олинган бўлиб, алоқадор бўлмаслик, қутулиш, ажраб чиқиш, тарк қилиш маъноларини англатади. Бароат (البراءة) сўзи ҳам шу маънода.

қилганларида ҳақ билан ботилнинг ўртасини ажратиш бўлмас эди, мўъминлар билан кофирларнинг ўртасида, Аллоҳнинг дўстлари билан Аллоҳнинг душманлари ўртасида фарқ бўлмаган бўларди». (Рисалат авсақ ъуро ал-ийман)

«Ал-вало вал-баро»да одамлар уч турлидир:

Биринчиси – комил вало (дўстлашиш)га ҳақли одамлар. Улар – набийлар ва мункар ишлардан узоқ юрувчи мўъминлар.

Иккинчиси – комил бароат, яъни тамомила воз кечиб, безор бўлиш ва душманлашишга ҳақли одамлар. Уларга кофирлар киради.

Учинчиси: бир томондан дўстлашишга ҳақли бўлган ва бошқа томондан безор бўлиш керак бўлган одамлар. Уларга фосиқ мусулмонлар киради. Ундай мусулмонлар улардаги иймон сабабли дўстлашишга ҳақли бўлсалар, гуноҳ ва маъсиятлари сабабли безор бўлишга лойиқдирлар.

Шайх Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Шуни билиш керакки, мўъмин киши билан – гарчи у сенга зулм қилса ҳам ва тажовуз қилган бўлса ҳам – дўстлашиш вожибдир. Кофир билан – гарчи у сенга ҳадиялар бериб, яхшиликлар қилган бўлса ҳам – душманлашиш вожибдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло диннинг барчаси Аллоҳники бўлиши учун росулларни юборди ва китобларни нозил қилди. Шундай экан, муҳаббат Аллоҳнинг дўстларига бўлади ва нафрат Аллоҳнинг душманларига, ҳурмат, икром Унинг дўстларига ва хорлик, пастга уриш унинг душманларига, мукофот Унинг дўстларига ва жазо Унинг душманларигадир. Агар бир кишида яхшилик ва ёмонлик, фожирлик ва итоаткорлик ва маъсият, суннат ва бидъат жам бўлса, ундаги яхшилик қадарида дўстлашиш ва савоб олишга ҳақли бўлади ва ундаги ёмонлик қадарида душманлашишга ва жазоланишга ҳақли бўлади. Чунки бир шахсда ҳам ҳурмат қилишга, ҳам хорлашга лойиқ сифатлар жам бўлиши мумкин. Қўли кесилиб, сўнгра байтул молдан ҳожатига яраша маблағ ажратилган ўғри каби, бир шахсда бунисидан ҳам, бунисидан ҳам бўлиши мумкин. Мана шу аҳли сунна вал жамоа иттифоқ қилган ва мўътазила ва хаворижлар мухолиф бўлган аслдир».(Мажмуъ ал-фатово 28/2009).

Мўъминлар билан дўстлашишнинг кўринишларидан:

- ✓ Уларни яхши кўриш.

- ✓ Уларга ёрдам бериш ва қийин кунларида ташлаб қўймаслик.
- ✓ Уларга ҳокисор ва меҳрибон бўлиш.
- ✓ Уларга насиҳат қилиб, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш.
- ✓ Ғамларини енгиллатиш ва асирларини озод қилиш
- ✓ Ҳурумотларини[1] риоя қилиш ва шарафларини ҳимоя қилиш

Кофирларни дўст тутиш икки хилдир: Диндан чиқарувчи дўстлик ва маъсият ҳисобланувчи дўстлик.

Диндан чиқарувчи дўстлик қуйидагилар:

- ➢ Уларни дини учун яхши кўриш ва куфрларига рози бўлиш. Бу ижмоъ билан куфрдир.
- ➢ Уларнинг ботил динларини мақташ. Бу куфрдир, чунки бу – Аллоҳнинг китобини ва суннатни ёлғонга чиқаришдир.
- ➢ Мусулмонлар зарарига уларга ёрдам қўлини чўзиш ва ёрдам бериш. Аллоҳ таоло айтди:

لَّا يَتَّخِذِ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ ٱلۡكَٰفِرِينَ أَوۡلِيَآءَ مِن دُونِ ٱلۡمُؤۡمِنِينَۖ وَمَن يَفۡعَلۡ ذَٰلِكَ فَلَيۡسَ مِنَ

ٱللَّهِ فِي شَيۡءٍ إِلَّآ أَن تَتَّقُواْ مِنۡهُمۡ تُقَىٰةٗۗ وَيُحَذِّرُكُمُ ٱللَّهُ نَفۡسَهُۥۗ وَإِلَى ٱللَّهِ ٱلۡمَصِيرُ ٢٨

«Мўъминлар мўъминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳдан ҳеч нарсада эмас. Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир), Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Ва фақат Аллоҳга қайтажаксиз». (Оли Имрон: 28)

Табарий айтади: «Аллоҳдан ҳеч нарсада эмас»нинг маъноси – Аллоҳдан воз кечди ва динидан қайтиб, куфрга киргани сабабли Аллоҳ ҳам ундан воз кечди, деганидир».(Табарий тафсири 6/313)

Аллоҳ таоло айтди:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَتَّخِذُواْ ٱلۡيَهُودَ وَٱلنَّصَٰرَىٰٓ أَوۡلِيَآءَۘ بَعۡضُهُمۡ أَوۡلِيَآءُ بَعۡضٖۚ وَمَن يَتَوَلَّهُم

[1]Жонлари, моллари ва шарафлари каби мўъминнинг мўъминга ҳаром бўлган нарсалари

مِّنكُمۡ فَإِنَّهُۥ مِنۡهُمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥١﴾

«Эй мўъминлар, яҳудий ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларни дўст тутса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас» (Моида: 51)

Ибн Ҳазм айтади: «Аллоҳ таолонинг «Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир» қовли, зоҳирига кўра, шундай қилган одам кофирлар жумласидан бўлган кофир эканлиги саҳиҳдир. Бу икки мусулмон бир-бири билан ихтилофга бормайдиган ҳақиқатдир». (ал-муҳалла 13/35)

Фисқ ва маъсият ҳисобланадиган дўстлашиш қуйидагилар:

- «Мистер», «жаноб» каби лақаблар билан уларни улуғлаш. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мунофиқни «жаноб» деманглар, агар у жанобингиз бўлса Роббингизни азза ва жаллани ғазаблантирган бўласиз». (Бухорий «ал-адаб ал-муфрад»да ривоят қилган)
- Улар билан бир жойда яшаш. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мушрикларнинг ичида яшайдиган ҳар қандай мусулмондан безорман». (Абу Довуд ривоят қилган)
- Уларни мусулмонларнинг баъзи ишларига бош қилиб қўйиш. Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Абу Мусо розияллоҳу анҳу Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг олдиларига келдилар ва улар билан бир насроний котиб бор эди. Умар розияллоҳу анҳуга котибнинг ёдлаш қобилияти ёқиб қолди ва айтдилар: «Котибингга айт, бизга бирон китоб ўқиб берсин». Абу Мусо айтдилар: «У насроний, масжидга кирмайди. Умар розияллоҳу анҳу Абу Мусо розияллоҳу анҳуни уришиб бердилар ва дедилар: «Аллоҳ уларни хор қилганида сизлар уларни икром қилманглар, Аллоҳ уларни узоқлаштирганда сизлар уларни яқинлаштирманглар, Аллоҳ азза ва жалла уларни хиёнатчи деди, сизлар уларга ишонманглар» (Байҳақий ривояти. Саҳиҳ).
- Мажлисларнинг тўрига чиқариш.
- Уларни дўст ва суҳбатдош қилиб олиш.
- Саломни улардан олдин бериш ва уларга йўл очиб бериш. Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Яҳудий ва насронийларга

биринчи бўлиб салом берманглар, агар йўлда учрашиб қолсангиз йўлнинг четига ўтишларига мажбур қилинглар (яъни, сиқиб ўтиб кетинглар)». (Муслим ривояти)

* * * *

Бўлим

Кофирлар билан дўстлашишнинг яна бир тури – уларга ўзини ўхшатишдир. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ўзини бир қавмга ўхшатса, у ўшалардандир». (Аҳмад ривояти)

Шариатимиз, очиқ-равшан ҳикматлар сабабли, бизни кофирларга ўхшашдан қайтарган:

Биринчиси: кофирларни яхши кўришга олиб борадиган ва мана шу муҳаббат натижасида улардаги нарсаларни яхши деб ҳисоблашга олиб борадиган йўлни кесиш. Чунки, ташида рози бўлиш ичидан рози бўлишни келтириб чиқаради. Инсоннинг ички дунёси билан ташқи дунёси орасида бир-биридан ажралмас нуқталар бордир.

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Зоҳирда ўзаро ўхшашлик ботинда муҳаббат ва севгини, дўстлашишни келтириб чиқаради. Шунингдек ботиндаги муҳаббат зоҳирда ўхшашликка ҳаракат қилишни олиб келади. Бу – ҳиссиёт ва тажриба гувоҳ бўлган ишдир».

Иккинчиси: мусулмон одам кофирдан ажралиб туриши, уни кофирлардан ажратиб турадиган исломий шахсга хос кўринишни сақлаши.

Учинчиси: уларга мухолиф бўлишда бароатнинг амалдаги кўриниши борлиги.

Тўртинчиси: кофирларга қарама-қарши келишимиз уларнинг нафсларида хорланиш ва камситилишни ҳис қилишларини келтириб чиқаради. Агар, аксинча, улар билан келишсак, бу нарса уларни ғурурланиб, ўзларини баланд ҳис қилишларига олиб келади.

Кофирларнинг феъллари уч хилдир:

- **Ибодатлар жинсига кирувчи амаллар.** Бундай амалларда ёки бирон бир шунга ўхшаш нарсада ўзимизни уларга ўхшатишимиз жоиз эмас. Хоч тақиш ёки Ийсо масиҳнинг туғилган кунини нишонлаш каби мусулмонлар орасида кенг ёйилган ёки ёйилмаган ишлар бўладими, фарқи йўқ.
- **Одатлар ва кўринишлар.** Агар булар кофирларнинг хусусиятларидан бўладиган бўлса, уларга ўзимизни ўхшатишимиз жоиз эмас. Соч кесиш ёки уларни ажратиб турадиган либослар каби.

- **Ишлаб чиқариш ёки ҳунармандчилик каби ишлар.** Саноат маҳсулотлари кофирларнинг ўзигагина тегишли хусусият эмас ва уларнинг динига алоқаси йуқ. Шунинг учун фойдали ҳунар ва ишлаб чиқаришни ўрганиб, улардан беҳожат бўлишимизда ҳеч қандай ёмонлик йўқдир.

* * * *

Бўлим

ШИРК ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Ширк луғатда: тавҳиднинг зиддидир. У – қатнашиш, иштирок этиш сўзларидан олингандир. Ширк – бирон нарсага бирдан ортиқ шахсни ҳақли бўлиши ва унда шерик бўлиши деганидир.

Ширк истилоҳда: Аллоҳ азза ва жаллага Унинг рубубиятида ё илоҳиётида ё исм ва сифатларида шерик келтиришдир.

Ширк икки турга бўлинади:

Биринчиси: Катта ширк. У – кишини диндан чиқаради ва Исломни ҳар томонлама бузади.

Иккинчиси: Кичик ширк. У – диндан чиқармайди ва Исломни ҳамма томондан бузмайди.

* * * *

Бўлим

КАТТА ШИРК

Катта ширк – энг катта гуноҳ ва энг буюк зулмдир. Чунки ширк – Аллоҳнинг ҳаққини Ундан бошқага том маънода буришдир. Ширк – Аллоҳ таоло кечирмайдиган гуноҳдир. Аллоҳ ширк аралашган бирорта солиҳ амални қабул қилмайди.

Аллоҳ таоло айтди:

إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَغۡفِرُ أَن يُشۡرَكَ بِهِۦ وَيَغۡفِرُ مَا دُونَ ذَٰلِكَ لِمَن يَشَآءُۚ وَمَن يُشۡرِكۡ بِٱللَّهِ فَقَدِ ٱفۡتَرَىٰٓ إِثۡمًا عَظِيمًا ﴿٤٨﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди». (Нисо:48)

Яна Аллоҳ таоло айтди:

لَقَدۡ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓاْ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلۡمَسِيحُ ٱبۡنُ مَرۡيَمَۖ وَقَالَ ٱلۡمَسِيحُ يَٰبَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ رَبِّي وَرَبَّكُمۡۖ إِنَّهُۥ مَن يُشۡرِكۡ بِٱللَّهِ فَقَدۡ حَرَّمَ ٱللَّهُ عَلَيۡهِ ٱلۡجَنَّةَ وَمَأۡوَىٰهُ ٱلنَّارُۖ وَمَا لِلظَّٰلِمِينَ مِنۡ أَنصَارٖ ﴿٧٢﴾

«Аллоҳ — Масиҳ бинни Марямдир», деган кимсалар аниқ кофир бўлдилар. Ҳолбуки, Масиҳ: «Эй бани Исроил, Роббим ва Роббингиз бўлмиш Аллоҳга бандалик қилингиз!» — демишдир. Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас.

Яна Аллоҳ таоло айтди:

وَلَقَدۡ أُوحِيَ إِلَيۡكَ وَإِلَى ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِكَ لَئِنۡ أَشۡرَكۡتَ لَيَحۡبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ



«Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб колурсан!»

Катта ширк турларидан:

Биринчиси: Дуодаги ширк ва у сўраш дуоси ва ибодат дуосини ўз ичига олади.

Ибодат дуоси – намоз, рўза, сажда, жонлиқ сўйиш, назр ва шунга ўхшаш амаллардир. Ким бу амаллардан биронтасини Аллоҳдан ўзгага бағишласа – катта ширк келтирган бўлади ва диндан чиқади.

Аллоҳ таоло айтди:

فَمَن كَانَ يَرۡجُواْ لِقَآءَ رَبِّهِۦ فَلۡيَعۡمَلۡ عَمَلٗا صَٰلِحٗا وَلَا يُشۡرِكۡ بِعِبَادَةِ رَبِّهِۦٓ أَحَدَۢا ﴿١١٠﴾

«Бас, ким Роббисига йўлиқишга умид қилса, солиҳ амал қилсин ва Роббисига ибодат қилганда бирортасини шерик қилмасин». (Каҳф:110)

Яна Аллоҳ таоло айтди:

قُلۡ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحۡيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿١٦٢﴾ لَا شَرِيكَ لَهُۥۖ وَبِذَٰلِكَ أُمِرۡتُ وَأَنَا۠ أَوَّلُ ٱلۡمُسۡلِمِينَ ﴿١٦٣﴾

«Айтинг: (Эй Пайғамбар) «Албатта намозим, қурбонлик қилишим, ҳаётим ва мамотим бутун оламларнинг Роббиси бўлмиш Аллоҳ учундир. Унинг биронта шериги йўқдир. Мен мана шунга буюрилганман. Ва мен бўйинсунувчиларнинг аввалгисиман» (Анъом:162-163).

Сўраш дуоси: Бу талаб қилиш ва сўрашдир. Аллоҳдан бошқаси қодир бўлмаган нарсани Аллоҳдан бошқадан сўраш мумкин эмас. Ўликлардан, санамлардан, дарахтлар ва шу кабилардан сўраш ёки ғойиб (ёнида йўқ) одамдан сўраш каби.

Аллоҳ таоло айтди:

وَأَنَّ ٱلۡمَسَٰجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدۡعُواْ مَعَ ٱللَّهِ أَحَدٗا ﴿١٨﴾

«Албатта барча масжидлар Аллоҳникидир. Бас, Аллоҳ билан бирга бирортасига ибодат қилманглар». (Жин: 18 оят)

وَأَنۡ أَقِمۡ وَجۡهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفٗا وَلَا تَكُونَنَّ مِنَ ٱلۡمُشۡرِكِينَ ﴿١٠٥﴾ وَلَا تَدۡعُ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَنفَعُكَ وَلَا يَضُرُّكَۖ فَإِن فَعَلۡتَ فَإِنَّكَ إِذٗا مِّنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٠٦﴾

«Ва (менга буюрилганки), ўзингизни доимо тўғри бўлган динда (исломда) тутинг, ҳаргиз мушриклардан бўлманг ва Аллоҳни қўйиб, сизга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсага илтижо қилманг! Бас, агар шундай «қилсангиз, у ҳолда албатта золимлардандирсиз!». (Юнус: 105-106)

Нўъмон бин Башир ривоят қилади: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дуо айни ибодатдир» (Имом Аҳмад ва сунан эгалари ривоят қилган)

Иккинчи: Ният, хоҳиш ва мақсаддаги ширк.

Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

مَن كَانَ يُرِيدُ ٱلۡحَيَوٰةَ ٱلدُّنۡيَا وَزِينَتَهَا نُوَفِّ إِلَيۡهِمۡ أَعۡمَٰلَهُمۡ فِيهَا وَهُمۡ فِيهَا لَا يُبۡخَسُونَ ﴿١٥﴾ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ لَيۡسَ لَهُمۡ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ إِلَّا ٱلنَّارُۖ وَحَبِطَ مَا صَنَعُواْ فِيهَا وَبَٰطِلٞ مَّا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ﴿١٦﴾

«Ким (фақат) шу ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини(нг ажр-мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. Ундай кимсалар учун охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч кандай насиба йўқдир. Уларнинг бу дунёда қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган амаллари бефойдадир».

Ният ва хоҳишдаги ширк ибодатларда бўлади. Ким ибодатлари билан мол-дунёни, нуфуз, обрў ёки шунга ўхшаш нарсаларни мақсад қилган бўлса-ю,

Аллоҳ таологa яқинликни, буйруқларига амал қилишни мақсад қилмаган бўлса – ширкнинг мана шу турига тушиб қолган бўлади.

Ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ айтади: «Хоҳиш ва ниятдаги ширк – соҳили йўқ денгиз кабидир. Ундан омон қоладиган камдир. Ким ўз амали билан Аллоҳнинг юзидан бошқасини ва Аллоҳга яқинликдан бошқа нарсани ният қилган бўлса ва мукофотни ўша ният қилган нарсасидан кутса – нияти ва хоҳишида Аллоҳга шерик келтирибди. Ихлос – амаллари, сўзлари, хоҳиши ва ниятини Аллоҳга холис қилишдир. Мана шу – Аллоҳ таоло барча бандаларига буюрган ҳаниф Иброҳим миллатидир. Аллоҳ таоло бирон кишидан бу миллатдан бошқасини қабул қилмайди ва мана шу Исломнинг ҳақиқатидир.

Аллоҳ таоло айтди:

وَمَن يَبۡتَغِ غَيۡرَ ٱلۡإِسۡلَٰمِ دِينٗا فَلَن يُقۡبَلَ مِنۡهُ وَهُوَ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ﴿٨٥﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир». (Оли Имрон:85)». (ал-жавоб ал-кофий, 135 с.)

Аммо ибодатлардан бўлмаган амаллар, масалан: пул топиш ниятида бирон мубоҳ тижорат ёки шунга ўхшаш иш қилса – бу бобга кирмайди.

Учинчи: Тоат ширки. Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

ٱتَّخَذُوٓاْ أَحۡبَارَهُمۡ وَرُهۡبَٰنَهُمۡ أَرۡبَابٗا مِّن دُونِ ٱللَّهِ وَٱلۡمَسِيحَ ٱبۡنَ مَرۡيَمَ وَمَآ أُمِرُوٓاْ إِلَّا لِيَعۡبُدُوٓاْ إِلَٰهٗا وَٰحِدٗاۖ لَّآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَۚ سُبۡحَٰنَهُۥ عَمَّا يُشۡرِكُونَ ﴿٣١﴾

«Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг олимларини ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни Робб қилиб олдилар. Ҳолбуки, фақат Ундан бошқа ҳақ илоҳ йўқ бўлган, ягона Аллоҳга бандалик килишга буюрилган эдилар. Аллоҳ уларнинг ширкларидан покдир». (Тавба: 31)

Ушбу оятни Термизий ва бошқалар Адий ибн Ҳотам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис баён қилиб беради: У зот Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг (اتَّخَذُواْ أَحْبَارَهُمْ وَرُهْبَانَهُمْ أَرْبَاباً مِّن دُونِ اللّهِ) «Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг олимларини ва роҳибларини Робб қилиб олдилар» оятини ўқиб

турганларини эшитди ва деди: «Ахир биз уларга ибодат қилмаймизку!». Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳ ҳалол қилганни ҳаром қилганларида сиз ҳам ҳаром санаб, ҳаром қилганини ҳалол қилганларида ҳалол санамайсизларми?», айтди: «Ҳа, шундай», айтдилар: «Мана шу – уларга ибодат қилишдир».

Ибн Жарир ўзининг тафсирида Абул Бахтарий орқали Ҳузайфадан ривоят қилиб, Аллоҳ таолонинг: «Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг олимларини ва роҳибларини Робб қилиб олдилар», сўзи ҳақида шундай деган: «Уларга ибодат қилмадилар, лекин маъсиятларда итоат қилдилар».

Яна бир ривоятда айтади: «Агар бирон нарсани ҳалол қилиб берсалар, ҳалол санардилар, агар бирон нарсани ҳаром қилсалар, ҳаром қилардилар».

Шайхул Ислом Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтади: «Олимлари ва роҳибларини, Аллоҳ ҳаром қилганини ҳалол қилиб, ҳалол қилганини ҳаром қилишда уларга эргашиш орқали, робб қилиб олганлар икки хил бўладилар:


Биринчиси: Улар (ўша олимлари ва роҳиблари) Аллоҳнинг динини ўзгартирганларини биладилар ва ўзгартирилган ҳолида уларга эргашадилар. Бошлиқларига эргашган ҳолда ва улар пайғамбарларнинг динига қарши борганларини била туриб Аллоҳ ҳаром қилганини ҳалол деб, ҳалол қилганини ҳаром деб эътиқод қиладилар ва бу куфрдир. Чунки Аллоҳ ва Унинг росули буни ширк деган. Гарчи уларга сиғинмасалар ҳам, сажда қилмасалар ҳам. Ким Аллоҳдан ўзгасига динга мухолиф ишда – ўша иш динга мухолиф эканини билиб туриб – эргашса ва Аллоҳ ва росулининг сўзи қолиб, олим ва роҳиблари айтган сўзларга эътиқод қилса – у ҳам ўшалар каби мушрик бўлади.

Иккинчи: Ҳалолни ҳаром ва ҳаромни ҳалол қилинишидаги эътиқодлари собит бўлади[1], лекин уларга маъсиятларда итоат қиладилар. Мусулмон киши маъсиятни маъсиятлигини билиб туриб қилгани каби. Ундайларнинг ҳукми гуноҳкорларнинг ҳукми кабидир». (Мажмуъ ал-фатаво 7/70)

Тўртинчи: Муҳаббатдаги ширк. Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

[1] Яъни бу нарсанинг куфр эканини биладилар ва шундай деб эътиқод қиладилар.

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَندَادًا يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ ٱللَّهِ ۖ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَشَدُّ حُبًّا

لِّلَّهِ ۗ 

«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар Аллоҳга ўзгаларни тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар». (Бақара: 165)

Бу – Аллоҳ билан бирга яна бошқани худди Аллоҳни севгандек ёки ундан ҳам кучлироқ севишдир.

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтади: «Катта қоидалардан бири шуки, Аллоҳдан бошқаси ўз-ўзидан мавжуд бўлмагани каби, Аллоҳдан бошқаси ўз зоти учунгина маҳбуб ва марғуб бўлиши жоиз эмас. Аллоҳдан ўзга робб, Ундан ўзга ҳақ илоҳ йўқдир. Илоҳ бу – зоти учун яхши кўрилишга, зоти учун камоли муҳаббат ва улуғлик ила улуғланишга ҳақли бўлган маъбуддир». (Амроз ал-қулуб ва шифоуҳа 1/71)

Ибн Қаййим айтади: «Ягона Аллоҳдан ўзга ҳеч нарса зоти учун яхши кўрилмайди. Ундан бошқа яхши кўриладиган нарсалар Робб таборака ва таолога бўлган муҳаббатнинг натижасидир. Фаришталар, пайғамбарлар, авлиёларга бўлган муҳаббат каби. Уларга бўлган муҳаббат Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога бўлган муҳаббатнинг натижасидир. Бундай муҳаббат Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг ажралмас қисмидир, чунки Аллоҳни яхши кўриш У яхши кўрганларни яхши кўришни тақозо қилади». (Ал-жавоб ал-кофий 1/193)

Ибн Қаййим айтади: «Аллоҳ билан бирга бошқасини севиш икки хилдир:

Тавҳиднинг аслини бузувчи севги ва бундай туйғу ширкдир ҳамда комил ихлос ва Аллоҳга бўлган муҳаббатни бузувчи севги ва у Исломдан чиқармайди.

Биринчиси – мушрикларнинг бут ва санамларига бўлган муҳаббати кабидир. Аллоҳ таоло айтди: ﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ اللّهِ أَندَاداً يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ اللّهِ﴾ (Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар Аллоҳга ўзгаларни тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар). Мушриклар бут-санамлар ва олиҳаларини, Аллоҳ билан бирга, Аллоҳни севгандек севадилар. Бу илоҳ қилиб олиш ва дўст тутиш муҳаббатидир. Бундай муҳаббатнинг ортидан қўрқув, ражо, ибодат, ва дуо эргашади. Бундай муҳаббат – Аллоҳ ҳеч

қачон кечирмайдиган очиқ-ойдин ширкдир. Ўша шерикларни душман деб билмагунича ҳамда улардан ва мушриклардан қаттиқ нафратланмагунича, улар билан курашмагунича кишининг иймони тўлиқ бўлмайди. Аллоҳ таоло мана шу нарса билан барча пайғамбарларини юборди, барча китобларини нозил қилди, мана шу ширкий муҳаббат аҳли учун дўзахни яратди. Аллоҳнинг розилиги йўлида мана шу ширкий муҳаббат аҳли билан курашганлар ва душманлашганлар учун жаннатни яратди.

Иккинчиси: Аллоҳ нафсларга зийнатли қилиб қўйган аёл, фарзанд, тилла, кумуш, отлар ва мол-чорлар каби нарсаларга бўлган муҳаббат. Инсон бу нарсаларни, оч қолган одам таомни ёки чанқаган киши сувни яхши кўрганидек, шаҳвати билан яхши кўради». (Руҳ 1/254)

* * * *

КИЧИК ШИРК

Кичик ширк: шариатда ширк сифати берилган, лекин диндан чиқармайдиган ҳар қандай сўз ёки амалга айтилади.

Аллоҳдан бошқаси билан қасам ичиш. Росулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким Аллоҳдан бошқа билан қасам ичса ширк келтирибди». (Аҳмад ва Абу Довуд ривоят қилган. Саҳиҳ ҳадис).

«Аллоҳ хоҳласа ва сен хоҳласанг» дейиш: Ҳузайфа ибн Ямондан: Мусулмонлардан бир киши тушида аҳли китоблардан бир киши билан кўришди. У одам айтди: «Агар ширк келтирмасангиз, қандай ҳам яхши қавмсизлар. «Аллоҳ хоҳласа ва Муҳаммад хоҳласа», дейсизлар», - деди. Туш кўрган одам тушини Росулуллоҳга айтиб берди. У зот айтдилар: «Аллоҳ ҳақи, ҳали шундай (дейсизлар)ми?! Мен буни (ёмонлигини) билар эдим[1]. "Аллоҳ хоҳласа, сўнг Муҳаммад хоҳласа", денглар». (Аҳмад ва Ибн Можа саҳиҳ санад билан ривоят қилишган).

Юқоридаги икки масаланинг қоидаси: улуғлик ва хоҳишда тенгликни эътиқод қилмаган ҳолда қасам ичса ёки Аллоҳнинг хоҳиши билан бошқасининг хоҳишини бирга қўйса – кичик ширк бўлади. Аммо номи билан қасам ичилган нарсани Аллоҳни улуғлагандек ёки ундан улуғроқ, деган эътиқод билан қасам ичса катта ширк бўлади.

Балони даф қилиш ёки уни кетказиш учун тумор осиш, зирак, ип каби нарсаларни тақиб олиш.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким тумор осса ширк келтирибди». (Аҳмад ривояти)

Қоидаси: Тумор ёки ип ва шунга ўхшаш нарсани балони кетказиш ва ундан асрашга сабаб, деб тақса – кичик ширк бўлади. Аммо, тумор ва шу каби нарсаларнинг айнан ўзи балони кетказиш ва ундан асрашга таъсир қилади, деб эътиқод қилса – катта ширк бўлади.

Юқоридаги келтирилган масалалардан уламолар ушбу қоидани олганлар: Ким бирон нарсани сабаб деб эътиқод қилса ва бу шаръан ёки тўғри тажрибалар орқали исботланмаган бўлса, кичик ширк келтирган бўлади.

[1] аммо, сизлардан бундай гап содир бўлганини билмаган эдим, билганимда қайтарган бўлар эдим. (Ибн можа сунанига Синдий ҳошияси шарҳидан)

Енгил риё: Риё бу – одамлар кўриши учун амал қилиш. Риё – кўриш сўзидан олинган бўлиб, амални одамлар кўришлари учун зийнатлашдир.

Маҳмуд ибн Лабийддан: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сизлар учун энг қўрқадиган нарса бу кичик ширкдир», дедилар. «Ё Росулуллоҳ, кичик ширк нима?», деб сўрашди, айтдилар: «У риёдир». (Имом Аҳмад ва бошқалар ривояти)

Бу ерда енгил риё назарда тутиляпти. Енгил риё бирон ибодат турида ёки ибодат бажарилаётган вақтда содир бўлиши мумкин. Аммо, кимнинг ҳамма амали риё учун бўлса, ундай одам ният ва қасдда ширк келтирган бўлади.

Шумланиш: Шумланиш – умидсизлик, тушкунликкка тушиш деганидир ва у яхшиликка умид қилишнинг зиддидир. Шумланиш – ишхонага ё сафарга ёки шунга ўхшаш ишга отланиб, бирон нарсани кўриб ёки эшитиб қолиб, кўнгли бўлмай, шумланиб орқага қайтишдир.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу): Росулуллоҳ соллаллоҳу алйҳи ва саллам айтдилар: «Шумланиш ширкдир». (Аҳмад ва ибн Можа ривояти).

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бу умматдаги ширк қоронғу тунда силлиқ қора тош устида ўрмалаб кетаётган қора чумолининг қадам товушидан ҳам яшириндир». Унинг каффорати ушбу дуодир: «Эй Аллоҳ! Сенга билиб турган ҳолимда, бирон нарсани ширк келтириб қўйишдан Ўзингга сиғинаман ва илтижо қиламан ва билмасдан қилган гуноҳим учун истиғфор айтаман». (Бухорий «ал-адаб ал-муфрад»да ривоят қилган)

* * * *

Бўлим

КУФР ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Куфр луғатда яшириш, ўраш деган маъноларни билдиради.

Абу Мансур ал-Ҳаравий роҳимаҳуллоҳ айтади: «Куфрнинг бир неча томонлари бор. Асли эса, бирон нарсани ўрадим, ёпдим демоқчи бўлса куфр қилдим, дейилади. Шундан, тунни кофир дейишади, чунки у ўз қоронғулиги билан нарсаларни яширади. Фалончи Аллоҳнинг неъматларига кофир бўлди деб, неъматларни яшириб, шукр қилмаганга айтишади». (ал-заҳир фи ғарийби алфаз ал-Шофеъий 1/249)

Аҳли илмлар диний истилоҳда Ислом асосларини инкор қилиш ёки ёлғонга чиқаришни ёки Исломдан чиқарувчи амаллардан бирон амални қилишни куфр деб таърифлаганлар.

Ибн Ҳазм куфрга таъриф бериб шундай дейди: «Куфр динда: Аллоҳ иймон келтиришни фарз қилган бирон нарсани, унга ҳақ етказилиб, ҳужжат етиб боргандан сўнг тили билан эмас дили билан ёки дили билан эмас тили билан ёки иккаласи билан инкор қилган ёки иймондан чиқариб юборишига очиқ ҳужжат келган амални қилган кимсанинг сифатидир». (Ал-Иҳкам фи усул ал-Аҳкам 1/49)

Куфр икки турга бўлинади:

Биринчиси – диндан чиқарувчи (катта) куфр ва у беш хилдир:

1. Ёлғонга чиқариш билан кофир бўлиш. Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِٱلْحَقِّ لَمَّا جَآءَهُۥٓ ۚ أَلَيْسَ فِى جَهَنَّمَ مَثْوًى لِّلْكَـٰفِرِينَ ﴿٦٨﴾

«Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки Ҳақ – Қуръон келган чоғида уни ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Жаҳаннамда кофир кимсалар учун жой топилмасми?! (Бундай кофир кимсаларнинг жойи Жаҳаннамдадир!)». (Анкабут: 68)

Қуръонни ёки унинг бирон қисмини, бир дона оят бўлса ҳам, ёлғонга чиқариш ёки Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг собит, саҳиҳ суннатларини ёлғонга чиқариш – диндан чиқарувчи катта куфрдир.

2. Аллоҳнинг буйруғи ва қайтариғини тасдиқлаган ҳолда, такаббурлик ва саркашлик қилиш. Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

وَإِذۡ قُلۡنَا لِلۡمَلَٰٓئِكَةِ ٱسۡجُدُواْ لِأٓدَمَ فَسَجَدُوٓاْ إِلَّآ إِبۡلِيسَ أَبَىٰ وَٱسۡتَكۡبَرَ وَكَانَ مِنَ ٱلۡكَٰفِرِينَ



«Эсланг, (эй Пайғамбар), Биз фаришта833ларга Одамга сажда қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат Иблис саркашлик ва такаббурлик қилди ва кофирлардан бўлди». (Бақара: 34)

Аллоҳга ибодат қилишга ёки Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишга такаббурлик қилган кимса диндан чиққан кофирдир.

3. Шак қилиш туфайли кофир бўлиш. Бу – гумон қилиш билан кофир бўлишдир. Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

وَدَخَلَ جَنَّتَهُۥ وَهُوَ ظَالِمٞ لِّنَفۡسِهِۦ قَالَ مَآ أَظُنُّ أَن تَبِيدَ هَٰذِهِۦٓ أَبَدٗا ﴿٣٥﴾ وَمَآ أَظُنُّ ٱلسَّاعَةَ
قَآئِمَةٗ وَلَئِن رُّدِدتُّ إِلَىٰ رَبِّي لَأَجِدَنَّ خَيۡرٗا مِّنۡهَا مُنقَلَبٗا ﴿٣٦﴾ قَالَ لَهُۥ صَاحِبُهُۥ وَهُوَ يُحَاوِرُهُۥٓ
أَكَفَرۡتَ بِٱلَّذِي خَلَقَكَ مِن تُرَابٖ ثُمَّ مِن نُّطۡفَةٖ ثُمَّ سَوَّىٰكَ رَجُلٗا ﴿٣٧﴾ لَّٰكِنَّا۠ هُوَ ٱللَّهُ رَبِّي وَلَآ
أُشۡرِكُ بِرَبِّيٓ أَحَدٗا ﴿٣٨﴾

«Ва (кофирлик билан) ўзига зулм қилган ҳолда, боғига кирар экан, айтди: «Бу (боғ — менинг молу давлатим) ҳеч қачон йўқ бўлмайди. Ва Қиёмат ҳам қойим бўлмайди, деб ўйлайман. Қасамки, агар Роббимга қайтарилсам, (яъни, Қиёмат қойим бўлиб, қайта тирилсам) албатта бундан ҳам яхшироқ оқибат - бахтни топурман». Биродари унга хитоб қилиб, деди: «Сен ўзингни (асли-наслинг бўлмиш Одамни) тупроқдан сўнг нутфа — бир томчи сувдан яратиб, сўнгра (уни) инсон қилиб ростлаган Аллоҳга кофир

бўлдингми?! Мен эса: «У – Аллоҳ Роббимдир», (дейман) ва Роббимга биронтани шерик қилмайман». (Каҳф: 35 - 38)

Ким динда очиқ – ойдин, ҳаммага маълум нарсаларнинг биронтасида шубҳа қилса кофирдир. Исломга янги кирган ва ҳали шариатни ўрганишга улгурмаган ёки илм ва олимлардан узоқда яшаб, ўзидан жоҳилликни кетказишга имкони бўлмаганлар бундан мустасно.

4. Юз ўгириш, бош тортиш билан кофир бўлиш. Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ عَمَّآ أُنذِرُواْ مُعۡرِضُونَ ٣

«Кофир бўлган кимсалар эса ўзлари огоҳлантирилган нарсадан(яъни охиратдаги азобдан) юз ўгирувчидирлар (уни инкор қилувчидирлар)» (Аҳқоф: 3).

Куфрнинг бу турининг баёни Исломни бузувчи амаллар шарҳида ўтди.

5. Нифоқ куфри. Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ ءَامَنُواْ ثُمَّ كَفَرُواْ فَطُبِعَ عَلَىٰ قُلُوبِهِمۡ فَهُمۡ لَا يَفۡقَهُونَ ٣

«Бунга сабаб уларнинг (тилларида) иймон келтириб, сўнгра (дилларида) кофир бўлганларидир. Бас, уларнинг диллари муҳрлаб қўйилди. Энди улар (иймоннинг ҳақиқатини) англай олмаслар!» (Мунофиқун: 3)

Нифоқ – иймонни изҳор қилиб, куфрни яширишдир.

Куфрнинг иккинчи тури: кичик куфр.

Кичик куфр– шариатда куфр деб номланган, лекин катта куфр даражасига етмаган амал ёки сўз бўлиб, у – диндан чиқармайди.

Кичик куфрга қуйидагилар киради:

- **Неъматларга кофир бўлиш**. Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

وَضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلًا قَرۡيَةً كَانَتۡ ءَامِنَةً مُّطۡمَئِنَّةً يَأۡتِيهَا رِزۡقُهَا رَغَدًا مِّن كُلِّ مَكَانٍ فَكَفَرَتۡ بِأَنۡعُمِ ٱللَّهِ فَأَذَٰقَهَا ٱللَّهُ لِبَاسَ ٱلۡجُوعِ وَٱلۡخَوۡفِ بِمَا كَانُواْ يَصۡنَعُونَ ﴿١١٢﴾

«Аллоҳ бир шаҳарни (яъни Маккани) мисол келтирур: у тинч, сокин (шаҳар) эди, ҳар томондан ризқу рўзи бекаму кўст келиб турар эди. Бас, (қачонки) у (яъни, унинг аҳолиси) Аллоҳнинг неъматига ношукрлик қилгач, Аллоҳ у (шаҳар аҳолисига) бу «ҳунарлари» (куфру исёнлари) сабабли очарчилик ва нотинчлик балосини тотдириб қўйди».

- **Насабни юзга солиш ва ўликка айтиб йиғлаш.** Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Икки нарса умматимда куфрдир: насаб билан таъна қилиш ва ўликка айтиб йиғлаш». (Муслим ривояти)
- **Қотиллик.** Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Мусулмонни сўкиш фосиқлик, ўлдириш эса куфрдир». (муттафақун алайҳ)

* * * *

Бўлим

НИФОҚ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Нифоқ аслида: Зоҳирнинг ботинга қарама-қаршилигидир ёки бирон нарсани изҳор қилиб, унинг аксини яширишдир.

Шариатда: Нифоқ – иймонни изҳор қилиб, куфрни яширишдир.

Ибн Ражаб роҳимаҳуллоҳ айтади: «Саҳобалар наздида (розияллоҳу анҳум) нифоқ бу – хуфия билан ошкоранинг бири бирига зид бўлишидир» (Жомеъ ал-улум вал-ҳикам 1/434)

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ айтади: «Нифоқ – тузалиши жуда қийин бўлган ички касалликдир. Киши, ўзи билмаган ҳолда, бу касалликка тўлган бўлади, чунки у одамларга яширин нарсадир. Кўпинча, нифоқ шу касалга учраган одамнинг ўзига ҳам яширин бўлади ва у ўзини ислоҳотчи деб ўйлайди-ю, аслида бузғунчи бўлади. Унинг икки тури бор: катта ва кичик». (Мунофиқларнинг сифати 1/3)

Катта нифоқ

Катта нифоқнинг асли – иймонни изҳор қилиб, куфрни яширишдир.

Шайх Шинқитий роҳимаҳуллоҳ айтади: «Мунофиқ – иймонни изҳор қилиб, куфрни яширадиган кимсадир». (ал-азб ал-мунир 5/619)

Катта нифоқ эгаси дўзахнинг энг тубидадир. Аллоҳ таоло айтди:

إِنَّ ٱلۡمُنَٰفِقِينَ فِي ٱلدَّرۡكِ ٱلۡأَسۡفَلِ مِنَ ٱلنَّارِ وَلَن تَجِدَ لَهُمۡ نَصِيرًا ﴿١٤٥﴾

«Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар. Ва улар учун бирон мададкор топа олмайсиз!» (Нисо: 145)

Катта нифоқнинг кўринишлари кўпдир. Улардан: Эътиқоддаги нифоқ ва амалдаги нифоқ. Буларга Қуръон ва суннатдан далиллар мавжуд.

Эътиқоддаги нифоқ:

- Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ёлғончига чиқариш ёки у зот олиб келган шариатнинг баъзи (нарса)ларини ёлғонга чиқариш.
- Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёмон кўриш ёки у зот олиб келган шариатнинг баъзи (нарса)ларини ёмон кўриш.

- Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динини пастлашидан хурсанд бўлиш ёки ғалабасини ёмон кўриш.
- Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларини тасдиқлашни вожиб деб билмаслик.
- Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқларига итоат қилишни вожиб деб билмаслик.

Амалдаги нифоқ:

- Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга азият етказиш ёки у зотни айблаш ёки масхара қилиш.
- Мусулмонларнинг зарарига кофирларга ёрдам бериш ва қуллаб-қувватлаш.
- Аллоҳ ва Унинг росулига итоатлари учун мусулмонларнинг устидан кулиш ва масхаралаш.
- Аллоҳ ва росулининг ҳукмидан бош тортиш ва юз ўгириш.

Кичик нифоқ

Кичик нифоқнинг бешта сифати бор: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Мунофиқнинг аломати учта: Гапирса ёлғон гапиради, ваъда берса бузади, омонатга хиёнат қилади». Бошқа бир ривоятда: «хусуматлашса фожирлик қилади, аҳдлашса хиёнат қилади».

Катта нифоқ ва кичик нифоқ ўртасидаги фарқлар:

- Катта нифоқ диндан чиқаради, кичик нифоқ диндан чиқармайди.
- Катта нифоқ мўъмин одамдан содир бўлмайди, кичик нифоқ мўъмин кишидан содир бўлиши мумкин.
- Катта нифоқ эгасига мунофиқ номи ишлатилса бўлади. Аммо, кичик нифоқ сифатларидан бирини қилиб қўйган одамга асло мунофиқ номи ишлатилиши тўғри бўлмайди. Фақат, унда нифоқ сифатларидан бор экан, дейилади.

* * * *

ИСЛОМДАН ЧИҚАРУВЧИ АМАЛЛАР

(Навоқиз ал-Ислом - نواقض الإسلام)

Навоқиз (نواقض) – луғатда «ноқиз» (ناقض) сўзининг кўплиги бўлиб, «ечмоқ», «бўшатмоқ» (масалан: тугунни ечмоқ) маъноларини билдиради. Бирон нарсани нақз қилди, дейилса, боғланганидан сўнг ечилганини билдиради.

Истилоҳда: Исломни бузувчи нарсалар (амаллар ё сўзлар) бўлиб, қачон мусулмон одамдан содир бўлса, у одамнинг исломини бузади ва амалларини ҳабата қилади ва у одам дўзахда абадий қолувчилардан бўлади.

Ноқиз – ҳиссий ва маънавий бўлади.

Ҳиссий ноқиз – арқонни ёки ўрама сочни ечиш каби.

Маънавий ноқиз: Аҳдни бузиш ёки таҳоратнинг бузилиши кабидир. Инсон ўзига буюрилган ишни доимий равишда қилиб юрса, бу – битим ва боғлов кабидир. Агар ўша битимнинг аслига зид нарсани қилса, уни ечиб, бузиб юборган каби бўлади. Бу мисоллар, тушунтириш осон ва зеҳнга яқинроқ бўлиши учун, маъноларни ҳис қилинадиган нарсаларга ўхшатиб айтиб ўтилди.

Инсон тавҳид калимасини айтганидан сўнг, бу – у томондан аҳд ва боғланишдек бўлади ва у одам ушбу калиманинг ҳақлари ва вожибларига риоя қилиши керак бўлади. Унинг аслига мухолиф бўлган ишни қилса – уни бузган ҳисобланади.

Биринчи ноқиз: Аллоҳга ибодатда ширк келтириш. Ширкнинг баёни ўтди.

Иккинчи ноқиз: Ким Аллоҳ билан ўзининг ўртасига восита қилса ва ўша воситаларга дуо қилса, шафоат сўраса ва уларга таваккул қилса – ижмоъ билан кофирдир.

Бу ноқиз – энг кўп содир этиладиган ва одам учун энг хатарли бўлган ноқизлардандир. Чунки, ўзини Исломга нисбатловчиларнинг аксарияти, Исломни ва унинг ҳақиқатини билмагани сабабли, ўзи ва Аллоҳнинг ўртасига воситалар қўяди, уларга ғам-ташвишларини кетказиши,

мусибатлардан чиқариши учун дуо қилади. Бундай кимсалар – ижмоъ билан – кофирдир.

Чунки, Аллоҳ таоло инсонлару жинларни якка ўзига, Унга шерик келтирмаган ҳолда, ибодат қилишлари учунгина яратди.

Аллоҳ таоло айтди:

وَمَا خَلَقْتُ ٱلْجِنَّ وَٱلْإِنسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥٦﴾

«Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим». (Зориёт: 56)

Ким Аллоҳ ва ўзининг ўртасига восита қўйса, ўша воситаларга дуо қилса, улардан умид қилса ва ҳожатларини раво қилишини сўраса – у Аллоҳга ширк келтирибди. Ундай кимса билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ораларига пайғамбар қилиб юборилган мушрикларнинг ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

أَلَا لِلَّهِ ٱلدِّينُ ٱلْخَالِصُ ۚ وَٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِهِۦٓ أَوْلِيَآءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَآ إِلَى ٱللَّهِ زُلْفَىٰٓ إِنَّ ٱللَّهَ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ فِى مَا هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى مَنْ هُوَ كَـٰذِبٌ كَفَّارٌ ﴿٣﴾

«(Эй инсонлар), огоҳ бўлингизким, холис дин ёлғиз Аллоҳникидир (яъни ёлғиз Аллоҳгина чин ихлос билан ибодат қилинишга лойиқ зотдир). У зотдан ўзга «дўстлар»ни («худо») қилиб олган кимсалар: «Биз (ўша «худо»ларимизга) фақат улар бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар). Шак-шубҳа йўққи, Аллоҳ (қиёмат кунида) улар ихтилоф қилаётган нарсалар хусусида уларнинг ўртасида ҳукм қилур. Шак-шубҳа йўққи, Аллоҳ ёлғончи ва кўрнамак кимсаларни ҳидоят қилмас». (Зумар: 3)

Учинчи ноқиз: Ким мушрикларни кофир деб билмаса ёки уларнинг кофирлигида иккиланса ёки уларнинг йўлларини тўғри деса – кофирдир.

«Кофирни кофир деб билмаган кимсанинг кофир бўлиши» масаласида, бу ҳукмни шу иш билан сифатланган кишига тушуришдан аввал, унинг қонун-қоидаларига қараш керак бўлади. Бу эса – куфрнинг турларини ҳамда агар кофир деб билмаса ёки куфрида шак-шубҳа қилса ўзи кофир бўладиган кофирлар кимлигини билиш билан бўлади.

Олимлар бу ноқиз мутлақ эмаслигини ва унда ўзининг тафсилотлари борлигини баён қилиб беришган. Ким бу ноқизнинг қонун-қоидаларини билмаса, силсила билан такфир қилиш керак, деган тушунчага бориб қолади ва бу билан мўътазилаларга ўхшаб қолади.

Бу масаланинг тафсилотларига киришишдан олдин такфирнинг маноти (сабаб, иллати)ни аниқлаб олишимиз зарур. Чунки, ноқизнинг бу турида такфирнинг манотларини кўриб чиқмаган ва аниқламаган баъзи инсонлар такфирнинг сабабини тоғутга кофир бўлишнинг аслига мутлақ суратда киргазиб юборади. Бу эса кўпгина тойилишларни келтириб чиқаради.

Агар Аллоҳнинг китобини мулоҳаза қилсак, кофирни кофир демаган кишининг куфрининг маноти – Китоб ва суннатни ёлғонга чиқаришда эканини кўрамиз. Зеро, Аллоҳ таоло ҳар қандай Исломга нисбатланмаган кимсанинг кофир эканини очиқ баён қилди. Аллоҳ таоло айтди:

لَمۡ يَكُنِ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ وَٱلۡمُشۡرِكِينَ مُنفَكِّينَ حَتَّىٰ تَأۡتِيَهُمُ ٱلۡبَيِّنَةُ ﴿١﴾

«Аҳли китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар то уларга очиқ ҳужжат келгунича (куфрдан) ажрагувчи бўлмадилар». (Баййина: 1)

وَمَن يَبۡتَغِ غَيۡرَ ٱلۡإِسۡلَٰمِ دِينٗا فَلَن يُقۡبَلَ مِنۡهُ وَهُوَ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ﴿٨٥﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир». (Оли Имрон: 85)

إِنَّ ٱلدِّينَ عِندَ ٱللَّهِ ٱلۡإِسۡلَٰمُۗ وَمَا ٱخۡتَلَفَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ إِلَّا مِنۢ بَعۡدِ مَا جَآءَهُمُ
ٱلۡعِلۡمُ بَغۡيَۢا بَيۡنَهُمۡۗ وَمَن يَكۡفُرۡ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ فَإِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلۡحِسَابِ ﴿١٩﴾

«Албатта Аллоҳ (башарият учун рози бўлган) дин фақат Ислом динидир. Аҳли китоблар (яҳудий ва насронийлар) уларга (ислом ва Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбарлиги ҳақида) ҳужжат келганидан кейин фақат ўзаро ҳасад-адоват қилганлари сабаблигина талашиб-тортишдилар. Ким Аллоҳнинг оятларини инкор қилса, бас, албатта Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи зотдир». (Оли Имрон: 19)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, бу умматдан бирон насроний ёки яҳудий мени эшитиб, сўнгра мен келтирган нарсага иймон келтирмаса, албатта дўзахга киради». (Муслим ривояти)

Яна айтдилар: «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар жаннат аҳлининг ярми бўласизлар деб умид қиламан. Зеро, жаннатга фақат мусулмон жон киради. Сизлар эса ширк аҳлининг ичида қора ҳўкиз терисидаги оқ қил каби ёки қизил ҳўкиз терисидаги қора қил кабисизлар». (Муттафақун алайҳ)

Ушбу очиқ-ойдин ҳужжатлар Аллоҳ (инсонлару жинлар учун) рози бўлган дин Ислом дини эканига ва яҳудий, насоро ва мушриклар ҳамда ҳар қандай Ислом динига эътиқод қилмаган кимса дўзахда абадий қолувчи кофир эканига далолат қилади.

Шунинг учун, Аллоҳ ва Унинг росули такфир қилганни такфир қилмаслик –Аллоҳнинг китоби ва росулининг суннатини ёлғонга чиқариш ҳисобланади. Ким Китоб ва суннатни ёлғонга чиқарса – ижмоъ билан – кофирдир.

Аллоҳ таоло айтди:

فَمَنۡ أَظۡلَمُ مِمَّن كَذَبَ عَلَى ٱللَّهِ وَكَذَّبَ بِٱلصِّدۡقِ إِذۡ جَآءَهُۥٓۚ أَلَيۡسَ فِي جَهَنَّمَ مَثۡوٗى لِّلۡكَٰفِرِينَ ﴿٣٢﴾

«Ахир Аллоҳ шаънига (Унинг шериги ва бола-чақаси бор) деб ёлғон сўзлаган ва Рост – Қуръонни ўзига келиб-етган пайтидаёқ (ўйламай-нетмай) ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ бирон кимса борми?! Ё жаҳаннамда кофирлар учун жой йўқми?!» (Зумар: 32)

وَمَنۡ أَظۡلَمُ مِمَّنِ ٱفۡتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوۡ كَذَّبَ بِٱلۡحَقِّ لَمَّا جَآءَهُۥٓۚ أَلَيۡسَ فِي جَهَنَّمَ مَثۡوًى لِّلۡكَٰفِرِينَ ﴿٦٨﴾

«Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки Ҳақ – Қуръон келган чоғида уни ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Жаҳаннамда кофир кимсалар учун жой топилмасми?! (Бундай кофир кимсаларнинг жойи Жаҳаннамдадир!)».(Анкабут: 68)

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِٱلذِّكۡرِ لَمَّا جَآءَهُمۡۖ وَإِنَّهُۥ لَكِتَٰبٌ عَزِيزٞ ﴿٤١﴾ لَّا يَأۡتِيهِ ٱلۡبَٰطِلُ مِنۢ بَيۡنِ يَدَيۡهِ وَلَا مِنۡ خَلۡفِهِۦۖ تَنزِيلٞ مِّنۡ حَكِيمٍ حَمِيدٖ ﴿٤٢﴾

«Албатта ўзларига Эслатма — Қуръон келган вақтда унга кофир бўлган кимсалар (қаттиқ азобга йўлиқурлар). Шак-шубҳасиз у азиз — қудратли Китобдир. Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас (яъни Қуръони Каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас, чунки у) ҳикмат ва ҳамду сано эгаси томонидан нозил қилингандир». (Фуссилат: 41-42)

Ушбу Қуръон оятлари Аллоҳнинг китобини ёлғонга чиқарганнинг кофирлигига очиқ-ойдин далолатдир.

«Ал-дурар ал-сания»да келади: «Мушрикларни такфир қилмаган одам – Аллоҳнинг китобига иймон келтирмаган одамдир, чунки Қуръон мушрикларни такфир қилди ва уларни такфир қилишга ва уларга душманлик қилишга буюрди». (ал-дурар ал-сания 9/291)

Юқорида зикр қилинганларга биноан шу нарса маълум бўладики, кофирлар умумий суратда икки қисмга бўлинади:

Биринчи: Аслий кофирлар. Улар Ислом динига ҳеч қачон нисбатланмаганлар. Қуръон ва суннат уларнинг куфрини очиқ баён қилди ва ким уларни такфир қилмаса, шак – шубҳасиз, кофирдир.

Қози Иёз айтади: «Шунинг учун Ислом динидан бошқа бирор динга эътиқод қилган кимсани такфир қилмаганни ёки ундайларнинг такфирида тўхтаб турганни ёки шубҳаланганни ёки уларнинг йўлини туғри деб

билганни такфир қиламиз, гарчи у одам ўзининг Исломини изҳор қилса ҳам, Ислом ақидасида бўлса ҳам, Исломдан бошқа мазҳабларни ботил деса ҳам – у одам кофирдир. Чунки у изҳор қилган нарсасининг хилофини ҳам изҳор қилди».

Иккинчи: Ислом динига нисбатланганлар. Ислом динига нисбатланиб, сўнгра ноқизлардан бирон ноқизни қилганлар. Бундайларни такфир қилмаганнинг ҳукми, (ноқизга тушган одамнинг) куфри қанчалик очиқ ва кўриниб тургани ёки ундай эмаслигига қараб, ҳар хил бўлади. Ноқизга тушган одамнинг куфри қанчалик кўриниб турган ва очиқ бўлса, уни такфир қилмаган одамнинг ҳам куфри яқинроқ бўлади. Диндан чиқарувчи амал атрофида таъвил ёки хилофлар қанчалик кўп бўлса, ундай одамни такфир қилмаган кишидан куфр шунчалик узоқ бўлади.

Тўртинчи ноқиз: Ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлидан бошқасининг йўлини комилроқ ёки у зотнинг ҳукмидан бошқасининг ҳукми яхшироқ, деб эътиқод қилса у кофирдир, (масалан: тоғутларнинг ҳукмини у зотнинг ҳукмидан афзал билган кимса каби).

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума хутбасида шундай дер эдилар: «Амма баъд, дарҳақиқат сўзларнинг энг яхшиси Аллоҳнинг китобидир ва йўлларнинг энг яхшиси Муҳаммаднинг йўлидир». (Муслим ривоят қилган)

Бизга маълумки, Ислом дини икки асос устига бино қилинган: Китоб ва суннат.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари Ислом динининг тасдиғи, унинг амалдаги кўриниши ва тафсиридир. Демак, ким Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларидан бошқа йўлни у зотнинг йўлидан комилроқ деб ўйласа ва Ислом динидан бошқа дин Исломдан кўра комилроқ деб ҳисобласа, мусулмонлар ижмоъси билан, кофирдир.

Аллоҳ азза ва жалла бу умматга, неъмат қилиб, динини комил, неъматларини бенуқсон ва тўкис қилиб берди.

ٱلۡيَوۡمَ أَكۡمَلۡتُ لَكُمۡ دِينَكُمۡ وَأَتۡمَمۡتُ عَلَيۡكُمۡ نِعۡمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ ٱلۡإِسۡلَٰمَ دِينٗاۚ فَمَنِ ٱضۡطُرَّ فِي مَخۡمَصَةٍ غَيۡرَ مُتَجَانِفٖ لِّإِثۡمٖ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ٣

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим. Бас, кимки очарчиликда, гуноҳ томонга оғмаган ҳолида (мазкур ҳаром қилинган нарсаларни ейишга) мажбур бўлса (Аллоҳ кечирар). Зеро, Аллоҳ мағфиратли, Ўта меҳрибондир». (Моида: 3)

Аллоҳ биз учун рози бўлгани – динларнинг энг комили, афзали ва осони – Ислом динидир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса ушбу динни етказди, тушунтирди ва унга амал қилди. Демак, у зотнинг йўли Ислом динидир, дин эса комилдир, ундан кўра комилроқ дин ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлидан ҳам комилроқ йўл йўқдир.

وَمَن يَبۡتَغِ غَيۡرَ ٱلۡإِسۡلَٰمِ دِينٗا فَلَن يُقۡبَلَ مِنۡهُ وَهُوَ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ٨٥

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир». (Ол Имрон 85)

Бешинчи ноқиз: Ким Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган шариатдан бирон нарсани ёмон кўрса, унга амал қилса ҳам, кофирдир.

«Иқноъ» китобининг муаллифи хабар берганидек, бу нарса – уламоларнинг иттифоқи биландир.

Аллоҳ таоло, Ўз росулига нозил қилган нарсани ёмон кўрган кимсанинг куфрига ҳукм қилиб, деди:

وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ فَتَعۡسٗا لَّهُمۡ وَأَضَلَّ أَعۡمَٰلَهُمۡ ٨ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ كَرِهُواْ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ فَأَحۡبَطَ أَعۡمَٰلَهُمۡ ٩

«Кофир бўлган кимсалар учун эса ҳалокат бўлур ва (Аллоҳ) уларнинг амалларини зое кетказур. 9. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсаларни (яъни, Қуръон ва ундаги ҳукмларни) ёмон кўрганларидир. Бас, (Аллоҳ) уларнинг амалларини беҳуда кетказди».

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган бирон нарсани ёмон кўриш – у хоҳ сўз бўлсин, хоҳ амал орқали бўлсин – эътиқодий нифоқ турларидан бири бўлиб, унинг соҳиби дўзахнинг энг тубидадир.

Диндан бирон нарсани ёмон кўриш икки хил кўринишда бўлади:

Биринчи: Диндан бирон нарсани у шариатдан бўлгани жиҳатидан ёмон кўриш –куфрдир.

Иккинчи: Уни шариатдан бўлгани учун ёмон кўрмайди, балки у нарсани ўзининг табиатидан келиб чиқиб, унга иқрор бўлиб ва уни ҳақ деб билган ҳолда, ёмон кўради. Аллоҳ таоло айтди: (كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كُرْهٌ لَّكُمْ) «Сизларга ёқмаса-да, жанг қилишингиз фарз қилинди». Чунки, жангда нафсга, жонга талофат бор.

Масалан: Бир киши закот беришни шариат фарз қилгани учун эмас, ўзининг бахиллиги туфайли ёмон кўради.

Олтинчи ноқиз: Ким Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динидан бирон нарсанинг ё савобининг ё жазосининг устидан кулса, масхара қилса кофирдир.

Далил – Аллоҳ таолонинг сўзи:

وَلَئِن سَأَلْتَهُمْ لَيَقُولُنَّ إِنَّمَا كُنَّا نَخُوضُ وَنَلْعَبُ ۚ قُلْ أَبِاللَّهِ وَآيَاتِهِ وَرَسُولِهِ كُنتُمْ
تَسْتَهْزِئُونَ ﴿٦٥﴾ لَا تَعْتَذِرُوا قَدْ كَفَرْتُم بَعْدَ إِيمَانِكُمْ ۚ إِن نَّعْفُ عَن طَائِفَةٍ مِّنكُمْ نُعَذِّبْ
طَائِفَةً بِأَنَّهُمْ كَانُوا مُجْرِمِينَ ﴿٦٦﴾

«Қасамки, агар улардан (нега сизнинг устингиздан кулганлари ҳақида) сўрасангиз, албатта улар: «Биз фақат баҳслашиб, ҳазиллашиб келяпмиз, холос», дейдилар. Айтинг: «Аллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг

пайғамбаридан куласизларми?». Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга қайтдингиз». (Тавба: 65-66)

Росулуллоҳ олиб келган бирон нарсадан кулиш, мусулмонлар ижмоъси билан, куфрдир. Гарчи масхара, майна қилишни қасд қилмаган, фақатгина ҳазиллашган бўлса ҳам.

Абдуллоҳ Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда, Табук ғазотида бир киши бир йиғинда шундай деди: «Биз бу қориларимиздек еб тўймас, ёлғончи ҳамда жангда қўрқоқ кишиларни кўрмадик». Шунда йиғинда ўтирганлардан бири: «Бекор гап! Сен ўзинг мунофиқсан! Мен бу гапингни албатта Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтаман», – деди. Бу хабар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб келди ва бу тўғрида оят нозил бўлди. Абдуллоҳ шундай дейди: «Мен уни оёқлари ерга судралиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларининг биқинига боғланган ипга осилиб: «Эй Росулуллоҳ! Биз шунчаки ҳазил-мутойиба ва кўнгилхушлик қилиб гапирган эдик», - деганини кўрдим». Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса унга: «Аллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг Пайғамбаридан кулувчи бўлдингизми?!» – дер эдилар». (Ибн Жарир, Ибн Абу Ҳотим ҳамда Абу Шайх ривояти)

«Биз шунчаки ҳазил-мутойиба ва кўнгилхушлик қилиб гапирган эдик»,- деган сўзларидан мақсад – бошқа ривоятларда келганидек: «Бизнинг асл мақсадимиз сизнинг устингиздан кулиш эмас. Аксинча, мақсадимиз йўл қийинчиликларини эсдан чиқариш учун ҳазил-ҳузил қилиш эди», – демакдир. Шунга қарамай, Аллоҳ таоло уларни кофирга чиқарди. Чунки, бу масалада ҳазил-ҳузил бўлмайди. Улар олдин мўъмин бўлишларига қарамасдан, шу гапнинг ўзи билан кофир бўлдилар.

Масхара қилиш икки кўринишда бўлади:

Биринчи: Диндаги бирон нарсанинг устидан кулиш. Намоз, азон каби очиқ-равшан диний ибодатлардан бўлган нарсаларни масхара қилган кимса каби.

Иккинчи: Суннатни татбиқ қилган ва шариатга амал қилган кишининг устидан кулиш. Бу ҳам ўз ўрнида икки хил бўлади:

а) Бир одам суннатни татбиқ қилгани ва шариатга амал қилгани учун уни масхара қилиш. Бу ерда масхара – динни масхаралаш бўлади ва бу куфрдир.

б) Бир одамни, унинг устидаги вожиби бўлмиш суннатга ва динига мувофиқ кўринишидан эмас, балки шахсан ўзининг устидан кулиш. Бу куфр эмас, фосиқлик бўлади.

Изоҳ: Ҳар бир мусулмон Аллоҳнинг дини ва росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатини масхара қилувчиларни тарк қилиши ва улар билан алоқасини узиши лозим, гарчи у одам энг яқини бўлса ҳам. Улардан бири бўлиб қолмаслиги учун, улар билан бир йиғинда ўтирмаслиги лозим. Аллоҳ таоло айтди:

وَقَدْ نَزَّلَ عَلَيْكُمْ فِي ٱلْكِتَٰبِ أَنْ إِذَا سَمِعْتُمْ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ يُكْفَرُ بِهَا وَيُسْتَهْزَأُ بِهَا فَلَا تَقْعُدُوا۟ مَعَهُمْ حَتَّىٰ يَخُوضُوا۟ فِي حَدِيثٍ غَيْرِهِۦٓ ۚ إِنَّكُمْ إِذًا مِّثْلُهُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ جَامِعُ ٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱلْكَٰفِرِينَ فِي جَهَنَّمَ جَمِيعًا ﴿١٤٠﴾

«Ахир Аллоҳ сизларга Китобда: «Қачонки Аллоҳнинг оятлари инкор қилинаётганини ва масхара қилинаётганини эшитсангизлар, то бошқа гапга ўтмагунларича ундай кимсалар билан бирга ўтирманглар», деган сўзларни нозил қилган эди-ку?! (Модомики, улар билан ўтирар экансиз), демак, сизлар ҳам шак-шубҳасиз уларнинг ўзисиз. Албатта, Аллоҳ барча мунофиқ ва кофирларни жаҳаннамга жамлагувчидир». (Нисо: 140)

Еттинчи ноқиз: Сеҳр ва унинг совутиш ва иситиш каби турлари билан шуғулланган ёки шу ишларга рози бўлган кимса кофирдир.

Далил – Аллоҳ таолонинг сўзи:

وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّىٰ يَقُولَآ إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ ﴿١٠٢﴾ ۖ

«Ҳолбуки, у фаришталар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни синаб, имтиҳон қилиш учун сеҳрни ўргатгани юборилганмиз), бас, (биз ўргатган нарсаларни қилиб) кофир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар».

Сеҳр луғатда – яширин, сабаби кўринмайдиган нарсага айтилади.

Шариатда: Сеҳргар сеҳрлаётган одамига зарар етказиши йўлида шайтонлардан ёрдам сўраш учун ишлатадиган тугун ва тумор сеҳр дейилади.

Сеҳр – мўътазилаларга хилоф ўлароқ – аҳли сунна вал жамоа ақидасида ҳақиқати бор нарсадир.

Аллома Ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу эса саҳобалар ва салафлардан етиб келган мутавотир асарларга хилофдир. Сеҳрнинг ҳақиқатига фақиҳлар, муфассир ва муҳаддислар, шунингдек тасаввуф аҳлидан бўлган қалб тарбиячилари иттифоқ қилганлар ва буни ақли бор мусулмонлар оммаси ҳам биладилар».

Сеҳрнинг турларидан – совутиш ва иситиш.

Совутиш – кишининг ўзи ёқтирадиган нарсасидан совутиш. Масалан: аёлига бўлган муҳаббатидан совутиб, уни ёмон кўрсатиб қўйиш.

Иситиш – совутиш каби сеҳр амали бўлиб, бунда кишининг ёқтирмаган нарсасига шайтоний йўллар билан иситилади.

Сеҳрнинг ҳукми: Олимлар (роҳимаҳумуллоҳ) сеҳргарнинг кофир ёки кофир эмаслигида ихтилоф қилганлар.

Мусанниф (роҳимаҳуллоҳ)нинг сўзларининг зоҳири – сеҳргар кофирдир. Далил – Аллоҳнинг сўзи:

وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّىٰ يَقُولَآ إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ ۖ ﴿١٠٢﴾

«Ҳолбуки, у фаришталар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни синаб, имтиҳон қилиш учун сеҳрни ўргатгани юборилганмиз), шундай экан, (биз ўргатган нарсаларни қилиб) кофир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар». (Бақара: 102)

Аҳмад, Молик, Абу Ҳанифа, шунингдек, жумҳур олимлар шу фикрда бўлганлар.

Шофеий роҳимаҳуллоҳнинг мазҳаблари бўйича: Агар бир одам сеҳрни ўрганса, унга: «бизга ўрганган сеҳрингнинг сифатини айтиб бер»,

дейилади. Айтиб берган нарсаси куфрни вожиб қилса, демак у – кофирдир. Агар куфр даржасига етмаган бўлса кофир эмас.

Аллома Шинқитий роҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу масаланинг ҳақиқатини билишда тафсилотларига қаралади. Агар сеҳр Аллоҳдан бошқани: юлдузлар, жинлар ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни улуғлаш каби куфрга олиб борадиган нарсалардан бўлса, бундай сеҳр – тортишувсиз – куфрдир. Бундай сеҳр турларидан: «Бақара» сурасида келган Ҳорут ва Морутнинг сеҳри бўлиб, у шубҳасиз – куфрдир. Шунингдек Аллоҳ таолонинг ушбу оятлари ҳам бунга далолат қилади:

وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَٰنُ وَلَٰكِنَّ ٱلشَّيَٰطِينَ كَفَرُواْ يُعَلِّمُونَ ٱلنَّاسَ ٱلسِّحْرَ ﴿١٠٢﴾

Сулаймон кофир эмас эди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар. (Бақара: 102)

وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّىٰ يَقُولَآ إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ ﴿١٠٢﴾

«Ҳолбуки, у фаришталар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни синаб, имтиҳон қилиш учун сеҳрни ўргатгани юборилганмиз), бас, (биз ўргатган нарсаларни қилиб) кофир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар». (Бақара: 102)

وَلَقَدْ عَلِمُواْ لَمَنِ ٱشْتَرَىٰهُ مَا لَهُۥ فِى ٱلْءَاخِرَةِ مِنْ خَلَٰقٍ ﴿١٠٢﴾

Ахир (Аллоҳнинг китоби ўрнига сеҳрни) алмашган кимсаларга Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку. (Бақара: 102)

وَلَا يُفْلِحُ ٱلسَّاحِرُ حَيْثُ أَتَىٰ ﴿٦٩﴾

«Сеҳргар эса қаерда бўлмасин зафар топмас» (Тоҳа: 69)

Агар сеҳр куфрни тақозо қилмаса, ёғ ва шу каби нарсаларнинг ўзига хос хусусиятларидан ёрдам олиш каби, у ҳолда у қаттиқ манъ қилинган ҳаром ишлардандир. Бундай сеҳр билан шуғулланган одам кофир бўлмайди». (Азваъ ул Баян: 4/50)

Шуни билгинки, юқорида зикр қилинган иккала ҳолатда ҳам, саҳиҳ қовлга кўра, сеҳргарни ўлдириш вожиб бўлади. Чунки, сеҳргар ер юзида, эр ва хотин ўртасини ажратиб юбориш каби амаллар орқали, фасод тарқатади. Сеҳргарнинг ер юзида тирик юришида шахсларга ва жамиятга катта хатар ва фасод бор. Сеҳргарни ўлдириш билан фасоднинг илдизи кесилади, одамлар ва юртлар унинг жирканчлигидан қутуладилар.

Бажала бин Абда айтади: «Жазъ бин Муовиянинг котиби эдим. Умар бин Хаттобдан: «Ҳар қандай сеҳргар эркак ва аёлни ўлдиринглар», деган хат келди. Учта сеҳргарни ўлдирдик».

Сеҳргарни ўлдириш лозимлигида саҳобалар ихтилоф қилмаганлар.

Нушранинг ҳукми:

Нушра – сеҳрланган одамдан сеҳрни кетказиш.

Аллома Ибн Қайийм айтади: «Сеҳрлангандан сеҳрни кетказиш икки турлидир:

Улардан бири – ўзига ўхшаган сеҳр орқали кетказиш ва бу шайтоннинг амалларидандир. Ҳасан Басрийнинг ушбу сўзлари ҳам шунга далолат қилади: «Сеҳрни сеҳргардан бошқаси кетказмайди». Яъни, сеҳрни кетказувчи сеҳргар ва сеҳри кетказилаётган одам шайтонга у яхши кўрган нарса билан яқинлик ҳосил қиладилар ва шайтон сеҳрлангандан амалини (яъни, ўзи қилган сеҳрни) кетказади.

Иккинчиси – сеҳрни руқия, таъвизот[1], дорилар ва мубоҳ дуолар билан кетказиш ва бу мубоҳдир». (эълом ал-муваққиъийн 4/301).

Сеҳргар, коҳин, мунажжим ва фолбинларга, уларнинг гапларини тасдиқламай, фақат сўраш учун бориш – гуноҳи кабиралардан бири бўлиб, уни қилган кишининг намози қирқ кунгача қабул бўлмайди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким фолбинга борса ва ундан бирон нарсани сўраса, қирқ кеча унинг намози қабул бўлмайди». (Муслим ривояти)

Агар улардан сўраса ва гапларини тасдиқласа, ундай кимса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил бўлган нарсага кофир бўлибди. Абу

[1]“Фалақ” ва “Нос” суралари

Ҳурайрадан: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким фолбинга ёки коҳинга борса ва у айтган гапга ишонса ва тасдиқласа – Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га нозил бўлган (Қуръон)га кофир бўлибди». (Ҳоким ривояти, санади саҳиҳ)

Саккизинчи ноқиз: Мусулмонларнинг зидди ва зарарига мушрикларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш.

Далил – Аллоҳ таолонинг сўзи:

وَمَن يَتَوَلَّهُم مِّنكُمۡ فَإِنَّهُۥ مِنۡهُمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ۝٥١

«Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас». (Моида: 51)

Имом Ибн Ҳазм айтади: «У зоҳирида умумий кофирлар каби кофирдир ва бу масала икки мусулмон унинг устида тортишиб ўтирмайдиган ҳақиқатдир».

Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб айтдилар: «Аллоҳга ширк келтирган ёки ширк келтирмаса ҳам, мусулмонларнинг зиддига мушриклар билан бирга бўлган мусулмон кофир бўлиши (диндан чиқиши) ҳақида Аллоҳнинг китоби ва росулининг суннати, шунингдек мўътабар олимларнинг қовлларидан далиллар жуда кўп». (шахсий рисолалар, 272 - бет)

Шайх Абдуллоҳ ибн Абдулатиф Ол Шайх айтади: «Ким кофирларни мусулмонларга қарши урушга тортса ва кофирларга ёрдам берса, бу – очиқ диндан чиқишдир». (Дурар Сания 10/469)

Тўққизинчи ноқиз: Баъзи одамлар – Хизр Мусо алайҳис саломнинг шариатидан чиққани каби – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатидан ташқарига чиқиши мумкин деб эътиқод қилган киши кофирдир.

Бу – Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларини ёлғонга чиқаришни англатгани сабабидандир:

وَأَنَّ هَٰذَا صِرَٰطِي مُسْتَقِيمًا فَٱتَّبِعُوهُ ۖ وَلَا تَتَّبِعُوا۟ ٱلسُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَن سَبِيلِهِۦ ۚ ذَٰلِكُمْ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٥٣﴾

«Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр. Шояд тақво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди». (Анъом: 153)

وَمَن يَبْتَغِ غَيْرَ ٱلْإِسْلَٰمِ دِينًا فَلَن يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِى ٱلْءَاخِرَةِ مِنَ ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٨٥﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир». (Ол Имрон 85)

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динлари бошқа барча динларни бекор қилди ва у зотга нозил қилинган Китоб бошқа барча китобларни бекор қилди. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни барча одамларга юборди. Энди ким у кишига иймон келтирмаса ва эргашмаса, ундай кимса – бу дунёда адашганлардан, қиёматда эса ҳалок бўлувчилардан бўлади.

Насоий ва бошқалар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: У зот Умар розияллоҳу анҳунинг қўлларида Тавротнинг бир варағини кўрдилар ва айтдилар: «Сизлар бу (Ислом шариати)да ҳайрон бўлиб қолдингларми, эй Хаттобнинг ўғли?! Мен уни сизларга оппоқ, тип-тиниқ ҳолда келтирдим!... Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Мусо тирик бўлганида, у учун менга эргашишдан бошқа иложи бўлмас эди» (Аҳмад ва Байҳақий ривоят қилган ва у ҳасандир).

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ айтади: «Мусулмонлар ўз динларида билишлари мажбурий бўлган ва барча мусулмонлар иттифоқ қилган (масалалардан бири): кимки, Ислом динидан бошқа динга эргашиш ёки Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатидан бошқа шариатга эргашиш жоиз, деб билса – у кофирдир». (Мажмуъ ал-фатово 28/524)

Ўнинчи ноқиз: Аллоҳ таолонинг динидан, уни ўрганмай, унга амал қилмай юз ўгириш.

Далил – Аллоҳ таолонинг сўзи:

وَمَنۡ أَظۡلَمُ مِمَّن ذُكِّرَ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِۦ ثُمَّ أَعۡرَضَ عَنۡهَآۚ إِنَّا مِنَ ٱلۡمُجۡرِمِينَ مُنتَقِمُونَ ﴿٢٢﴾

«Роббисининг оятлари билан панд-насихат қилинганидан сўнг, улардан юз ўгирган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Албатта Биз ундай жиноятчи кимсалардан интиқом олувчидирмиз». (Сажда: 22)

وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ عَمَّآ أُنذِرُواْ مُعۡرِضُونَ ﴿٣﴾

«Кофир бўлган кимсалар эса ўзлари огоҳлантирилган нарсадан (яъни охиратдаги азобдан) юз ўгирувчидирлар (уни инкор қилгувчидирлар)». (Аҳқоф: 3)

Исломни бузувчи деб ҳисобланадиган юз ўгиришдан мурод – кишини Исломга олиб кирувчи дин асосларини ўрганишдан юз ўгиришдир. Бунда диннинг тафсилотларини билиш шарт қилинмайди. Чунки одатда, диннинг тафсилотларини олимлар ва толиби илмларгина ўрганади.

Шайх аллома Сулаймон бин Саҳмон айтади: «Инсон вожиб ёки мустаҳаб амалларни тарк қилиши билан эмас, кишини Исломга олиб кирувчи диннинг аслларини ўрганишдан юз ўгириши билан кофир бўлади».

Шайхнинг «вожиб ёки мустаҳаб амалларни тарк қилиши билан эмас» деган сўзларидан мурод – тарк қилиниши куфр эмас, маъсият бўлган вожиб амаллардир. Шунингдек, мутлақ тарк қилишнинг ҳукми бундай эмас. Чунки аҳли сунна (ақидаси)да – амал жинсини бутунлай тарк қилган кимса кофирдир. Шунингдек, жумҳур саҳоба ва тобеинлар қовлларига кўра, намозни тарк қилувчи кофирдир.

Аллома Ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ ўзларининг «Мадориж ул-соликийн» китобларида айтдилар: «Катта куфр беш турлидир», уларни зикр қилганларидан сўнг, айтдилар: «юз ўгириш куфри эса, киши Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қулоқлари ва қалби билан юз ўгиради, у зотни тасдиқламайди ҳам, ёлғонга ҳам чиқармайди, дўст ҳам бўлмайди, душманлик ҳам қилмайди, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарсага умуман қулоқ тутмайди». (Мадориж ул соликийн 1/347)

Бўлим

Уламолар ижмоъ қилган Исломдан чиқарувчи - ноқиз амаллар:

- Аллоҳ таолони сўкиш, таҳқирлаш.
- Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни сўкиш ёки шарафларини ерга уриш.
- Ислом динини таҳқирлаш.
- Қуръони Каримни хорлаш.
- Барча саҳобаларни (Аллоҳ улардан рози бўлсин) кофирга чиқариш ёки уларни масхаралаш.
- «Диннинг давлатга ва ҳаётдаги бошқа масалаларга алоқаси йўқ», деган сўз.
- «Ислом таълимотлари ҳозирги асрга муносиб эмас», деган эътиқодда бўлиш.
- Динни “қолоқлик” деб аташ.
- Ислом дини ва таълимотлари мусулмонларнинг орқада қолиб кетишларига сабаб бўлади, деб эътиқод қилиш.

Бўлим

Юқорида зикр қилинган амалларни хоҳ ҳазиллашиб, хоҳ жиддий, хоҳ қўрқиб қилган одамнинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Фақат мукраҳ – мажбурланган одам бундан мустасно.

Далил – Аллоҳ таолонинг сўзи:

مَن كَفَرَ بِٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ إِيمَٰنِهِۦٓ إِلَّا مَنۡ أُكۡرِهَ وَقَلۡبُهُۥ مُطۡمَئِنُّۢ بِٱلۡإِيمَٰنِ وَلَٰكِن مَّن شَرَحَ
بِٱلۡكُفۡرِ صَدۡرٗا فَعَلَيۡهِمۡ غَضَبٞ مِّنَ ٱللَّهِ وَلَهُمۡ عَذَابٌ عَظِيمٞ ﴿١٠٦﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمُ ٱسۡتَحَبُّواْ
ٱلۡحَيَوٰةَ ٱلدُّنۡيَا عَلَى ٱلۡأٓخِرَةِ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلۡكَٰفِرِينَ ﴿١٠٧﴾

«Ким Аллоҳга иймон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса (Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлур). Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, (унинг иймонига зиён етмас). Аммо кимнинг кўнгли куфр билан (яъни, диндан чиқиб, кофир бўлиш билан) ёзиладиган бўлса, бас, ундай кимсаларга

Аллоҳ томонидан ғазаб ва улуғ азоб бордир. Бунга (яъни, бундай азоб-уқубатларга дучор бўлишларига) сабаб улар ҳаёти дунёни охиратдан афзал билганларидир. Аллоҳ эса кофир қавмни ҳидоят қилмас. (Бас, улар кофир бўлганлари сабабли ҳақ йўлни топа олмай ўлиб кетурлар)». (Наҳл: 106-107)

Аллоҳ таоло буларни оқламади. Қалби иймон билан хотиржам бўлгани ҳолда, мажбурланган киши бундан мустасно. Аммо бундан бошқа ҳолатларда – иймонидан сўнг кофир бўлди. Уларнинг ичида қўрқиб ёки таъма қилиб ёки хушомад ё тил учида сохталик билан ёки ватани, аҳли-оиласи ёки қабиласини юзини қилиб ёки ҳазиллашиб ё бошқа сабаблар билан юқорида келтирилган ноқизларни қилганнинг орасида – мажбурлангандан ташқари – фарқ йўқ. Оят икки томонлама шунга далолат қилади:

Биринчи:

مَن كَفَرَ بِٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ إِيمَـٰنِهِۦٓ إِلَّا مَنۡ أُكۡرِهَ وَقَلۡبُهُۥ مُطۡمَئِنُّۢ بِٱلۡإِيمَـٰنِ

«Ким Аллоҳга иймон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса» – Аллоҳ таоло мажбурланган кишидан бошқасини истисно қилмади. Маълумки, инсон бирон сўзни айтишга ёки бирон ишни қилишга мажбурланади, аммо қалбдаги ақидани ҳеч ким мажбурлаб ўзгартира олмайди.

Иккинчи:

ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمُ ٱسۡتَحَبُّواْ ٱلۡحَيَوٰةَ ٱلدُّنۡيَا عَلَى ٱلۡأٓخِرَةِ

«Бунга (яъни бундай азоб-уқубатларга дучор бўлишларига) сабаб улар ҳаёти дунёни охиратдан афзал билганларидир» – Бу ерда Аллоҳ таоло уларнинг кофир бўлишлари ва азобланишларига эътиқодлари ёки билмасликлари ёки динни ёмон кўришлари ёки кофирларни яхши кўришлари ёки бошқа нарсаларни сабаб қилмади. Иймондан сўнг кофир бўлишларига сабаб – уларга бу ишларида (яъни куфр амалларида) дунёдан тегадиган насиба борлиги ва ўша насибани диндан устун қўйганликларидир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло билувчидир.

Танбеҳ: Диннинг аслларида жоҳиллик (яъни билимсизлик) узр бўлмайди. Ким Аллоҳга ширк келтирса – гарчи у одам жоҳил бўлса ҳам – мушрик кофирдир.

Ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Ислом бу – Аллоҳнинг тавҳиди, якка ўзига, шерик келтирмай ибодат қилиш, Аллоҳга ва Унинг росулига иймон келтириш, у зот олиб келган (шариат)га эргашиш. Мана шуларни қилмаган банда мусулмон эмас. Ундай одам – саркаш, қайсар кофир бўлмаса ҳам – жоҳил кофирдир. Кофир бу – Аллоҳнинг тавҳидини инкор қилган ва росулини ёлғонга чиқарган кимсадир. У бу ишни ё қайсарлик билан ёки жоҳиллиги сабабли ёки саркаш қавмга тақлид қилган ҳолда қилади». (Торийқ ал-ҳижратайн 1/411)

* * * *

Бўлим

«МУҲАММАД АЛЛОҲНИНГ РОСУЛИДИР» ШАҲОДАТИНИНГ МАЪНОСИ

Шайх Сулаймон ибн Абдуллоҳ роҳимаҳуллоҳ айтади: «Муҳаммад Аллоҳнинг росулидир» шаҳодати Росулуллоҳ (соллаллоҳу алйҳи ва саллам)нинг ҳақларини ўз ичига олади ва унинг маъноси: У зот Аллоҳнинг бандасидир – у зотга ибодат қилинмайди, ростгўй элчидирлар – ёлғончига чиқарилмайдилар. У Зотга итоат қилинади ва эргашилади.Чунки у зот Аллоҳнинг номидан Унинг рисолатини етказувчидирлар.

Аллоҳнинг рисолати ва буйруқларини етказиш – Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мақомларидир. Росулуллоҳ одамлар ўртасида, улар ихтилоф қилган масалаларда, ҳукм қиладилар. Зеро, у зот – нафслари, аҳллари, моллари ва ватанларига бўлган муҳаббатларига қарши борган ҳолда – фақат Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қиладилар. У зотда илоҳиётдан ҳеч бир нарса йўқдир, балки у зот Аллоҳнинг бандаси ва элчисидирлар. Аллоҳ таоло айтди:

وَأَنَّهُۥ لَمَّا قَامَ عَبۡدُ ٱللَّهِ يَدۡعُوهُ كَادُواْ يَكُونُونَ عَلَيۡهِ لِبَدٗا ١٩

«Албатта, қачонки Аллоҳнинг бандаси (яьни, Муҳаммад алайҳис-салом) У зотга дуо-илтижо қилган ҳолда турганида улар (яъни жинлар Қуръон эшитиш иштиёқида) унинг устига ғуж-ғуж бўлиб ёпирилишга яқин бўлдилар». (Жин: 19)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мен бир бандаман, холос, шунинг учун (мени), Аллоҳнинг қули ва элчиси, деб айтинглар».

«(“Муҳаммад Аллоҳнинг росулидир” шаҳодатининг) лозимотларидан: Росулуллоҳга эргашиш, у зотни низоли масалалаларда ҳакам қилиш, Росулуллоҳга иймонни иддао қилганлари ҳолда, у зотдан бошқасига ҳукм сўраб борувчи мунофиқлар каби Росулуллоҳдан бошқасига ҳукм сўраб боришни тарк қилиш. Шуларга амал қилган банда тавҳиднинг ва Росулуллоҳга эргашишнинг камолига эришади. Мана шу – тўлиқ саодат ва мана шу – икки шаҳодатнинг маъносидир». (Тайсир ал-азиз ал-ҳамид 1/480)

Ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Аллоҳнинг пайғамбарини росул деб рози бўлиш –у зотга тамоман бўйсуниш, росулуллоҳни ўз нафсидан устун кўриш даражасида у зотга мутлақ таслим бўлишни ўз ичига олади. (Ушбу шаҳодатни айтган инсон) ҳидоятни, тўғри йўлни фақат у зотнинг сўзларидан ўрганади, у зотдан бошқага ҳукм сўраб бормайди, ўзига фақат у зотни ҳакам қилади. Ундан бошқасининг ҳукмига умуман рози бўлмайди. На Робб таолонинг исм-сифатлари ва феълларидаги бирон масалада, на иймон ҳақиқатларининг таъми ва унинг мақомларида ва на унинг зоҳирий ва ботиний ҳукмларида Росулуллоҳнинг ҳукмидан бошқасига рози бўлади. Зотан, Аллоҳ нозил қилган билан ҳукм қилиш – «Муҳаммад Аллоҳнинг росулидир» шаҳодатининг айни маъносидир». (Мадориж ал-Соликийн 2/172)

«Муҳаммад Аллоҳнинг росулидир» деб гувоҳлик бериш қуйидагиларни тақозо қилади:

- У зотни Аллоҳнинг росули деб иймон келтириш.
- У зотни севиш ва ҳурматлаш.
- У зотни ва суннатларини ҳимоя қилиш.
- Сўзларини рост билиб, тасдиқлаш
- Буйруқларига итоат қилиш
- Қайтарган ва ёмон кўрганларидан четланиш
- Аллоҳ таологa фақат Росулуллоҳ кўрсатиб берганларидек, фақат у зотга эргашган ҳолда ибодат қилиш. Росулуллоҳнинг сўзларини бошқа ҳар қандай одамнинг сўзидан устун қўйиш.
- У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам Роббиларининг рисолатини комил суратда (башариятга) етказганлар, деб иймон келтириш.
- У зот соллаллаҳу алайҳи ва салламнинг йўллари энг комил йўл, деб иймон келтириш.

«Муҳаммад Аллоҳнинг росулидир» деб гувоҳлик беришнинг маъноси ва ҳақиқати баён қилинганидан сўнг, шуни билиш лозимки, бу гувоҳликни бузувчи ноқизлари ҳам бордир. Улардан: ушбу шаҳодатни ҳар томонлама бузувчилари ҳамда вожиб бўлган камолотини бузувчилари бор.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларини маҳкам ушлашни буюрдилар ва уни бузувчи ва унга зид келувчи нарсалардан огоҳлантирдилар.

«Менинг суннатим ва мендан кейинги ҳидоят топган рошид халифалар суннати сизларга шарт бўлади. Уларни қаттиқ тутингиз ва озиқ тишлар билан тишлангиз. Шариатда янги пайдо қилинган нарсалардан сақланингиз. Зеро, ҳар бир пайдо қилинган нарса – бидъадир ва ҳар бир бидъат залолатдир». (Имом Аҳмад саҳиҳ санад билан ривоят қилган)

Зеро, бидъатлар ва янги пайдо қилинган нарсалар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш комил суратда бўлишига футур етказади. Ҳаттоки, уни ҳар томонлама бузиши мумкин. Шунинг учун, Исломнинг биринчи рукни бўлмиш икки шаҳодат калимасини тўлиқ суратда амалга оширишимиз ва уни бузувчи ёки ноқис қилувчи нарсалардан узоқ бўлишимиз учун бидъатларни билишимиз ва ундан эҳтиёт бўлишимиз вожибдир.

* * * *

БИДЪАТ

Бидъатнинг луғавий маъноси: янги пайдо бўлган, аввал унга ўхшаши бўлмаган нарса.

Абул Бақо ал-Кафавий айтди:

«Аввалда ўхшаши бўлмаган ҳар бир қилинган амал бидъатдир.

Аллоҳ таоло айтди: ﴿بَدِيعُ السَّمَاوَاتِ وَالأَرْضِ﴾ «(Аллоҳ) Еру осмонларни пайдо қилгувчидир» – яъни: аввал еру осмонга ўхшаш нарса бўлмаган эди, Аллоҳ таоло уни ихтиро қилди, яратди.

Бидъатнинг шариатда маъноси: Имом Шотибий айтади: «Бидъат – динда ихтиро қилинган, шариатга ўхшайдиган, шариатга амал қилишдан нимани қасд қилинса, ундан ҳам ўша нарса қасд қилинадиган бир йўлдир».

Таърифнинг шарҳи:

«Динда бир йўлдир» – дунёвий ишлар ёки одатлар бунга кирмайди.

«Ихтиро қилинган» – янги ўйлаб топилган.

«Шариатга ўхшайдиган» – шаръий йўл, амалларга ўхшаш.

«Шариатга амал қилишдан нимани қасд қилса, ундан ҳам ўша нарса қасд қилинадиган» – ўша амални қилган одам, ўша ўйлаб топилган йўл (амал) орқали, Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишни ният қилади. Худди шаръий йўлни ушлаган одам ният қилгани каби.

Бидъат – динда ихтиро қилиш ва мўъминларнинг йўлидан чиқишдир. Аллоҳ таоло айтди:

وَأَنَّ هَٰذَا صِرَٰطِي مُسْتَقِيمًا فَٱتَّبِعُوهُ ۖ وَلَا تَتَّبِعُوا۟ ٱلسُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَن سَبِيلِهِۦ ۚ ذَٰلِكُمْ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٥٣﴾

“Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр. Шояд тақво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди”.

«Тўғри йўл»– Аллоҳнинг йўлидир. Аллоҳ бандаларини шу йўлга чақирди. У йўл – Аллоҳнинг китоби ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг, салафи солиҳлар тушунганидек, суннатларидир. Аллоҳ таоло айтди:

وَمَن يُشَاقِقِ ٱلرَّسُولَ مِنۢ بَعۡدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ ٱلۡهُدَىٰ وَيَتَّبِعۡ غَيۡرَ سَبِيلِ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ نُوَلِّهِۦ مَا تَوَلَّىٰ وَنُصۡلِهِۦ جَهَنَّمَۖ وَسَآءَتۡ مَصِيرًا ١١٥

“Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўъминларнинг йўлларидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиламиз. Нақадар ёмон жойдир у!”

Бошқа йўллар – тўғри йўлдан оғишган ихтилофчиларнинг йўлидир. Улар бидъатчи ва адашганлардир.

Оятдаги «йўллар»дан мурод маъсиятлар йўли эмас. Чунки, ҳеч ким маъсиятлар учун шариатнинг йўлига ўхшаш, амал қилиб, ушланадиган бир йўл ўйлаб топмайди. Бу ерда бидъат ва янги ўйлаб топилган нарсаларга «йўл» деб хос таъриф берилди. Бунга далил – Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадис: У киши айтдилар: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир чизиқ чиздилар, сўнг айтдилар: «бу тўғри йўл», сўнг у чизиқнинг ўнг ва чап томонидан бир қанча чизиқлар чиздилар ва дедилар: «Бу йўлларнинг ҳар бири устида уларга чақириб турадиган шайтон бор». Сўнгра «Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир, Бас, шу йўлга эргашинглар!» оятини ўқидилар. (Аҳмад, Насоий ва Доримий ривоят қилишган, ҳасан ҳадис).

Аллоҳ таолонинг «(Бошқа) йўлларга эргашмангиз» қовли ҳақида Мужоҳид: «Бидъатлар ва шубҳалардир», деган.

Ойша розияллоҳу анҳодан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бизнинг бу ишимизда (яъни динда) унда бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад қилингандир» (Бухорий ва муслим ривояти).

Яна бир ривоятда: «Ким динимизда бўлмаган бир ишни қилса, у рад этилади»

Саҳиҳи Муслимда келади: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга хитоб қилиб, хутбаларида дер эдилар: «Сўнг ... сўзларнинг энг

яхшиси Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг энг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг энг ёмони (дин номидан) янги чиққанлари ва ҳар бир янги чиққан (йўл, амал) бидъатдир ва ҳар бир бидъат залолатдир». Насоий саҳиҳ санад билан: «Ҳар бир залолат дўзахдадир» деган қовлни зиёда қилган.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтдилар: «Суннатда ўртамиёна бўлиш бидъатда жидду жаҳдли бўлгандан яхшироқдир».

Бидъат боғлиқлилиги жиҳатидан уч турлидир:

1. Эътиқодга боғлиқ бидъат – Аллоҳ таолонинг сифатларини инкор қилиш ёки уларни бузиш, қадарийлар ва жабарийларнинг бидъатлари каби.
2. Амалга боғлиқ бидъат – Шаъбон ойининг ўртасида кечаси қоим бўлиш бидъати каби.
3. Тарк этилишга боғлиқ бидъат – Сафар ойида уйланишни тарк қилиш каби.

Бидъат ҳукми жиҳатидан икки хилдир:

1. Куфрий бидъат: рофизалар, жаҳмийлар ва демократларнинг бидъатлари каби.
2. Фисқ саналувчи бидъат: бунга – куфр даражасига етмаган барча бидъатлар киради.

Бидъатларнинг ҳаммаси ҳаромдир. Исломда «бидъати ҳасана» деган нарса йўқ. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, бидъатларнинг барчаси залолатдир.

Ибн Можишун айтди: Моликни шундай деганини эшитдим: «Ким Исломда бирон бидъат ўйлаб топса, сўнгра уни яхши (бидъати ҳасана) деб билса – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам рисолатга хиёнат қилган, деб даъво қилибди. Чунки, Аллоҳ таоло айтди (маъноси): «Бугун сизларга динингизни комил қилиб бердим» (Моида: 3).

Демак, ўша вақтда дин бўлмаган нарса – бугун ҳам дин бўлмайди» (Эътисом 1/49)

Шунингдек:

Бидъат – ҳақиқий ва изофий[1] бўлади

Ҳақиқий бидъат – шариатда асли йўқ ҳамда мужмал ёки муфассал суратда на бирон мўътабар далил ёки далилга ўхшаш нарсага суянган бидъатдир.

Бунга мисол: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туғилган кун – мавлудлари. Бу янги ўйлаб топилган йўл бўлиб, динда унинг на мужмал на муфассал асли бор.

Изофий бидъат: бундай бидъатнинг шариатда асли бўлади. Лекин унга бошқа бир томондан бузулиш киради.

Шариатда мавжуд бўлган амалга олтита томондан бузулиш киради:

1. Амални адо қилиш услубига: Жамоат билан, жўр бўлиб зикр қилиш ёки зикр қилиш асносида бошларни қимирлатиб ёки жасадни муайян суратда ҳаракатлантириш каби. Бу ҳолатда: зикр – шариатда асли бор, лекин уни адо қилиш ҳолатига бидъат кирган;
2. Сабабига: ёмғир ёғаётган вақтда, шу муносабат сабаб, махсус намоз ўқиш каби;
3. Амалнинг жинсига: шариат қурбонлик учун чорва молларини; туя, сигир, қўй деб белгилаган. Демак, кимки товуқ ёки кийик қурбонлик қилса, Аллоҳ белгилаб қўйган амалнинг жинсига У белгиламаган томонидан бидъат киргазган бўлади.
4. Сон ва ўлчовига: шариатда саноғи белгиланган зикрларни камайтириб ёки кўпайтириб ўқийди ва бу доимий равишда қилади. Намоздан кейинги ва бошқа зикрлар каби.
5. Замонига: жума кечасини қиём туришга ёки кундузини рўза тутишга хослаш каби.
6. Маконига: ғорлар ёки кимсасиз жойларда эътикоф ўтириш каби.

* * * *

[1] қўшилган

Бўлим

ТАВАССУЛ

Тавассул ва унинг ҳукмлари

Тавассул луғатда: талаб қилинган нарсага яқинлашиш ва унга рағбат билан эришиш маъносини англатади.

Ибн Асир «Ниҳоя» китобида айтади: «Восил бу – истовчидир, васила эса яқинлик ва воситадир. Васила орқали киши (ўзи истаган) нарсасига эришади, унга яқинлашади. Васила (وسيلة) сўзининг кўплиги – васоил (وسائل)».

Васила шариатда: Унинг воситасида, исталган нарсасига эришишни ёки қўрққан нарсасини дафъ қилишни умид қилган ҳолда, Аллоҳга яқинлик ҳосил қилади.

- **Тавассулнинг рукнлари учта:**

1. Тавассул қилувчи
2. Тавассул тури
3. Тавассул қилинаётган

- **Тавассул икки қисмга бўлинади:**

- Машруъ тавассул (Шариатда бор тавассул)
- Мамнуъ тавассул (манъ қилинган тавассул).

Биринчи: Машруъ тавассул: банданинг, Китоб ёки саҳиҳ суннатда ворид бўлган василалар орқали, Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиши.

Шариатда бор тавассул турларидан:

Аллоҳнинг энг гўзал исм ва сифатлари билан тавассул қилиш. Бунда инсон талаб ва ҳожатига мос бўлган Аллоҳнинг исм ва сифатларини танлаб, Унга дуо қилади. Масалан: «Эй Алийм (энг билувчи Зот), менга билдиргин»« ёки «эй Раззоқ (ризқ берувчи зот), мени ризқлантиргин!», каби. Аллоҳ азза ва жалла айтди:

وَلِلَّهِ ٱلۡأَسۡمَآءُ ٱلۡحُسۡنَىٰ فَٱدۡعُوهُ بِهَاۖ وَذَرُواْ ٱلَّذِينَ يُلۡحِدُونَ فِيٓ أَسۡمَـٰٓئِهِۦۚ سَيُجۡزَوۡنَ مَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ١٨٠

«Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар). Унинг исмларида (унга зиёда ёки нуқсон киргизиш ёки буриш билан) ўзгартириш киргизувчи кимсаларни тарк қилинглар. Улар яқинда қилиб ўтган амалларига яраша жазоланурлар». (Аъроф: 180)

Солиҳ амаллар билан тавассул қилиш. Далили: Иккала саҳиҳда келган ғор эгалари қиссаси бўлиб, улар Аллоҳга солиҳ амаллари билан дуо қилдилар ва Аллоҳ уларга нажот берди.

Дуоси ижобат бўлади, деб умид қилинадиган солиҳ кишиларнинг дуоси билан тавассул қилиш. Инсон тирик ва (ёнимизда) ҳозир бўлган солиҳ кишилардан, Аллоҳга у учун дуо қилишини сўраши жоиз.

Далили: Қурғоқчилик келиб, ёмғир узилиб қолганда Умар ибн Хаттоб Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталлибни васила қилиб ёмғир сўраб, шундай деганлар: ««Эй Аллоҳ! Биз Сенга (ҳаётликларида) Пайғамбаримизни васила қилиб ёмғир сўрардик, Сен бизга ёмғир ёғдирардинг. Энди эса, (вафотларидан кейин) Пайғамбаримизнинг амакиларини васила қилиб ёмғир сўраяпмиз, бизга ёмғир ёғдир». Анас айтади: «Ўшанда уларга ёмғир ёғдирилганди». (Бухорий ривоят қилган)

Уларнинг Аббос розияллоҳу анҳуни, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан сўнг, васила қилиб ёмғир сўраганлари – ўликни васила қилиб дуо қилиш жоиз эмаслигига далилдир. Аббосни васила қилинганидан мурод, уларнинг манзилатлари билан эмас, дуолари билан васила қилинган. Буни Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадис тасдиқлайди. У киши айтадилар: «Умар намозгоҳда ёмғир сўраб васила қилди ва Аббосга дедики: «Туринг, сиз ёмғир сўраб Аллоҳга дуо қилинг». Аббос туриб, дуо қилди». (Абдурраззоқ ривоят қилган)

Иккинчи: Манъ қилинган тавассул: банданинг, Китоб ёки саҳиҳ суннатда васила эканлиги собит бўлмаган йўллар орқали, Аллоҳга қурбат исташи.

Манъ қилинган тавассулнинг кўринишларидан:

Ширкий тавассул: Аллоҳ таоло айтди:

أَلَا لِلَّهِ ٱلدِّينُ ٱلۡخَالِصُۚ وَٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِهِۦٓ أَوۡلِيَآءَ مَا نَعۡبُدُهُمۡ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَآ إِلَى
ٱللَّهِ زُلۡفَىٰٓ إِنَّ ٱللَّهَ يَحۡكُمُ بَيۡنَهُمۡ فِي مَا هُمۡ فِيهِ يَخۡتَلِفُونَۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي مَنۡ هُوَ كَٰذِبٞ
كَفَّارٞ ٣

«(Эй инсонлар), огоҳ бўлингизким, холис дин Аллоҳникидир (яъни, ширкдан пок, холис дин – тоат ва ибодатларнинг барчасига ягона, шериги йўқ Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳақлидир)». (У зотдан ўзга «дўстлар»ни («худо») қилиб олган кимсалар: «Биз (ўша «худо»ларимизга) фақат улар бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар). Шак-шубҳа йўқки, Аллоҳ (қиёмат кунида) улар ихтилоф қилаётган нарсалар хусусида уларнинг ўртасида ҳукм қилур. Шак-шубҳа йўқки, Аллоҳ ёлғончи ва кўрнамак кимсаларни ҳидоят қилмас.

Мана шу ширкий тавассулдир.

Аллоҳга махлуқнинг ўзини васила қилиш

Аллоҳга махлуқнинг манзилатини ёки ҳаққини ё шу каби нарсани васила қилиш.

Юқоридаги тавассулнинг икки тури эса бидъат тавассулдир. Унинг ҳукми – ҳаром. Чунки, мазкур икки тур ҳақида ҳужжат бўлувчи ҳеч қандай далил келмаган ҳамда тавассулнинг бу тури ширкка олиб борувчи воситадир.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам атдилар: «Ким динимизда бўлмаган бир ишни қилса, у рад этилади». (Бухорий ривояти)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна атдилар: «Шариатда янги пайдо қилинган нарсалардан сақланингиз». (Термизий ва Абу Довуд ривояти)

* * * *

Бўлим

АҲЛИ СУННА ВАЛ ЖАМОА АҚИДАСИДА ИЙМОН

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан сўнг, саҳобалар даври охирларида Ислом динида Аллоҳнинг китоби ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлига мухолиф бўлган сўзлар, эътиқодлар ва ишлар бошланди. Шунда, саҳобалар бу ишларга аралашдилар ва уларнинг фасодини баён қилиб бердилар. Бидъатлар кўпайиб, ҳар хир фирқалар пайдо бўла бошлагач, ҳақиқат аҳли, уларга таъриф ўлароқ ҳамда бидъат ва залолат аҳлидан ажралиб туришлари учун «Аҳли сунна вал жамоа» деб номландилар.

Аҳли сунна вал жамоа: Улар – Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига – салафи солиҳлар (саҳобаи кироманлар ва уларга эҳсон билан эргашганлар) тушунчаларига мувофиқ – эргашган, бидъат ва бадъатчилардан четланган, Аллоҳнинг динига ёрдам берувчи муваҳҳидлардир.

Уларнинг «Аҳли сунна вал жамоа» деб номланишларига сабаб – Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашганлари ва суннатни эътиқод, сўз ва амалда зоҳиран ва ботинан маҳкам ушлашда жам бўлганларидир.

Ана ўшалар нажот топувчи фирқадирлар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Яҳудлар етмиш бир фирқага бўлинди, улардан биттаси жаннатда, етмиштаси дўзахда. Насронийлар етмиш икки фирқага бўлинди, улардан биттаси жаннатда, етмиш биттаси дўзахда. Жоним қўлида бўлган Зотга қасам, менинг умматим етмиш уч фирқага бўлинади, улардан биттаси жаннатда, етмиш иккитаси дўзахда». Сўрадилар: «Улар кимлар?» Росулуллоҳ айтдилар: «Улар жамоат бўладилар». Яна бир ривоятда: «мен ва менинг саҳобаларим (ушлаган йўл) устида бўлганлар». (Ибн Можа ва Ибн Абу Осим ривояти)

* * * *

ИЙМОННИНГ ТАЪРИФИ

Иймон луғатда: тасдиқлаш ва иқрор бўлиш деган маънони англатади.

Шариатда: Тил билан айтиш, қалб билан эътиқод қилиш ва тана аъзолари билан амал қилишдир. Тоат билан кўпаяди, маъсият билан камаяди.

Имом Аажуррий (роҳимаҳуллоҳ) айтадилар: «Иймон – қалб билан тасдиқлаш, тил билан иқрор бўлиш ва тана аъзолари билан амал қилишдир. Инсонда мана шу уч хислат жам бўлмаса, мўъмин бўлмайди».

Ибн Таймийя (роҳимаҳуллоҳ) айтади: «Биздан аввал ўтган салафларимиз иймон билан амалнинг орасини ажратмас эдилар. Амал иймондандир ва иймон амалдан. Ким тили билан иймон келтирса ва қалби билан билса ҳамда амали билан тасдиқласа – ана ўша узилиб кетмас мустаҳкам ҳалқадир. Ким тили билан айтса-ю, қалби билан билмаса ва амали билан тасдиқламаса – охиратда ютқазгувчилардан бўлади». (Иймон китоби, 250 – саҳифа)

ИЙМОННИНГ РУКНЛАРИ

Иймоннинг рукнлари олтитадир. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни Бухорий ва Муслим ривоят қилган узун ҳадис – Жибрийл (алайҳис салом) ҳадисида зикр қилганлар. Улар:

1. Аллоҳга иймон келтириш;
2. фаришталарига;
3. китобларига;
4. росулларига;
5. охират кунига;
6. тақдирга ва унинг яхшиси-ю ёмонига.

Аллоҳга иймон келтириш – Аллоҳнинг борлигини, рубубиятини, улуҳиятини, исм ва сифатларини қатъий ишонч билан тасдиқлаш ва иқрор бўлишдир. Бунинг баёни китобнинг бошида келди.

Фаришталарга иймон келтириш – Аллоҳ таолонинг фаришталари борлигини, уларни нурдан яратганини, улар Аллоҳга эртаю кеч тасбеҳ айтиб, Унинг номига ёлғон сўзламайдиган, мукаррам бандалар эканини, Аллоҳ уларга буюрган ишларда Унга осийлик қилмасликлари ва буюрилган ишни бажаришларини қатъий ишонч билан тасдиқлашдир.

Улар инсонларга ўхшамайдилар; емайдилар, ичмайдилар, ухламайдилар ва насл қолдирмайдилар.

Фаришталарга иймон келтириш мужмал ва муфассал бўлади.

Мужмал иймон: Уларнинг борлигига ва улар нурдан яратилганига иймон келтириш.

Муфассал иймон: Китоб ва суннатда улар ҳақида муфассал суратда келган барча нарсаларни тасдиқдаш: уларнинг бажарадиган ишлари, баъзиларининг исмлари ва Аллоҳ уларни (баъзи ишларда) хослагани; Жибрийл, Микоил, Исрофил, Аршни кўтариб турувчи фаришталар, ўлим фариштаси ва дўзахнинг хазинабони каби.

Китобларга иймон келтириш: Китоблардан мурод – Аллоҳ таоло росулларига нозил қилган самовий китоблар.

Китобларга иймон келтириш мужмал ва муфассал бўлади.

Мужмал иймон: Аллоҳ таоло росулларига китоблар нозил қилганига умумий суратда иймон келтириш. У китобларнинг ичида Аллоҳ ўз китобида зикр қилганлари ва зикр қилмаганлари ҳам бор.

Муфассал иймон: Китоб ва суннатда зикр қилинган ва улар муайян росулга нозил бўлгани айтилган китоблар. Уларга айнан иймон келтириш вожибдир. Масалан: Қуръони Карим, Инжил, Таврот, Забур ҳамда Иброҳим ва Муса (алайҳимассалом)ларга нозил қилинган саҳифалар. Ушбу зикр қилинган китобларга муфассал суратда иймон келтириш лозим.

Пайғамбарлар ва росулларга иймон келтириш: Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло хушхабар етказувчи ва огоҳлантирувчи қилиб росуллар юборганини қатъий ишонч билан тасдиқлаш ва иқрор бўлиш.

Пайғамбарларга иймон келтириш ҳам мужмал ва муфассал суратда бўлади.

Мужмал иймон: Аллоҳ таоло юборган барча пайғамбар ва росулларга умумий суратда иймон келтириш.

Муфассал иймон: Китоб ва суннатда зикри келган пайғамбар ва росуллар, даъватларининг тафсилотлари, қавмлари билан ўрталаридаги ҳолатларига

иймон келтириш. Улар ҳақида Қуръон ва саҳиҳ суннатда ворид бўлган барча нарсаларга иймон келтириш вожибдир.

Охират кунига иймон келтириш: у – халойиқ, ҳисоб-китоб учун, ўлгандан сўнг қайта тириладиган кундир.

Бу кунга иймон келтириш ҳам мужмал ва муфассал бўлади.

Мужмал иймон: Ўлгандан сўнг тирилишга, Аллоҳнинг олдида ҳисоб-китоб учун туриш борлигига иймон келтириш. Жаннат ва дўзахга иймон келтириш.

Муфассал иймон: Қайта тирилишга, Қиёмат куни бўладиган даҳшатлар ва аҳволларга иймон келтириш. У кундаги бўладиган ҳолатлар; сирот кўприги, амаллар торозуси, саҳифаларнинг учиб юриши, қуёшнинг халойиққа яқин келиши ва бундан бошқа Китоб ва саҳиҳ суннатда келган тафсилотларга иймон келтириш. Шунингдек, қабр азоби ва роҳатига иймон келтириш. Чунки қабр – охират куни зимнига киради. Усмон розияллоҳу анҳудан собит бўлган ҳадисда, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қабр – охиратнинг биринчи манзилидир». (Аҳмад ва Ибн можа ҳасан санад билан ривоят қилганлар)

Тақдирнинг яхшиси-ю ёмонига иймон келтириш: Бу – Аллоҳ таоло барча нарсани билди, ёзиб қўйди, сўнгра хоҳлади, сўнгра яратди, ҳар қандай ҳаракат қилувчи нарса фақат унинг иродаси ва хоҳиши билан ҳаракат қилади, ҳар қандай жим турувчи нарса унинг иродаси ва хоҳиши билан жим туради, деб иқрор бўлиш билан бўлади. У барча нарсаларнинг Яратувчисидир, нимани хоҳлаган бўлса – бўлади, нимани хоҳламаган бўлса – бўлмайди. Унинг ҳукмини шарҳловчи йўқ, Унинг қазосини қайтарувчи йўқ, махлуқотларни яратди, ишлари, ризқлари, ҳаётлари ва мамотларини ўлчаб қўйди.

Қадар тўртта мартабададир.

Илм. Аллоҳ таоло айтди: ﴿إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾ «Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билувчидир» (Анфол: 75)

Ёзув. Аллоҳ таоло айтди:

﴿مَا أَصَابَ مِن مُّصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِّن قَبْلِ أَن نَّبْرَأَهَا إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾

«На Ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса) Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул-Маҳфузда битилган) бўлур. Албатта бу Аллоҳга осондир». (Ҳадид: 22)

Хоҳиш. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَمَا تَشَاؤُونَ إِلَّا أَن يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ﴾

Сизлар фақат бутун оламлар Роббиси бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина хоҳларсизлар. (Таквир: 29)

Яратиш. Аллоҳ таоло айтди:

﴿اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ﴾ الزمر62

«Аллоҳ барча нарсанинг Яратгувчисидир». (Зумар: 62)

* * * *

ЭҲСОН

Ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бандаликни гўзал суратда адо этиш – яъни эҳсонни – диннинг энг олий мартабаси қилдилар. Жибрийл алайҳиссалом ҳадисларида, у зот Росулуллоҳдан эҳсон ҳақида сўраганларида, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳга Уни кўриб турганингдек ибодат қилишинг. Агар буни қила олмасанг, Аллоҳга У сени кўриб турганидек (ибодат қилишинг)”, дедилар». (Мадориж ул-соликийн 1/134)

Яна роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам динда энг олий мақомларга тарғиб қилар эдилар. Агар банда ундан ожизлик қилса, ўрта мақомга туширар эдилар. Ҳадисда: «Аллоҳга Уни кўриб турганингдек ибодат қилишинг...», деган сўзлари –Ислом, иймон, эҳсон мақомларини жамловчи муроқаба мақомидир. Сўнгра айтдиларки: «Агар буни қила олмасанг, Аллоҳга У сени кўриб турганидек (ибодат қилишинг)» – бу билан банда биринчи мақомга ожизлик қилса, уни иккинчи мақомга туширдилар. Иккинчи мақом – Аллоҳ таоло уни кузатиб турганини, кўриб турганини ва У бандасига одамлар орасида бўлганида ҳам, ёлғиз қолганида ҳам шоҳид эканини билишдир». (Мадориж ул-соликийн 2/209)

Ва айтдилар: «Жибрийл алайҳиссалом ҳадисида, у зот «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эҳсон ҳақида сўради ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга Уни кўриб турганингдек ибодат қилишинг. Агар буни қила олмасанг, Аллоҳга У сени кўриб турганидек (ибодат қилишинг)» - дедилар.

Муроқабанинг таърифи: Банданинг Ҳақ субҳанаҳу ва таоло унинг зоҳирию ботинини кузатиб турганини доимо билиб туришидир. Мана шу билишида ва комил ишончида давомий бўлиши – муроқаба дейилади. Муроқаба – Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уни кўриб, кузатиб турганини, сўзларини эшитиб турганини, унинг амалларига ҳамма вақт, ҳар лаҳзада, ҳар бир нафасда ва ҳар кўз очиб юмгунча бўлган вақтда қараб турганини билишининг самарасидир». (Мадориж ул-соликийн 2/65)

* * * *

АҲЛИ СУННА ВАЛ ЖАМОАНИНГ АҚИДАДА АСЛЛАРИ

- Иймоннинг учта рукни бор: қалб билан эътиқод қилиш, тил билан айтиш, тана аъзолари билан амал қилиш. Иймон тоат билан кўпаяди, маъсият билан камаяди.
- Аллоҳнинг исм-сифатларига, уларни инкор қилмасдан, (махлуқларга) ўхшатмасдан, бузмасдан ва кайфиятига аралашмай иймон келтириш
- Қуръонда ва саҳиҳ суннатда келган барча нарсаларга иймон келтириш ва таслим бўлиш.
- Шаръий нассларни муқаддас билиш ва уларни кишиларнинг раъйларидан устун қўйиш.
- Китоб ва суннат нассларини салафи солиҳлар тушунганидек тушуниш.
- Мусулмон кишида иймон ва маъсият, иймон ва кичик ширк ва кичик куфр жам бўлади. Аммо иймон билан катта куфр ва катта ширк жам бўлмайди.
- Кабира гуноҳ қилган киши – иймони билан мўъмин, қилган гуноҳи билан фосиқдир. Ундаги иймон даражасида у билан дўстлашилади, фосиқлиги даражасида душманлашилади. Бироқ, унга нисбатан катта вало, яъни Исломдаги дўстлик қолади.
- Саҳобаларнинг барчалари (Аллоҳ улардан рози бўлсин) одилдирлар
- Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байтларига муҳаббат ва уларни дўст тутиш
- Пайғамбарлардан (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) сўнг ҳеч ким гуноҳдан маъсум эмас.
- Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннати деб гувоҳлик берган кишилардан ташқари, ҳеч қайси мусулмонга жаннати ёки дўзахи деб ҳукм қилмаймиз. Муҳсин мусулмонга (жаннатни) умид қиламиз, ёмон мусулмон учун (дўзахи бўлишидан) қўрқамиз.
- Мусулмонлар халифасига байъат вожибдир. Маъруф ишларда унга қулоқ солинади ва итоат қилинади. Унда Аллоҳдан бурҳон билан очиқ-ойдин куфрни кўрмагунимизча, унинг тоатидан қўлимизни тортмаймиз.
- Мусулмон имом орқасидан – у яхши бўладими ё фожир бўладими – жиҳод қиёматгача давом этади.

- Аллоҳ нозил қилганидан бошқаси билан ҳукм қилувчи тоғутларни, Аллоҳнинг душманларини дўст тутганларни такфир қиламиз ва уларга қарши жиҳодни вожиб деб биламиз.
- Кофирлар ва муртадлар зиндонидаги мусулмон асирларни қутқаришни вожиб деб биламиз.

Набиййимиз Муҳаммадга ва уларнинг оилалари ва асҳобларининг барчасига Аллоҳнинг салавоти ва саломлари бўлсин.

Мундарижа